


383

Ўттинч учинчи йил чиқиши
Зул-ҳижжа 1439х – август 2018м



Ал-Ваъй

Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал



Ўзгартириш ва дин-
ни тиклаш амалиётида
уламоларнинг вазифалари


Ал-Ваъй сўзи

Ислон Уммати ягона Уммат бўлиб, унинг улуғлигини қайта тиклаш учун рошид Халифалик давлати тикланиши лозим

Кўрфаздаги режимларнинг ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги ифлос роли

Ислоний Умматнинг ҳазорий лойиҳаси юксалмоқда, Ғарб лойиҳаси эса, қуламоқда

Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Ислom Уммати ягона Уммат бўлиб, унинг улуғлигини қайта тиклаш учун рошид Халифалик давлати тикланиши лозим 3
- Ўн тўққизинчи ва йигирманчи асрлардаги Ғарб муфаккирларининг куч сиёсати стратегияси 14
- Кўрфаздаги режимларнинг ўтмишдаги ва ҳозирги кундаги ифлос роли 25
- Ислomий Умматнинг ҳазорий лойиҳаси юксалмоқда, Ғарб лойиҳаси эса, куламоқда..... 32
- Нима учун одамлар Халифаликни тиклашга қақирилсалар суслик қилишмоқда?!..... 40
- Ўзгартириш ва динни тиклаш амалиётида уламоларнинг вазифалари..... 46
- **Олам мусулмонлари хабарлари** 52
- **Қуръони Карим суҳбатида** 58
- **Жаннат боғлари:** Қиёмуллайл мўминнинг шарафидир 66
- Сомит (гапирмайдиган) лақабли мўмин, мужоҳид ва шаҳид саҳоба Абу Абдурраҳмон Зайд ибн Хаттоб  71
- **Сўнги сўз:** Дэвид Хирст: Сўнги кризисда Иорданияни Саудия эмас Қатар ва Қувайт кутқарди..... 75
- Трамп ўз маслағига қарши чиққан хоиндир, Қўшма Штатларда келтириб чиқарилган кризис америкада тузатилиши керак..... 76

- Ливан 1000 лира
- Яман 30 риёл
- Туркия 1 доллар
- Покистон 1 доллар
- Австралия 2,5 доллар
- Америка 2,5 доллар
- Канада 2,5 доллар
- Германия 2.5 евро
- Швеция 15 крон
- Бельгия 1 евро
- Британия 1 евро
- Швейцария 2 франк
- Австрия 1 евро
- Дания 15 крон

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ИСЛОМ УММАТИ ЯГОНА УММАТ БЎЛИБ, УНИНГ УЛУҒЛИГИНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ УЧУН РОШИД ХАЛИФАЛИК ДАВЛАТИ ТИКЛАНИШИ ЛОЗИМ

Суриядаги кўзғолон энг аянчли аҳволни бошдан кечирмоқда ва ахборот воситалари унинг мағлубиятга учрай бошлагани ҳақида гапирмоқда. Кўпчилик «кўзғолоннинг деярли эълон қилинган мағлубиятидаги асосий омил халқаро тил бириктирувдир», деб ўйлаши мумкин. Чунки, ушбу халқаро тил бириктирув дунёдаги энг катта кучга эга бўлган Америка ва Россия бошчилигидаги бир-бирига қарама-қарши халқаро кучларни бирлаштирди. Бу икки буюк давлат ҳар қандай инсонийликдан четга чиқиб? ушбу кўзғолонни тугатишга келишишди. Уларни назорат қилувчи, улардан ҳисоб талаб қилувчи бўлмади. Ҳатто улар ўзлари ишонишини даъво қилган халқаро қонунга ҳам риоя қилишмади. Бироқ бу ерда муҳим ҳисобланган бошқа омил ҳам бор. Бу омил шуки, кўзғолончиларга фикрий етакчилик етишмади. Чунки ушбу фикрий етакчилик шундай бир фикрий доирани ташкил қилар эдики, бу доира кўзғолончиларни ягона мақсад асосида жамлаб мақсадни рўёбга чиқариш йўлида уларнинг кучи ва меҳнатини бирлаштиради... Уларга ушбу халқаро тил бириктирувга қарши турувчи фикрий етакчиликка асосланган сиёсий етакчилик ҳам етишмади... Шунингдек, пухта ҳарбий режаларни тузадиган ва тўлиқ ғалабани рўёбга чиқариш йўлида ҳарбий амалиётларни бошқарадиган ҳарбий етакчилик етишмади. Бошқача ибора билан айтганда мағлубият сабаби ташқаридан келиб чиқишидан кўра кўпроқ ичкаридан келиб чиқди.

Суриядаги вазиятнинг бундай аҳволга келиб қолганини оқлаш учун кимдир «кўзғолон халқаро коалицияни енгил у ёқда турсин қандай қилиб ушбу коалиция ва бу даражадаги жиноятлар қаршисида тура олсин»? деб айтиши ҳам мумкин. Бу саволларга жавоб беришдан олдин қуйидаги саволга жавоб бериш лозим. Бу савол шуки: манфаатлари бир-бирига қарама-қарши бўлган давлатлардан мисли кўрилмаган бундай коалицияни ташкил қилишга ва бундай жиноятни амалга оширишга дунё давлатларини нима ундади? Бундан мақсад халқаро сиёсий доирада ҳеч қандай

кадрга эга бўлмаган Башар Асадга ёрдам кўрсатишми? Бу саволларга йўқ, деган жавоб бўлиши табиий. Чунки, Башар Асад Американинг кўлидаги ва ўз манфаати йўлида ишлатадиган кирғин куролидан бошқа нарса эмас. Қолаверса, бу ерда кўзғолонга қарши урушга кирган ушбу давлатлардан ҳар бирининг миллий хавфсизлиги билан боғлиқ стратегик сабаб бўлиши керак... Шунингдек, улар ушбу кўзғолонга ўзлари учун хавф солади, деб ҳисоблаган бўлишлари ҳамда ушбу хавф аралашини ва тил бириктиришни талаб қилган бўлиши керак. Аммо, дунё давлатларини бундай жинойтчи коалицияни ташкил қилишга ундаган ўша хавф нима?... Албатта бу хавф минтақада бўй чўза бошлаган ҳамда фожиавий вазиятдан чиқишда Умматнинг умидига айланган сиёсий Ислом, Ислом бошқаруви ва Исломий Халифаликдир.

Ҳақиқатдан ҳам, Халифалик ва Уммат яхлитлигини тамсил этган Ислом рисолати, Раббоний шариат, жиҳод, диннинг ёйилиши ҳамда одамларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб Аллоҳнинг динига кириши уларга хавф солди. Чунки Ғарб – мусулмонларнинг мустамлакачиликдан халос бўлишни, Ғарбга малай бўлган бошқарув низомларини қулатишни ва уларнинг вайроналари узра Ислом бошқарувини тиклашни истаётганларини англаб етди. У Умматни чегаралар бўла олмаганини ҳамда бирлаштирувчи яхлит фикрга ва ягона ҳаёт ҳақидаги кўз-қарашга эга битта Уммат сифатида қолишига ҳеч ким тўсиқ бўлолмаганини ҳам тушунди. Ғарб шуни ҳам англаб етдики, Ислом Уммати ўз муаммоларини дини асосида ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда, ўз динига олий самовий рисолат деб қарамоқда. Шунингдек, Уммат ўз ҳазорати ва тарихи билан фахрланади, доим у билан гавдаланади ҳамда уни қайта тирилтиришни истади. У йўлбошловчи етакчини изламоқда...

Ғарб Умматнинг бундай ҳаракатини ташлаб қўйиш ёки унинг кенгайишига йўл бериш мумкин эмаслигини, балки уни тугатиш лозимлигини тушунди. У аввал ҳам буни олдини олиш учун кўп уринган эди. Бунинг учун у Ироқ ва Афғонистонни бевосита босиб олди. Бироқ у муваффақиятсизликка учради... Ҳозир у Умматнинг кўзғолонларидан, хусусан Шомда Халифалик қайта туғилишидан кўрқмоқда. Шунинг учун Сурияда юз берган жинойтлар Исломга қарши уруш қилишгача етиб борди. Бу урушнинг терроризмга қарши курашиш номи остида олиб борилиши барчага маълум. Террорга қарши уруш кенгайиб ҳатто Халифалик давлати билан қонли ўтмишга эга бўлган ва шу ўтмиш қайталанишидан

кўрқаётган барча давлатларни қамраб олишининг сабаби ҳам шудир. Бу дунё давлатларида аниқ ҳақиқатга айланди ва буни сиёсий тушунчага эга бўлмаган кишигина англамайди. Мисол учун, Ироқ ва Афғонистон босқини пайтида халқаро ахборот воситаларида Буш ва унинг ёрдамчилари ҳамда Ғарб сиёсатчилари бир қанча баёнотлар беришди. Улар ўз баёнотларида ўзлари Исломи императорлиги, дея номлашган халифаликдан огоҳлантиришган эди. Бундай баёнотлар Сурия кўзғолонида яна қайталанди. Сурия кўзғолонига қарши нима учун бу қадар шафқатсизларча ҳужум қилинганини мана шулардан тушуниш мумкин ва бу халқаро саҳнада очиқ ҳақиқатга айланди.

Аммо мусулмонлар билан уларнинг душманлари ўртасидаги кучдаги тафовутга келсак, бу янги нарса эмас. Зеро, мусулмонлар эга бўлган Аллоҳга ва охират кунига имон келтириш тушунчалари, Аллоҳнинг шариатида рия қилишнинг қуввати, динни ғолиб қилишни исташ ва уни жиҳод орқали ёйиш, жаннат талабида шаҳид бўлишни яхши кўриш, ёлғиз Аллоҳдан ёрдам сўраш ва Унга таваккал қилиш... буларнинг барчаси мусулмонларга қисқа вақт ичида, Исломи давлат энди дунёга келган кунларда Форс ва Рум империялари устидан ғалаба қилиш имконини берди. Шунингдек, мусулмонларни бирлаштирган Халифалик давлати бор бўлган кунда салиб урушларида ҳам мусулмонлар бутун Ғарб устидан ғалаба қилиш имконига эга бўлдилар. Агар мусулмонлар мазкур сифатларга эга бўлсалар бугун ҳам кофир кучлар устидан ғалаба қилиш имконига эга бўладилар. Бундай қийинчиликларга олдинги пайғамбарлар ва Пайғамбаримиз Мустафо ﷺ ҳам дуч келганлар.

﴿الْم أَحْسِبَ النَّاسُ أَنْ يُتْرَكُوا أَنْ يَقُولُوا ءَامَنَّا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ﴾ ﴿۱﴾ وَقَدْ فَتَنَّا

الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَلْيَعْلَمَنَّ اللَّهُ الَّذِينَ صَدَقُوا وَلْيَعْلَمَنَّ الْكٰذِبِينَ﴾

«Алиф, Лом, Мим. Одамлар: Имон келтирдик, дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?! Ҳолбуки, Биз улардан аввалги (имон келтирган барча) кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку!! Бас (шу имтиҳон воситасида) албатта Аллоҳ («Имон келтирдик» деб) рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур» [Анкабут 1-3]

Аслини олганда, бу қийинчиликлар мўминлар учун синовдир. Бу ўринда Қуръон Каримнинг оятларини, яъни саййидимиз Довуд

киссасини, Толут ва тоғут Жолут ўртасида бўлган воқеани ибрат учун келтиришимиз фойдадан холи эмас. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَلَمَّا فَصَلَ طَالُوتُ بِالْجُنُودِ قَالَ إِنَّ اللَّهَ مُبْتَلِيكُمْ بِنَهَرٍ فَمَنْ شَرِبَ مِنْهُ فَلَيْسَ مِنِّي وَمَنْ لَمْ يَطْعَمْهُ فَإِنَّهُ مِنِّي إِلَّا مَنْ اغْتَرَفَ غُرْفَةً بِيَدِهِ ۗ فَشَرَبُوا مِنْهُ إِلَّا قَلِيلًا مِّنْهُمْ ۗ فَلَمَّا جَاوَزَهُ هُوَ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ قَالُوا لَا طَاقَةَ لَنَا الْيَوْمَ بِجَالُوتَ وَجُنُودِهِ ۗ قَالَ الَّذِينَ يَظُنُّونَ أَنَّهُم مُّلتَقُوا اللَّهَ كَم مِّن فِئَةٍ قَلِيلَةٍ غَلَبَت فِئَةً كَثِيرَةً بِإِذْنِ اللَّهِ ۗ وَاللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ ﴿٢٤٩﴾ وَلَمَّا بَرَزُوا لِجَالُوتَ وَجُنُودِهِ قَالُوا رَبَّنَا أَفْرِغْ عَلَيْنَا صَبْرًا وَثَبِّتْ أَقْدَامَنَا وَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ ﴿٢٥٠﴾ فَهَزَمُوهُم بِإِذْنِ اللَّهِ وَقَتَلَ دَاوُدُ جَالُوتَ وَآتَاهُ اللَّهُ الْمُلْكَ وَالْحِكْمَةَ وَعَلَّمَهُ مِمَّا يَشَاءُ ۗ وَلَوْلَا دَفْعُ اللَّهِ النَّاسَ بَعْضَهُم بِبَعْضٍ لَّفَسَدَتِ الْأَرْضُ وَلَٰكِنَّ اللَّهَ ذُو فَضْلٍ عَلَى الْعَالَمِينَ ﴿٢٥١﴾ تِلْكَ آيَاتُ اللَّهِ نَتْلُوهَا عَلَيْكَ بِالْحَقِّ ۗ وَإِنَّكَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ ﴿٢٥٢﴾﴾

«249. Қачонки Толут аскарлари билан (шаҳардан) чиққач, айтди: «Албатта Аллоҳ сизларни бир дарё билан имтиҳон қилади. Бас, ким ундан сув ичса менинг (аскарим)дан эмас ва ким ундан ичмаса, у менадир. Магар ким қўли билан фақат бир ҳовуч олса (жоиздир)». Бас, у дарёдан озгиналаридан бошқа ҳаммалари ичдилар. У имон келтирган кишилар билан бирга дарёдан ўтгач (аксарлар) айтдилар: «Энди бу кун Жолут ва унинг лашкарларига кучимиз етмайди». (Шунда) Аллоҳга рўбарў бўлишларига ишонадиган зотлар: «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир», дедилар. 250. Қачонки Жолут ва унинг лашкарига кўринганларида айтдилар: «Парвардигоро, устимиздан сабру тоқат ёғдиргил, қадамларимизни собит қил ва Ўзинг бизни бу кофир қавм устига золиб қил!» 251. Бас, Аллоҳнинг изни билан уларни енгдилар. Ва (Толутнинг аскарларидан бўлган) Довуд Жолутни ўлдирди. Ва Аллоҳ унга (Довудга) подшоҳлик, пайгамбарлик ва Ўзи хоҳлаган нарсаларидан таълим берди. Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмас

экан, шубҳасиз, ер фасодга дучор бўлади. Лекин Аллоҳ барча оламлар устида фазлу карам соҳибидир. 252. (Эй Муҳаммад), булар Аллоҳнинг оятларидир. Уларни Сизга ҳаққирост тиловат қилмоқдамиз. Ва Сиз шак-шубҳасиз пайгамбарлардандирсиз»

[Бақара 249-252]

Аллоҳ Таоло Бану Исроил подшоҳи Толут ҳақида хабар бериб айтмоқда. Толут ўз аскарлари ва Бану Исроилдаги ўзига итоат қилган кишилар билан бирга йўлга чиққанида уларга айтади: Аллоҳ сизларни анҳор билан синайди. Ким ундан сув ичса мендан эмас, яъни бугун бу йўлда менга ҳамроҳлик қилмайди. Ким ундан ичмаса, у менадир. Фақат кафтига сув олиб ичган киши бундан мустасно. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَشَرِبُوا مِنْهُ إِلَّا قَلِيلًا مِّنْهُمْ﴾

(Бас, у дарёдан озгиналаридан бошқа ҳаммалари ичдилар). Бухорий Барро ибн Озибдан ривоят қилган ҳадисда Барро айтади:

﴿كُنَّا أَصْحَابَ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، نَتَحَدَّثُ أَنَّ عِدَّةَ أَصْحَابِ بَدْرِ عَلَى عِدَّةِ أَصْحَابِ طَالُوتَ، الَّذِينَ جَاوَزُوا مَعَهُ النَّهْرَ، وَلَمْ يَجَاوِزْ مَعَهُ إِلَّا مِائَةٌ مِنْ بَضْعَةِ عَشْرٍ وَثَلَاثَ مِائَةٍ﴾

«Биз Муҳаммад ﷺ асҳоблари – бадр асҳоблари сони Толутнинг анҳордан ўтган асҳоблари сонича бўлган, деб айтар эдик. Толут билан бирга уч юз ўн нафардан ортиқ мўмингина анҳордан ўтган».

Шунингдек, Бухорий Барродан ривоят қилади: «... Шунинг учун Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَلَمَّا جَاوَزَهُ هُوَ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ قَالُوا لَا طَاقَةَ لَنَا الْيَوْمَ بِجَالُوتَ وَجُنُودِهِ﴾

(У иймон келтирган кишилар билан бирга дарёдан ўтгач (аксарлар) айтдилар: Энди бу кун Жолут ва унинг лашкарларига кучимиз етмайди). Яъни душманлари кўп бўлгани учун уларга йўлиқишга ўзларини оз деб ҳисоблашди. Шунда уламолари уларни шижоатлантирди. Ҳолбуки, улар Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини билишарди. Чунки ғалаба сон ва қурол-яроқ кўплиги билан эмас, балки Аллоҳнинг хузуридан келади. Шунинг учун улар:

﴿كَمْ مِّن فِئَةٍ قَلِيلَةٍ غَلَبَتْ فِئَةً كَثِيرَةً بِإِذْنِ اللَّهِ وَاللَّهُ مَعَ الصَّابِرِينَ﴾

(Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир), деб айтишди». Шунингдек, Аллоҳ Таоло ўз элчисини ва

мўминларни уларнинг сони оз бўлса-да, ғалаба билан сийлаганини айтиб шундай дейди:

﴿وَأَذْكُرُوا إِذْ أَنْتُمْ قَلِيلٌ مُسْتَضْعَفُونَ فِي الْأَرْضِ تَخَافُونَ أَنْ يَتَخَطَّفَكُمُ النَّاسُ فَفَاوَنَكُمُ وَأَيَّدَكُم بِنَصْرِهِ وَرَزَقَكُم مِّنَ الطَّيِّبَاتِ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾

«Ва сизлар ерда (яъни, Маккада) озчилик ва ночор бўлган ҳолингизда, одамлар (яъни, Макка мушириклари) талаб кетишларидан қўрқиб турган пайтингизда сизларга жой бериб (яъни, Мадинага кўчириб) Ўз ёрдами билан қўллаб-қувватлаганини ва шукр қилишингиз учун покиза ризқлар билан бахраманд қилганини эслангиз!» [Анфол 26]

Росулуллоҳ ﷺ кофирларга қарши озчилик билан юзма-юз келиб ғалаба қилдилар. Чунки ғалаба меъёри энг аввало Аллоҳга иймон келтиришга ва унинг буйруқларига итоат қилишга асосланади. Ғалаба учун тўлиқ бўлиши лозим бўлган энг биринчи нарса шудир. Кучни тадбир қилиш бундан кейин келади. Жангчиларнинг битта сафда бўлишлари кучни тадбир қилишнинг энг биринчи талабларидандир.

﴿إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الَّذِينَ يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِهِ صَفًا كَانَهُمْ بَيْنَهُ مَرْصُوصٌ﴾

«Албатта Аллоҳ Ўзининг йўлида гўё туташ бинолардек бир сафга тизилган ҳолларида жиҳод қиладиган зотларни севар»

[Соф 4]

Ғалаба учун тўлиқ бўлиши лозим бўлган энг муҳим нарса бирлашган ҳарбий етакчиликнинг бўлишидир. Чунки ҳарбий етакчилик жанглари тайёргарлик билан амалга оширишни таъминлайди...

Бироқ, ғалаба қўлга киритилишида етук аҳамиятга эга бўлган бир иш бор. Бу иш шундан иборатки, ғалабага эришиш учун давлатларга қарши давлатлар, армияларга қарши армиялар қарши курашади. Росулуллоҳ ﷺнинг қилган ишлари ҳам худди шу нарсани кўрсатмоқда. Зеро, Росулуллоҳ ﷺ Маккада нусрат талаб қилиб, ансорларни топишга ҳаракат қилганларида бу ишни ансорлар ёрдамида қабилаларга қарши курашиш учун қилмадилар, балки Исломий давлатни барпо қилиш учун қилдилар. Қачонки ансорлар Пайғамбар ﷺнинг талабини қабул қилгач, у зот Мадинага ҳижрат қилиб, у ерда давлатни барпо қилдилар ва мана шундан кейингина жиҳод эълон қилдилар. Чунки жиҳод оятлари

давлат тикланишидан олдин тушмаган, балки давлат тикланганидан кейин нозил бўлган.

Биз бу ўринда исломий давлатда гавдаланувчи ягона сиёсий етакчилик ҳақида гапиришга ўтамиз. Исломий давлатнинг сиёсий етакчилик бўлиши бу давлатнинг исломий фикрий етакчиликка асосланишини англатади. Яъни, бу давлат Ислом тушунчалари, фикрлари ва аҳкомлари асосида иш юритади.

Ҳа, Умнат Парвардигори томонидан шодлик келишига мушток. Аллоҳ Таоло Халифалик давлатининг тикланишини шодлик калити қилиб белгилади. Чунки Халифалик билан Ислом ва унинг аҳли азиз бўлади, куфр ва унинг аҳли хор бўлади. Ғарб бу масалани тушунади ва бунинг олдини олишни ўзи учун тақдирий масала деб билади. Афсуски, баъзи мусулмонлар буни тушунмаяптилар.

Баъзи мусулмонлар қалбини бу имконсиз, Ғарб бунга йўл бермайди, деган шубҳа эгаллаб олган бўлиши ҳам мумкин. Биз уларга айтамызки, бу Аллоҳ сизларга юклаган фарздир ва сизларнинг нажотингиз фақат шундадир. Модомики, Аллоҳ уни сизларга фарз қилиб юклаган экан, демакки бу иш тоқат доирасидаги ишдир. Чунки Аллоҳ тоқат етмайдиган ишни юкламайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا﴾

«Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага тақлиф қилмайди»

[Бақара 286]

Демак, бу иш имконсиз иш эмас. Бироқ, уни амалга ошириш энг оғир ишлардандир. Аммо, Ғарб бунга асло йўл бермайди, деган гапга келсак, бу ишнинг натижаларини Ғарб белгиламайди, балки оламлар Парвардигори белгилайди. Дарҳақиқат, Росулulloҳ ﷺнинг Маккадаги ишлари давлатни барпо қилишга қаратилган эди. У зот ўз йўлида Аллоҳнинг буйруғига итоат қилдилар, Ўзи ва озчиликни ташкил қилган иймон келтирган кишилар йўлиққан қийинчиликларга сабр қилдилар. Бунинг натижасида, Аллоҳ мўминларни қувғинга учраганларидан кейин бошпана билан, ночор аҳволда қолганларидан кейин уларга нусрат бериш билан ва дарада қамалда қолганларидан кейин энг мазали таомлар билан ризқлантириш билан сийлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَذْكُرُوا إِذْ أَنْتُمْ قَلِيلٌ مُسْتَضْعَفُونَ فِي الْأَرْضِ تَخَافُونَ أَنْ يَتَخَطَّفَكُمُ النَّاسُ فَآوَاكُمْ وَأَيَّدَكُمْ بِنَصْرِهِ وَزَرَقَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ﴾

«Ва сизлар ерда (яъни, Маккада) озчилик ва ночор бўлган ҳолингизда, одамлар (яъни, Макка мушриклари) талаб кетишларидан қўрқиб турган пайтингизда сизларга жой бериб (яъни, Мадинага кўчириб) Ўз ёрдами билан қўллаб-қувватлаганини ва шуқр қилишингиз учун покиза ризқлар билан бахраманд қилганини эслангиз!» [Анфол 26]

Ғалаба фақат Аллоҳ томонидан келади, унга йўл берадиган ёки унга тўсқинлик қиладиганлар кофирлар эмас. Шунинг учун агар ғалаба кечикса кофирлар уни кечиктиргани учун кечиккан бўлмайди. Балки, мўминлар қосирлик қилгани ва Халифалик давлатини тиклашда Аллоҳнинг буйруғига риоя қилмагани учун ғалаба кечикади.

Биз айтамызки, Халифаликни тиклаш фаолияти шунча қийинчиликларга учраган бўлса-да, бироқ у ўзининг аввалги босқичида эмас. Биз тўлиқ хотиржамлик билан айтамызки, у сўнги босқичга етиб борди. Эллик йилдан ортиқ давр давомида мусулмонлар ўртасида олиб борилган даъват нусрат талабларини амалга ошириш учун катта масофани босиб ўтди. Қолаверса, мусулмонларда нусрат омиллари тўлиқ таъминланди. Яъни, Уммат бирлаштирувчи фикрга эга ва бу фикр Ғарбни қўрқувга соладиган шаклда мавжуд. Уммат Ислом ҳукмлари татбиқ этилишини истайди. Шунингдек, бундай юксак вазифани рошид халифалар давридагидек адо этишга ўзини тайёрлаган мусулмонлар жамоаси бор ва бу жамоа Ҳизб ут-Таҳрирдир. Бу жамоанинг исми халифаликка, Халифалик унга ном бўлиб қолди... Бу фаолият унга ёрдам берадиган ҳамда мўминлар ичидан чиққан куч эгаларигагина муҳтож. Бу куч эгалари армиялар сафида мавжуд, бироқ улар тарқок. Куч эгалари Аллоҳга ва унинг Росулига ёрдам берган аввалги ансорлардек динига ёрдам кўрсатувчи ансорлар мартабасини эгаллашлари учун улардан ёрдам олишга ҳаракат қилиш лозим. Шундагина Аллоҳ улар орқали Умматга нусрат беради ва давлат тикланади.

Уммат Аллоҳнинг нусрати қачон амалга ошишини ҳамон кутмоқда... Шунингдек, биз кўряпмызки, бугун нусратнинг амалга ошишига тўсиқ бор, деб ҳеч ким ўйламасин. Балки, мусулмонлар устида содир этилаётган бу жиноятлар уларни ҳаракатга

келтириши лозим. Чунки, бу жинойтчилар кофирлигидан келиб чиқиб бизга қарши уришмоқда. Улар Исломга кек сақлаганлари учун уни «террор» дея номлашди, динини барпо қилиш учун ҳаракат қилаётган мусулмонларни, террорчи, фундаменталист ва экстремист, дея аташди. Сурияда юз берган ишлар айтганларимизнинг тўғрилигига очик мисолдир. Чунки одамларнинг динларига нисбатан тутган позицияси ва ўз ерларида халифалик тикланишига рози бўлишлари мақтовга сазовордир. Ҳатто бу ҳолат Ғарбнинг ҳам эътиборини тортди. Шунинг учун у кўзғолонларга барҳам бериш учун ўзидаги барча имкониятларни ишга солди.

Америка ва у билан бирга дунё давлатлари шу пайтгача мусулмонларга ўзлари истаган давлатни барпо қилишларига тўсқинлик қилиб келишди. Бироқ, улар мусулмонларнинг воқеликни ўзгартириш истагини ўзгартиришолмади ва асло ўзгартиришолмайди ҳам. Мусулмонлар билан курашаётган кофир давлатлар учун мағлубият санаси белгиланган бўлиб, бу сана ҳаргиз ўзгармайди. Умнат дунёнинг ҳар бир жойида озорга учрашига қарамай, воқеликни ўзгартириш йўлида қатъият билан турган экан, кофирларнинг мағлубияти Аллоҳнинг ёрдами ила албатта амалга ошади. Ғарб ҳазоратининг муваффақиятсизликка учраши ҳамда бутун дунёнинг капитализм зулматидан чиқарадиган, унинг шафқатсизлигидан кутқарадиган тўғри оламий фикрий етакчиликка муҳтож бўлиб туриши кофирлар мағлубиятига бўлган ишончни кучайтиради.

Биз Аллоҳнинг оятларида ваъда қилинган ғалабани кутмоқдамиз. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ
الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا
يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْعًا ۗ وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (имон-эътиқодли) зотларни халифа қилганидек уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини голиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик

қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итбатсиз кимсалардир» [Нур 55]

Биз Росулulloҳ ﷺнинг ҳадисларида башорат қилинган Халифалик тикланишини кутмоқдамиз. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«تَكُونُ النَّبُوءَةُ فِيكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَاجِ النَّبُوءَةِ فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا عَاصًا، فَيَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعَهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَاجِ النَّبُوءَةِ. ثُمَّ سَكَتَ.»

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосида Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар». Бу ҳадисни Баззор ва Табароний ривоят қилган. Ҳатто айтишимиз мумкинки, Росулulloҳ ﷺнинг ҳадислари бутун оламга Исломнинг ғалаба қилишини ва уларга ҳам Ислом етиб боришини башорат қилади. Ибн Ҳиббон Микдод ибн Асвадан, у Росулulloҳ ﷺдан ривоят қилган ҳадисда У зот айтадилар:

«لَيَبْلُغَنَّ هَذَا الْأَمْرُ مَا بَلَغَ اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ، وَلَا يَتْرُكُ اللَّهُ بَيْتَ مَدْرٍ وَلَا وَبَرٍ إِلَّا أَدْخَلَهُ اللَّهُ هَذَا الدِّينَ بَعْرَ عَزْرٍ أَوْ بَدَلٍ ذَلِيلٍ، عِزًّا يُعِزُّ اللَّهُ دِينَ الْإِسْلَامِ، وَذُلًّا يُذِلُّ بِهِ الْكُفْرَ»

«Бу иш кеча ва кундуз етиб борган жойгача етиб боради. Аллоҳ биронта ҳам ўтроғу кўчманчининг уйини қолдирмасдан унга бу динни азизнинг азизлиги ёки хорнинг хорлиги билан киритади. Азизликки, у билан Аллоҳ Ислом динини азиз қилади. Хорликки, у билан Аллоҳ куфрни хор қилади». Росулulloҳ ﷺ барча мусулмонларга, хусусан Фаластин аҳлига яҳудийларнинг давлати тугатилишини ва ўзлари ўлдирилишини башорат қиладилар:

«لَا تَقُومُ السَّاعَةُ حَتَّى يُقَاتَلَ الْمُسْلِمُونَ الْيَهُودَ فَيَقْتُلُهُمُ الْمُسْلِمُونَ، حَتَّى يَخْتَبِيَ الْيَهُودِيُّ مِنْ وَرَاءِ الْحَجَرِ وَالشَّجَرِ، فَيَقُولُ الْحَجَرُ أَوْ الشَّجَرُ: يَا مُسْلِمُ، يَا عَبْدَ اللَّهِ، هَذَا يَهُودِيٌّ خَلْفِي فَتَعَالَ فَاقْتُلْهُ، إِلَّا الْغَرْقَدَ فَإِنَّهُ مِنْ شَجَرِ الْيَهُودِ»

«То мусулмонлар яхудийларга қарши жанг қилиб, уларни ўлдирмагунча ва то яхудийлар дов-дарахт ва тоғу тошлар ортига беркиниб олганда, дов-дарахт ва тоғу тошлар Эй мусулмон, Эй Аллоҳнинг қули, мана ортимда яхудий турибди, келиб уни ўлдира магунча қиёмат қоим бўлмайди. Фақат ғарқад дарахти бундай демайди, чунки у яхудийлар дарахтидир».

Лекин ушбу огоҳлантирув ва башоратлар осонлик билан, самога қўл кўтариб дуо қилиш билангина амалга ошиб қолмайди... Балки, бунинг учун мусулмонлар қатъият билан ҳаракат қилишлари ва Росулulloҳ ﷺнинг тариқати асосида Аллоҳнинг динига ёрдам беришлари керак бўлади... Албатта аввал дуо қилиниши ва бу дуога Аллоҳни рози қиладиган солиҳ амал ҳамроҳ бўлиши ҳам лозим. Шунинг учун Умматга айтамик: Модомики Ислом бошқарувини истар экансиз ва орангизда бу ишни рошид халифалар йўлига асосланиб бажаришга қодир кишилар бор экан, сиз ҳаргиз мағлуб бўлмайсиз. Албатта Аллоҳ ўз ҳидояти ила сизга ансорларни йўллайди.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا تَحْيِيكُمْ ۗ وَأَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَقَلْبِهِ ۗ وَأَنَّهُ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайгамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қилар экан, уни қабул қилинглар ва билингларки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар» [Анфол 24] □

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ВА ЙИГИРМАНЧИ АСРЛАРДАГИ ҒАРБ МУФАККИРЛАРИНИНГ КУЧ СИЁСАТИ СТРАТЕГИЯСИ

Оламни куч билан бошқариш (1)

Абдулҳамид Абдулҳамид

Биз заифларга ўрин бермайдиган шафқатсиз капиталистик оламда яшар эканмиз, шундай бир давлатни тиклашга ҳаракат қилиямизки, бу давлат кучли давлатлар ҳужуми қаршисида мустаҳкам тура олиши, сўнг кучга тўлиб худуди барча исломий юртларни қамраб олиши ва бутун оламни Ислом билан бошқариш учун кенгайиши лозим. Шунинг учун, бу ўринда Ғарб муфаккирларининг фикрлаш услубларини ва дунёни бошқариш учун қўлланиши керак бўлган асосий қурол ҳақида уларнинг қарашлари ҳар хиллиги сабабини тушуна олишимиз учун куч сиёсати қондасига ҳамда ғарбликларнинг у ҳақдаги назариясига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Куч сиёсати тушунчаси:

Куч сиёсати қондаси: Давлат халқаро сиёсатда бирор иш қила олиши унинг кучига боғлиқ. Агар давлат муваффақиятга эришмоқчи бўлса, у аввало кучга тўлиши лозим, деган фикрдан келиб чиқади.

Бу қоидага кўра, экспанцион характердаги давлатлар нафақат ўз чегараларини кўриқлаш, балки чегарасидан ташқаридаги янги ерларга ҳукмронлик қилиш учун ҳарбий куч йиғиши лозим.

Куч сиёсати назарийтчиларидан бирининг айтишича, янги давлат кучли армияга эга бўлиши лозим. Шунингдек уруш соҳасига эътибор бермаслик туфайли давлат заволга учрайди, давлат уруш соҳаси билан шуғулланиши ва уни пухта ўрганиши унинг сақланиб қолиши ва юксалишига олиб боради.

Модомики, давлатларнинг хоҳиш-истаги бир-бирига қарама-қарши бўлар экан, улар ўртасида уруш келиб чиқаверади. Бундай ҳолатда ким кучли ва хоҳлаган нарсасига эгалик қилишини уруш белгилайди. Кучли тараф ҳақиқат соҳиби бўлади. Чунки ҳақиқат – то у рўёбга чиққунига қадар – қонуний қилич ўзи томонида бўлишига муҳтождир.

Чунки халқаро сиёсатдаги энг муҳим омил ҳарбий куч ва унинг давлатлар ўртасида тақсимланишидир. Бу ерда асосий кафолат рақобатлашаётган давлатлар ўртасидаги куч мувозанати тенг бўлиши керак. Бошқача айтганда куч жиҳатдан мувозанат бир хил бўлса, иккала тараф ҳам урушдан қочади. Чунки бу кўп харажат талаб қилади ва фойдасидан зарари ортиб кетади.

Кучлар мувозанати сиёсати бевосита уруш юз беришини олдини олади. Чунки, агар бевосита уруш юз берса, у вайронагарчилик келтириб чиқаради. Мана масалан йигирманчи аср ўрталарида АҚШ ва Совет Иттифоқи ўртасидаги кучлар мувозанатини олиб қарайдиган бўлсак, унда иккала тарафда ҳам улкан қуроллар бўлиб, уруш юз берадиган бўлса, тез ва тўлиқ вайронагарчиликка олиб борган бўлар эди.

Куч сиёсати қоидаси танқидчилари давлатнинг кучини ташқи кўринишига қараб баҳолаб бўлмаслигини таъкидлайдилар. Уларга кўра, ҳисоб-китоб қилиниши мумкин бўлган бирдан-бир нарса шу кучнинг манбаларидир. Чунки келажакда бу куч фойда келтириши ҳам, келтирмаслиги ҳам мумкин. Давлатлар фақат ўзлари фойдали деб гумон қилаётган куч манбаларини эгаллашга ҳаракат қила оладилар.

Куч нисбий омил бўлиб, кучли одам қандайдир шароитда кучли бўлган бўлса, бошқасида заиф бўлган. Масалан Америка Шимолий Вьетнамдан кучли бўлган бўлса, Жанубий Вьетнамда мағлубиятга учраган ва чекинишга мажбур бўлган. Совет Иттифоқининг ҳарбий ядровий кучи уни қулаши, парчаланиши ва олам бўйлаб нуфузининг синиб кетишини тўхтата олмаган.

Демак, ҳарбий куч барча нарса дегани эмас. Кимки ҳарбий куч орқали барча нарсага эришаман деса, тез орада барча нарсадан маҳрум бўлиши мумкин. Ғарблик куч сиёсати муфаккирлари ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида Атлантика океанининг икки томонида пайдо бўлишди. Улар куч сиёсати қоидасини қабул қилган давлатлар томонидан ишлатилиши лозим бўлган қурол турини белгилашда келиша олмадилар. Лекин, қуйидаги пунктлар борасида улар яқдил фикрдалар:

1 – Ҳарбий куч давлатнинг экспансион мақсадларини рўёбга чиқаришда энг фаол қурол ҳисобланади.

2 – Давлат тирик вужуд бўлиб, кучайиши ва заифлашиши мумкин. Шунингдек, унинг чегаралари эгилувчан ва ўзгарувчандир, буларнинг барчаси унинг ҳарбий кучига боғлиқ.

3 – Дунёнинг сиёсий харитасида заиф давлатлар учун ўрин йўқ, чунки ҳаёт фақат кучлиларга чекланиши лозим.

4 – Давлатларнинг манфаатлари зиддиятлидир. Бу эса, бошқалар ҳисобига ўз ишларини рўёбга чиқариш учун бир-бири билан мусобақаланиш ва курашни талаб қилади.

5 – Давлатнинг экспансион ғоялари қаршисида тўсиқ бўладиган ҳар қандай руҳий, ахлоқий ва инсоний қийматларга чек қўйилиши лозим.

6 – Биз яшаётган ерга ягона халқро давлатгина сиғади.

Денгиз кучлари-денгиз стратегияси ҳақида сиёсий тушунча:

Океан ва денгизлар соҳилбўйи давлатлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий рақобат ҳамда қуролли жанжаллар учун майдон бўлиб келган ва ҳамон шундай бўлиб келмоқда. Бу эса, ушбу давлатларни денгиз кучларини пайдо қилиш ва унинг фаолиятини кучайтиришга ундаган.

Денгиз кучлари тарихи қадимий бўлиб, бошида ҳарбий денгиз флоти жангчи денгиз бўлинмаларидан иборат бўлган. Улар кемаларни оёқ ва қўл орқали ҳаракатга келтиришган. Кейин шамол воситасида бошқариладиган елканлардан фойдаланилган. Сўнг буғдан, ундан сўнг нефть ёқилғисидан ва ниҳоят атом энергиясидан фойдаланиладиган бўлди.

Шундай қилиб, охириги техника ютуқларидан фойдаланиш орқали денгиз кучларини ишга солиш тараққий этиб борди. Айрим давлатларда денгиз қуроли қуруқлик ва ҳаво қуроллари билан мустаҳкамланди. Душманларнинг денгизларда мавжуд денгиз флоти кучлари замбарак ва ракеталар орқали рақиб ерларини ҳам нишонга олиши мумкин.

Денгиз кучларидаги муҳим нарса уларнинг тўсиқсиз ҳаракатланиши ва манёврлар ўтказишига боғлиқ. Чунки океан ва денгизлар бирор давлатники эмас. Давлатлар қонунлари океан ва денгизларга алоқаси йўқ. Денгиз кучлари душман флотини яқсон қилишидан ташқари унинг ҳарбий ва иқтисодий потенциалини тор-мор қилишдек муҳим ишларни бажаради. Бу ишларни душманнинг марказий нуқталари ва қуролли кучлари жойлашган манзилларга таъсир ўтказиш орқали амалга оширади. Шунингдек, бунда душман ерини босиб олиш учун қуруқлик кучларини тайёрлайди.

Бундан ташқари, денгиз халқлар ўртасида тижорат ва турли алоқаларни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Соҳил бўйидаги марказларда бир неча маданият ва тараққиётлар пайдо бўлган ва мана шу марказлардан тарқалган. Масалан финикийлар эътиборларини фақат денгизга қаратишган ва Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилида Сойда, Сур, Акка ва Арвад каби денгиз шаҳарларини бунёд этишган. Улар денгизнинг аҳамиятини ҳис қилганлари учун денгиз империясини барпо қилишган.

Сур шаҳри финикийлари денгиз империяси қуруқликдаги ерларни эгаллашдан кўра кўпроқ тижорат ва алоқаларга таянишига қаноат ҳосил қилганлар. Чунки ерлар ҳомийларни талаб қилади ва парчаланиб кетиши мумкин. Улар яна оролли минтақалар давлат

пойтахти учун хавфсизроқ ва ташқи хатардан тинч бўлади ҳамда бу нарса шаҳар бевосита куруклик соҳилида бўлганидан яхшироқ деб билишган.

Шунинг учун улар пойтахтларини соҳилдан ўнлаб километр узоқликда жойлашган қояларга кўчиришган. Улар шу йўл билан ўз ерларини ўша пайтда мавжуд Бобил ва Уссурия давлатлари хатаридан Македонский келгунича сақлаганлар.

Улардан бири шундай дейди: «Агар ушбу қояли орол соҳилдан бир километр узоқда жойлашганда эди эҳтимол, Александр ундан ноумид ҳолда қайтган бўларди. Чунки Сур ва Қиртож шаҳарларининг қулаши денгиз империялари ўз пойтахтларига таянганини ҳамда пойтахт қуласа империя ҳам қулашини кўрсатди. Денгиз империяси куруклик империясидан шу жиҳати билан фарқ қилади. Чунки куруклик империяси пойтахт қулагандан кейин ҳам узил-кесил қуламаслиги мумкин».

Шундай қилиб, Қиртож империяси ўз ниҳоясига етди. Унинг пойтахти римликлар томонидан ёқиб юборилди. Римликлар Ўрта ер денгизининг кўплаган шаҳарларини босиб олишди. Ганнибал Рим деворларини ёриб кира олмагач, Алп тоғи орқали Франция томондан бостириб кирди. Ганнибал шундай ҳарбий режа туздик, унинг хужумидан душман саросимага тушиб қолди. Чунки у кутилмаган тарафдан ва турли жойлардан ёғилиб келган эди.

Британия ярим оролининг Европа куруклик соҳилларига яқин жойдаги Атлантика океани очиқ сувларида жойлашиши уни Европа материги давлатлари ўртасида бўлаётган урушлар ва сиёсий тартибсизликлардан сақлади. Шунингдек, Атлантика океани орқали Америка материгининг шарқий соҳилларига бўлган денгиз юришларида алоҳида роль ўйнади. Қисқача айтадиган бўлсак, Британиянинг ярим оролда жойлашиши доим куёши чарақлаган денгиз империясини бунёд этишига ёрдам берди.

Британия ярим ороли географик кашфиётлар асридан олдин қадимги олам давлатлари ичида энг қоқоқларидан эди. У узоқ йиллар давомида Европанинг курукликдаги давлатларига тобе бўлиб келди. Британия аҳолиси денгизчилик билан шуғулланмас эди ва юртлари қадимги олам ҳазорат марказларидан узоқда бўлганлиги сабабли денгизчиликда моҳир эмас эдилар. Чунки Британия шарқий тарафдан Евроосиёнинг фойда келтирмайдиган куруклигига чегарадош бўлса, унинг ғарбий томони Атлантика океани сувларига туташар эди. Унинг аҳволи Япониянинг аҳволига ўхшаш эди. Чунки у куруклик томонидан Шарққа туташган бўлса, олди томони Тинч океани сувларига тўғри келади.

Янги олам кашф этилганидан сўнг Британия Европанинг Шимолий Америкага энг яқин тарафи бўлиб қолди. У учун Америкага денгиз йўли очилди ва Жанубий Африка ҳамда Узоқ Шарқ давлатларига қўшимча икки Америка материғи билан алоқа қилиш енгиллашди. Бундан ташқари Ўрта ер денгизи ва Балтика денгизи каби ярим ёпиқ маҳаллий денгизлар билан алоқа яхшиланди.

Лекин денгиз йўли марказлари борасида Британиядан устунликка эга бўлган Испания ва Португалия Узоқ Шарққа етишга умид қилишар эди. Улар Шимолий Америкага етиш учун Британия билан ҳамкорлик қилишди. Лекин бу икки давлат эътиборни Американинг ўрта ва жанубий қисмига қаратишди. Бу эса инглизларни ўз нуфузларини Шимолий Америкада ўрнатишлари учун йўл очди.

Географик кашфиётлардан олдин Европага оғир юк бўлган Британиянинг жойлашган ўрни кашфиётлардан сўнг ҳассос стратегик ўринга айланди, аҳолиси рўйхатга олинди ва одамларнинг билим даражаси ортгани туфайли денгизчиликда мутахассислар кўпайди. Буларнинг барчаси Британияга мустамлакачиликни ёйишда ёрдам берди ва унинг озиқланадиган илдизларини кенгайтди. Шундай қилиб, Британия Осиё, Африка ва Шимолий Америкадаги кўп халқларнинг ерларини босиб олди. Британия империянинг ҳарбий кучини мукамаллашда ўз мустамлакаларининг табиий ва иқтисодий бойликларидан фойдаланди.

Америкалик денгиз флоти адмирали Альфред Мэхэн (1840-1914 йил) Британия ярим оролининг буюклиғи ва унинг жойлашган ўрнига лол қолган кишилардан эди. У денгизни давлатнинг кувват ва ҳайбатини оширадиган географик омил деб ҳисоблар эди. У шунингдек, оламнинг исталган жойига тўсиқларсиз, ҳамда йўл ва темир йўллар қурмай етиб олиш мумкин, бундан ташқари куруклик ва ҳаво орқали юк ташишдан кўра денгиз орқали ташиш бир неча баробар арзон бўлади деб билар эди.

Унинг ишонишича, давлат доимий ҳаракатда бўлиши лозим. Чунки бу унинг кенгайишига ёрдам беради. Давлатнинг ўтрок бўлиб қолиши уни кулашга ва завол топишига олиб боради. Давлат кунлик фаолияти орқали ўз борлиғини ҳимоя қиладиган тирик вужуд кабидир. Бундан ташқари, у денгиз кучлари куруклик кучларидан устун бўлиши лозим, ким денгизга эгалик қилса, курукликка ҳам эгалик қилади, денгиз буюклик манбаи ва

кенгайиш воситасидир, қисқаси шон-шараф денгиз кучларидадир деб ишонган эди.

Мэхэн ўз юрти яъни АҚШ олам денгизлари узра ҳукмронлик қилиш ҳамда қуруқликдаги халқлар тақдири ва уларнинг бойликларига эгаллик қилишда Британиянинг қонуний меросхўри бўлишини истар экан, шундай деган эди: «Дунё океанлари Британия империясининг ички сувларига айланиб қолди, халқаро тижорат йўллари эса, унинг ҳаётий томирларига айланди».

Мэхэн Британия денгиз флотини шундай сифатлаган эди: «Британия ўз флоти кучини гуруҳларга қарши урушга кириш ва тижорий мақсадда урушга кириш учун сақламайди. Балки унинг кучи душман майдонга ташлайдиган асосий кучга қарши қаратилган. Буни душман флотига ҳал қилувчи зарба бера оладиган ва денгиз узра ҳукмронликни қўлга киритадиган ҳарбий кемаларни ишга солиш орқали амалга оширади.

Мэхэн қисқача шундай дейди: Британия денгизчиликдаги буюкликка етук ҳарбий тайёргарлик, катта ҳисоб-китоб ва тараккий этган техника мутахассислари орқали эришди. Чунки Британия орол давлати бўлиб, ўз мустамлакаларига бориши ва уларнинг бойликларини Британия халқига олиб келиши учун кучли ҳарбий флот бунёд этиши лозим. Унинг ҳарбий флоти тижорат флоти учун денгиз йўлларининг хавфсизлигини таъминлайди ва Британияга қарши қамал эҳтимолини олдини олади. Бундан ташқари хатар туғилганда душман Британия ерларига ҳукмронлик қилиб олишидан сақлайди.

Мэхэн денгизчилик билан шуғулланадиган давлат буюк куч бўлиши ва куч орқали хоҳлаган нарсага эриша олиши учун эгаллаши лозим бўлган табиий, географик ва инсоний омилларни санаб берган. Улар географик жиҳатдан жойлашган ўрин, ҳудуд, қайси материкда жойлашгани, давлатнинг соҳиллари характеристикаси, аҳолининг умумий ҳисоби, этник характеристикаси ва ҳукмрон сиёсий тузумдир.

Мэхэнга кўра, давлатнинг жойлашган ўрни абсолют эластик бўлиши лозим, яъни денгиз томондан хорижий олам билан алоқа қилишда эрки ўз қўлида бўлиши ва буни ҳеч қандай тўсиқсиз амалга ошириши лозим. Шунинг учун давлат қуйидагиларга эга бўлиши шарт:

1 – Давлат ташқи олам билан боғлаб турадиган очиқ денгизга туташ бўлиши лозим. Чунки давлат ҳукмронлик қилаётган денгиз очиқ сувларга олиб чиқадиган сув ричаги билан қамал қилинмаган бўлиши керак. Шунда давлат мана шу ричагга хўжайинлик

қилаётган давлат шантажига йўлиқмайди ва мустақил сиёсий қарор чиқара олади.

2 – Давлат қанчалик денгизга яқин бўлса, унинг жойлашган ўрни шунчалик манёвр қилишга қулай бўлади.

3 – Давлатнинг соҳили қанчалик узун, чуқур ва денгизчиликка яроқли ва қинғир-қийшиқ бўлса, унинг жойлашган ўрни шунчалик кучли бўлади.

4 – Давлатнинг жойлашган ўрни катта денгиз кучига эга бошқа бир рақиб давлатдан узоқроқ бўлиши лозим. Шунда у денгиз кучини тараққий эттириши осон бўлади.

5 – Денгизга туташ давлатнинг қуруқлик чегараси хавфсиз бўлиши лозим. Чунки бу нарса уни турли тартибсизликлар ва ташқи хатарлардан узоқлаштиради.

6 – Давлатнинг денгиздаги жойлашган ўрни асосий сув йўллари ва халқаро аҳамиятга эга стратегик сув базалари орқали мустақамланган бўлиши лозим.

Мэхэн юқоридаги шартларни Британиядан ташқари майдони 9,8 км. квадратга тенг АҚШда ҳам кўрди. Чунки АҚШ ғарбий тарафдан Тинч океани узра ҳукмронлик қилади. Бу океан уни Австралия, Янги Зеландия, Индонезия, Малайзия, Филиппин ва Япония каби йирик ороллар жойлашган Осиё материги билан боғлаб туради. Шарқий тарафдан эса, Европа ва Африка материги билан боғлаб турадиган Атлантика океани устидан ҳукмронлик қилади.

АҚШ Европа ва Осиёнинг ҳар қандай давлати томонидан бўладиган хатарлардан тинч давлатдир. Чунки у қадимги дунё материгидан узоқда жойлашган. Аммо унинг икки қўшниси Мексика ва Канада ҳақида айтадиган бўлсак, Мексика ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан АҚШдан анча ортда қолган. Канада эса майдонининг аксар қисми совуқ ҳудуд бўлгани ва қишлоқ хўжалик манбалари кам бўлгани туфайли АҚШ ҳарбий, иқтисодий ва аҳоли сони жиҳатдан ундан устундир. Шунинг учун АҚШ бир тарафдан сувда манёвр қила оладиган географик ўринда жойлашган бўлса, иккинчи тарафдан қуруқлик чегаралари хавфсиздир.

АҚШнинг шарқий соҳили денгизчиликка яроқли энг яхши соҳиллардан биридир. Чунки масофаси жуда узун ва эгри-бугри ва туртиб чиққан жойлари кўп. Бу эса, қуруқликни транспорт тармоқлари ва денгиз ресурсларига яқинлаштиради. Соҳилда яна кўлтиқлар кўп бўлиб, улар портларда тўхтаб турган кемаларни денгиз тўлқинларидан сақлайди ҳамда сақофий ва техник омилларни жалб қилади. Бундан ташқари унинг яқинида бир неча

ороллар мавжуд бўлиб, улар соҳил денгизчилигини фаоллаштиришга ёрдам беради. Соҳил денгизчилиги эса, тараққий этган денгизчиликка кириб боришда зинапоя ҳисобланади. Чуқур бўлмаган, лой ёки қумли тўғри соҳиллар йирик денгиз кучларини ташкил қилишга ёрдам бермайди.

Лекин АҚШ майдонининг кенглиги ҳамда Атлантика ва Тинч океанига туташган ҳудудларининг узунлиги мудофаа масаласида унга қийинчилик туғдиради. Чунки агар икки соҳилнинг бири тарафидан хатар пайдо бўлса, бир-бирини қўллаш учун иккала тарафни ҳам бошқарадиган марказлашган денгиз кучлари ташкил қилиш имконияти йўқ. Бу нарса АҚШнинг икки соҳилини бир-биридан ажратиб қўяди ва денгиз кучларини АҚШнинг бошқа соҳилига ўтиши учун Жанубий Американи айланиб ўтишига мажбур қилади. Шунинг учун икки тарафни бир-бирига боғлашдаги харажатларни камайтириш ва АҚШнинг Кариб денгизидagi давлатлар билан бўлган алоқаларини кучайтириш учун Панама каналини қазिश зарур бўлиб қолди.

Аммо ҳарбий ва иқтисодий денгиз фаолиятини амалга оширишда қуруқликдаги таянч масаласига келсак, Мэхэн бу борада давлат қишлоқ хўжалик ресурслари ва ер ости бойликлари жиҳатидан қашшоқ бўлиши ҳамда иқтисодий фаолият учун яроқсиз бўлиши лозим, шунда аҳоли тирикчиликнинг асосий манбаси сифатида денгизчиликка эътиборларини қаратади дейди. Лекин АҚШ турли иқлимий шароитлар ва ўсимлик, ҳайвонот, ер ости бойликларига эга бўлгани учун юқорида Мэхэн айтган шартлар унда мавжуд эмас. Бу эса, Америка халқини денгиз томон йўналишига салбий таъсир кўрсатади ва ўзлари учун қуруқликни ҳаёт манбаси қилиб олишига мажбурлайди.

Лекин йигирманчи аср бошларида АҚШ аҳолиси сони тахминан 150 миллионга етиши Американинг денгиз флотини барпо этишига ва давлатнинг бошқа соҳаларига таъсир қилмасдан ундан фойдаланишига йўл очди. Бунга хусусан қишлоқ хўжалик ва саноат соҳасидаги ишчи кучи етишмаслиги туртки бўлди.

Америка халқининг миллий, диний ва тил соҳасидаги бир хиллик у ердаги сиёсий барқарорликка ёрдам берди. Чунки аҳолининг кўп қисми англосаксонлар бўлиб, улар инглиз тилида сўзлашади ва дини насронийларнинг протестант оқимига мансуб.

Мэхэн Америка аҳолисини саргузашт ва денгиз саёҳатини севадиган ҳамда шахсий эркинлик, кўчманчи ҳаёт, тижорат ва моддий даромадни яхши кўрадиган халқ деб билади. Чунки улар географик жиҳатдан денгизга яқин жойлашган Европа

халқларидан тарқашган ва уларнинг аждодлари янги ерларга саргузашт, даромад йиғиш ва яхши яшаш орзусида кўчиб келишган.

Танқидчиларга кўра, Мэхэн мустамлака остидаги халқларда бир кун келиб озодлик туйғулари пайдо бўлиши ҳамда соҳилларида жойлашган ва сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий зулм ўтказаетган ажнабий базаларни чиқариб юбориш учун қуролли кураш бошлаши мумкинлигига аҳамият бермаган. Бундан ташқари, бу базаларнинг давлат чегарасида узоқда жойлашгани кўп харажатларни талаб қилиши, бир кун келиб молиявий сабабларга кўра улардан воз кечишга мажбур бўлишига ҳам эътибор бермаган. Чунки Британия ва Франция иккинчи жаҳон урушидан кейин шундай қилишга мажбур бўлган эди.

Мэхэн яна вақт ўтиши билан техникавий тараққиёт бўлиши, ҳарбий ҳаво кучлари материк ичкарасидаги ёки денгиздаги нишонга зарба бера олиши ва кўчмас ва кўчиб юрувчи базалардан ракета қуроллари орқали оламнинг исталган жойига зарба берилиши мумкинлигига эътибор қаратмаганликда танқидга учраган. Тўғри, денгиз кучлари соҳилдаги минтақаларга зарба бериши ва уларни вайрон қилиши мумкин. Лекин у ерни босиб олишга қодир эмас, чунки қуруқлик кучлари жанг майдонини тўрт тарафдан ўраб туради.

Мэхэн фикрларидан яна бири шуки, АҚШ Шимолий Америка материги устидан тўла ҳукмронлик қилиши лозим, чунки у рельефи яхлит бўлиб, у ерда биттадан ортиқ давлат мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, АҚШ Кариб денгизи ороллари ва Панама устидан ҳукмрон бўлиши лозим. Мэхэн АҚШ ва Британия ўртасида олам устидан ҳукмронлик қилиш борасида иттифоқ тузилиши зарурлиги, келажакда Россия ва Хитойга қарши АҚШ, Британия, Германия ва Япония ўртасида иттифоқ тузиш зарурлиги ҳақида айтган. Шунингдек ер шарининг 30-40 меридианида қитъа давлати бўлмиш Россия ва денгиз бўйи давлати бўлмиш Британия ўртасида тўқнашув бўлиши эҳтимоли кучлилиги ва қитъа давлатлари чегаралар борасида бир-бири билан уруш ҳолатида экани, бу эса денгизчиликка катта аҳамият берадиган кучли қитъа давлати тикланишига тўсиқ бўлиши ҳақида айтган.

Лекин унинг қабул қилинган энг муҳим фикрларидан бири, у айтганки, АҚШ ўз иқтисоди ва денгиз кучларини алоҳида, ўз чегараси ичида, халқаро майдонда рўй бераётган сиёсий ва ҳарбий ҳодисалардан узоқда бунёд этишга эътибор бериши лозим.

Шунингдек у АҚШ Европа давлатлари каби мустамлака қилмаслиги, балки олам давлатларига иқтисодий жиҳатдан кириб бориши лозим деган. Чунки шундай қилса, денгиз давлати кучи ерларни мустамлака қилганидан кўра кўпроқ хавфсиз бўлади.

Мэхэннинг денгиз кучлари тушунчасини танқид қилган инглиз географи Хэлфорд Маккиндер Британия флотининг кучлилиги сабабларни шундай сифатлайди: Британия флоти Европа қуруқлигидаги Британия оролларига яқин жойда жойлашган. У ўз иқтисодида мустамлака қилиб олинган бойликларга таянади. Британия денгиз кучлари қуруқликдаги базаларга таянади. Маккиндер келажак қуруқлик кучлариники, деб ҳисоблади. Унинг фикрини географ ватандоши Фост ҳам қувватлади. Чунки Фост ички қуруқлик ва соҳил бўйи минтақаларини таққослаб кўрганидан сўнг денгиз кучлари ҳукмронлик қилаётган минтақалар камайиб бораётгани ва айни пайтда қуруқлик кучлари ҳукмронлик қилаётган минтақаларнинг майдони кенгайиб бораётганини кўрган эди. Шунингдек, қуруқлик кучлари денгиз йўллари ва Хурмуз, Гибралтар, Бобул Мандаб ҳамда Босфор ва Дарданелла бўғозлари каби муҳим бўғозлар устидан ҳукмронлик қилишини кутган эди.

Аммо географ Майлз денгиз кучлари истилоҳи ҳақиқатдан чалғитиш учун қўлланилади, чунки океанлар тириклик манбасига эга бўлган қуруқликка боғланиш орқали аҳамиятга эга, денгиз ва ҳаво устидан ҳукмронлик қилиш қийин масаладир деб таъкидлайди. Шунингдек у урушдан мақсад иқтисодий ресурсларга эга бўлиш учун ер босиб олиш экан, денгиз ва ҳаво кучлари бу ишда муваффақият қозона олмайди. Ерни эгаллаш учун эса қуруқлик, ҳаво ва денгиз кучларини бирлаштириш лозим дейди.

Аммо Спраут Мэхэнни танқид қилар экан, унинг фикрлаши ўн еттинчи асрга хос, у мана шу асосга кўра ўн тўққизинчи аср ҳодисаларига ҳукм чиқарган ва у темир йўли пайдо бўлгандан кейинги сиёсий натижаларга эътибор бермаган, дейди. У шунингдек, Мэхэн қуруқлик ва ҳаво транспорт воситаларининг бошланишдаги тараққиётигагина гувоҳ бўлган, келажакда бўладиган ихтиро ва ҳодисаларнинг таъсирини кутмаган ва орол давлатлар қамал ва бевосита ҳаво ҳужумига нишон бўлиб қолиши хаёлига ҳам келмаган, қуруқлик транспорти денгиз транспортдан олдинга ўтиб кетиши ва қуруқликдаги ҳаракат тарози палласини Британияга қарши босишини ҳисобга олмаган дейди.

Охирида айтмоқчи бўлган гапимиз шуки, Мэхэннинг денгиз кучлари сиёсати тушунчаси нотўғри бўлса-да, лекин унинг фикрлари америкалик сиёсатчиларнинг эътиборини тортган. Чунки АҚШ географик ўрнига кўра оролга ўхшайди, шунга кўра душман денгиз қўшинларини давлат ичкарасига киришдан қайтариш учун улкан ва ривожланган денгиз қўшинига эга бўлиш керак. Шунингдек, ўзининг ривожланган саноатига керак бўладиган ер ости бойликлари ва табиий ресурсларни турли минтақалардан денгиз орқали олиб келиш ҳамда ўзининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва саноат молларини экспорт қилишни таъминлаш учун денгиз қўшинига муҳтож. Бу эса, Америка ерларидан узоқда денгиз сатҳида давлатни ҳимоя қилиш ҳамда тижорий флотини мудрофаа қилиш вазифаси юкланган денгиз флотилияси орқали амалга ошади. Чунки АҚШни бошқа олам билан денгиз ва океанлар боғлаб туради ҳамда Америка жисмидаги аъзолар учун ҳаёт манбаси ҳисобланади. □

КЎРФАЗДАГИ РЕЖИМЛАРНИНГ ЎТМИШДАГИ ВА ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ИФЛОС РОЛИ

Солих Абдуллоҳ – Жазоир

Аллоҳ Таоло саййидимиз Муҳаммад ﷺ ни Бану Ҳошимдан танлаган бўлса-да, аммо у кишининг амакиси Абдулуззо ибн Абдулмутталиб, яъни Абу Лаҳаб иймон келтирмади. Аллоҳ Таоло у ҳақида шундай деди:

﴿تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ ﴿١﴾ مَا أَغْنَىٰ عَنْهُ مَالُهُ وَمَا كَسَبَ ﴿٢﴾ سَيَصِلَىٰ نَارًا ذَاتَ لَهَبٍ ﴿٣﴾ وَأَمْرَاتُهُ حَمَّالَةَ الْحَطَبِ ﴿٤﴾ فِي جِيدِهَا حَبْلٌ مِّن مَّسَدٍ ﴿٥﴾﴾

«Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай-ҳалок бўлгай! (Аниқки) у қуриди-ҳалок бўлди! Мол-мулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотгани йўқ! Яқинда у ва унинг ўтин орқалаган, бўйнида пишиқ толадан эшилган арқон бўлган хотини (ловуллаб турган) алангали дўзахга киражак!»

[Масад 1-5]

Айни пайтда яна бир амакиси ва ёшликдаги эмикдоши Ҳамза ибн Абдулмутталиб иймон келтирди ва шаҳидлар саййидига айланди.

Охирги рисолат Араб ярим оролига юборилди, шунда араблардан иймон келтирган, инфоқ эҳсон қилган ва Аллоҳнинг раҳматига сазовор бўлган кишилар ҳам бўлди. Улар ҳақида Аллоҳ Таоло шундай деди:

﴿وَمِنَ الْأَعْرَابِ مَن يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَيَتَّخِذُ مَا يُنْفِقُ قُرْبَتٍ عِنْدَ اللَّهِ وَصَلَوَاتِ الرَّسُولِ ۗ أَلَا إِنَّهَا قُرْبَةٌ لَّهُمْ ۗ سَيُدْخِلُهُمُ اللَّهُ فِي رَحْمَتِهِ ۗ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

«Аъробийлар орасида Аллоҳга ва охирага кунига иймон келтирадиган ва қиладиган инфоқ-эҳсонини Аллоҳ даргоҳида қурбат (яқинлик) ҳосил қилиш ва пайгамбар дуосига (мушарраф бўлиш) деб биладиган зотлар ҳам бор. Огоҳ бўлсинларким, ўша инфоқ-эҳсонлари ўзлари учун қурбатдир. Аллоҳ уларни Ўз раҳматига дохил қилажак. Албатта Аллоҳ мағфиратли, меҳрибондир»

[Тавба 99]

Лекин қолганлари унга орқа ўгиришди ва кўпчилик араблар эргашган яхшилик (Исломи)га эргашмади. Аллоҳ Таоло улар ҳақида шундай деди:

﴿وَمِنَ الْأَعْرَابِ مَن يَتَّخِذُ مَا يُنْفِقُ مَغْرَمًا وَيَتَرَبَّصُّ بِكُمُ الدَّوَائِرَ ۗ عَلَيْهِمْ دَائِرَةُ السَّوْءِ ۗ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ﴾

«Аъробийлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, қилган садақасини (ўзи учун) зиён деб билади ва сизларга (мўминларга) балолар келишига кўз тутиб туради. (Барча) ёмон бало(лар) ўзларига бўлсин! Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир» [Тавба 98]

Бугун ҳам айрим араблар ошкора равишда ана шулар йўлидан бормоқда...

1632 йил Араб ярим оролида Усманийларнинг вужуди ниҳоясига етгач, Британия Ҳинд океани ҳавзасига етиб борди. Британия у ерда Ҳиндистон-Британия компаниясининг тижорат транспорт линиясини ташкил қилди. Бу нарса Британияни икки тараф, яъни Британия ва Ҳиндистон ўртасидаги узун денгиз транспорт линиясини таъминлашга ундади. Кўрфазда Алмор ширкати ташкил қилиб, Усманийлар ташлаб кетган бўшлиқни тўлдирди. Шунингдек Кўрфазда сочилиб кетган Амирликларга пул бериб, улар билан ярашди.

Британия ўн тўққизинчи аср охирларида бу юртларни Усманий Халифалиқдан ажратиш ва уларни мустақил қилиб кўрсатиш учун «Ўзаро ярашган Амирликлар»ни у билан иккинчи марта иттифоқ тузишга мажбур қилди. Бу иттифоқ уларнинг ҳар бири билан алоҳида тузилди ва уларни Британия руҳсатисиз ҳар қандай ажнабий давлат билан алоқа қилишини ман қилди.

Британия билан сулҳ тузган амирликларнинг аҳамияти йигирманчи аср бошларидаги нефть кашфиётлари даврида янада ошди. Бунга Баҳрайн, Қувайт, Бирлашган араб амирликлари, Қатар ва Саудия жанубидаги Уммон давлатлари кирди. British Petroleum ширкати нефть қазиб олишда рақобатсиз имтиёз соҳибига айланди. Британия қўл остидаги Амирликларда қироллик бошқарувини ўрнатди ва Мисрдан бошланиб Ямангача чўзилган қўшни юртларни хароб қилган жумҳурият ва демократия шаклидаги бошқарув низомидан уни узоқ тутди.

Кўрфаздаги режимларнинг вазифаси минтақада Британия мустамлакаси учун ер хозирлашлари керак эди. Ваҳоланки, Британиянинг у ерда бўлиши тақиқланган ва у ерга бориш Британиянинг орзуси бўлган эди. Чунки инглизлар араб денгизи томонидан у ерга яқинлашганда Усманийлар уларнинг кемаларини қувиб юборган эдилар. Минтақада Усманийларнинг вужудига яқун ясалгач, Британия Кўрфаздаги сулҳ тузган амирликларга қўл чўзди. Иш шу даражага етиб бордики, Кўрфаз ҳокимлари биринчи жаҳон урушида Усманийларга қарши Британия қўшинлари билан ёнма-ён жангга кирди. Нажд ва Ҳижоз ерларида Сауд оиласидан бўлган Абдулазиз ибн Абдурраҳмон, Уммонда Саид ибн Темур,

Қувайтда Муборак Кабирлар шунга яққол мисолдир. Бугун Амирликларда яшовчилар Фаҳрий Пошони Мадинаи Мунаввара аҳлига нисбатан уруш жиноятлари содир этишда айблашади. Чунки Мадинаи Мунаввара аҳли биринчи жаҳон уруши охирида шаҳарни инглизларга топширишдан бош тортишган эди.

Британия Кўрфазга мустаҳкам ўрнашиб, нефть ҳақидаги шов-шувлар кўтарилганидан кейин хоҳлаган ишини қиладиган бўлгач, унинг бойликларини эгаллаб олди. Кўрфаз майдонларида Британия эгалик қиладиган улуши 84 %ни ташкил этди. Кўрфаздаги режимларга фойданинг бир қисми эвазига қурол берди ва қолган пулларни ўз банкларида сақлади.

Кўрфаздаги Британия сиёсатига боғланиб қолган режимлар унинг буйруғига бўйсундилар. Улар Усмоний Халифалик давлати қулатилганидан кейин исломий юртларда Сайкс-Пико шартномаси асосида пайдо бўлган ва Британияга эргашган давлатлар билан дўстона муносабатда бўладилар. «Янги мустамлакачи» яъни Американинг қулига айланган режимлар билан эса, душманона муносабатда бўладилар. Американинг қулига айланган режимларга душманлик қилиш сиёсий жиҳатдан уларнинг режалари ва сиёсий ишларига қарши чиқишда кўринди. Иқтисодий жиҳатдан нефть билан таъминламаслик, тижорат айирбошлашни тўхтатиш, қамал қилиш ва товарларни тақиқлашда кўринди. Ҳарбий жиҳатдан америкапараст режимларни қулатиш ёки заифлаштириш мақсадида уларга қарши курашаётган жангариларга қурол сотиш ҳамда уларни молиялаштиришда кўринди.

Кўрфаздаги режимлар Британия рози бўлган режимлар билан бирга бўлиб, уларни қўллаб-қувватлайдилар. Бу режимлар сиёсий лойиҳаларини амалга оширишида Британияга ёрдам кўрсатадилар ҳамда ўзларида мактаб, шифохона ва булардан бошқа инфратузилмаларни барпо қила олмасликларига қарамай, Британия лойиҳаларини молиялаштирадилар.

Бугун Кўрфаздаги режимларнинг ролини бир неча йўналишда белгилаш мумкин. Аввало бу режимлар араб ярим орлидаги аҳоли демографиясини ғайримусулмонлар фойдасига ҳал қилмоқда. Улар мусулмон бўлмаган Британияни араб ярим оролига киритишга рози бўлишган. Аҳолисининг ўртача 80 % ғайримусулмонларни ташкил этувчи Шарқий Осиёдан келаётган ишчи кучини тўхтатмай қабул қилишмоқда. Мусулмон ишчи кучлари эса, Ғарбнинг сиёсий йўлланмасига асосан юртдан хайдаб юборилган.

Бу режимлар худди аввал бўлганидек, Британия буйруқларига лаббай деб жавоб берадиган тўлиб тошган хазина ролини бажаришда давом этипти. Британия 2006 йил ноябр ойида Лондон шаҳрида Яманга донорлик қилувчи давлатлар конференциясини ўтказди. Бу нарса Халқаро Банк 1995 йилда бошланган молиявий ва идоравий ислохотлар номи билан машҳур бўлган программаси орқали иқтисодни вайрон қилганидан кейин юз берди. Британия Кўрфаздаги режимларга Яман учун 6 миллиард доллар ажратишини буюрди. 2008 йилда эса, Америка ва Британия бутун жаҳон иқтисодий инқирозини бошдан кечираётган бир пайтда капиталистик иқтисодни сақлаб қолиш учун юзлаган миллиард долларлар ажратишни буюрди.

2011 йилдан кейин Америка малайи бўлмиш Мисрга Британиянинг нуфузини қайта тиклаш учун молиявий ёрдам беришди. Бу ишни Британияга тобе бўлган юртларга кўрсатилаётган ёрдамлардан фарқли равишда амалга оширишди. Бу режимлар 2011 йил кўзғолонларидан кейин кўзғолонларни муваффақиятсизликка учратиш ва мустамлакачи кофир Ғарб давлатлари ҳукмронлигидан озод бўладиган тарафдан бошқа томонга буриш учун улкан пулларни сарфлашди.

Бу режимларнинг яна ҳам хатарли роли шундан иборат бўлдики, улар ўз ҳисобидан ҳарбий базалар куриш бўйича мусобақа бошлашди. Сўнг Америка қўшинларига ерларини очиб беришди. Ваҳолапки, Япониянинг Акинава ороли, Жанубий Корея ва Германияда жойлашган Американинг ҳарбий базаларидаги солдатлар содир этаётган жирканч ишлар туфайли Америкага қарши норозилик туйғулари кўтарилган эди. Одамларга қарата ўқ отиш, уларни қатл қилиш, наркотиклар истеъмол қилиш, жинсий тажовуз, маст ҳолатда йўл транспорт ҳодисалари содир этиш ва юрт фуқаролари билан ёмон муомалада бўлиш ва уларни камситиш ишлари билан шуғулланишган эди. Натижада, халқ орасида уларга нисбатан норозилик вужудга келди. 2003 йил Жанубий Корея Американи базасини кўчириши ҳақида огоҳлантирди. Акинава оролида эса, японлар ўз оролларида Америка базасини чиқариб юбориш тўғрисида намоёиш ўтказишди. Чунки Америкалик солдатлар ўн икки ёшли қизни зўрлаб, ўлдиришган эди. Германияда ҳам шу каби ҳодисалар содир бўлди.

Америка иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё бўйлаб ҳарбий базалар жойлаштириш сиёсатини бошлади ва мезбон давлатлар билан адолатсиз иттифоқлар тузди. Яъни, бу базалардаги

солдатлар мезбон юрт судларига бўйсунмайдиган бўлди. Шунга қарамай, Кўрфаздаги режимлар ўз ерларини Америка ҳарбий базаларига очиб берди. Америка қисқа фурсатда Нажд ва Ҳижоз юртида Заҳрон базасини очди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Уммонга тобе Масира оролидан база сифатида фойдаланди.

Лекин Америка ўз базаларини кўпроқ Кўрфазга ўрнатишга эътибор қаратди. 80 йиллар охирида Султон ибн Абдулазиз базасини қурди. Унга 700 миллион доллар харажат сарфланди ва 1991 йил Ироқ урушида ундан фойдаланди. Бу базанинг асосий қисми қўшма ҳаво операциялари учун марказ бўлиб, энг сўнгги русумдаги кузатув жиҳозлари билан таъминланган. У яна қўшма разведка маркази бўлиб, 2001 йил июнда очилган. У Ҳаво кучларининг ўта махфий агентлиги томонидан жиҳозланган.

Америка база очиш борасида иштаҳаси очилиб, 1999 йил Қувайтда Ариф Жон базасини очди. Бу база Қувайт пойтахтининг жанубида жойлашган бўлиб, уни Америка армиясидаги муҳандислар жиҳозлаган ва харажати 200 миллионга тенг. Ироқ чегарасидан 75 км. узоқликда Аҳмад Жобир базасини очди. 2000 йилда эса, Ироқ чегарасидан 39 км. узоқликда Али Солим ҳаво базасини очди.

Баҳрайнда эса, Америка денгиз қўшинлари Британиянинг Манамадаги базасини эгаллашди. Баҳрайн режими 1987 йил Шайх Исо ҳаво базасини қурди ва уни Американинг денгиз пиёда қўшинларига топширди. Улар базани янада такомиллаштириб унга «Денгиз тухфаси» номини беришди ва 1997 йил янада кенгайтирилди. 1995 йил июль ойида Американинг бешинчи Флотилияси етакчилиги унга кўчиб ўтди.

Қатарда эса, Американинг учта ҳарбий базаси жойлашган. Улардан бири Удайд базаси бўлиб, тўқсонинчи йилларда қурилган ва Давҳанинг шаркидан 19 мил узоқликда жойлашган. Унга 1,4 миллиард доллар харажат сарфланган. 2002 йил март ойида базада қўшма ҳаво операциялари маркази ташкил этилган. Иккинчиси Давҳа яқинидаги Силийя базаси бўлса, охиргиси Давҳа аэропортидаги базасидир. Қатар режими уни ер ва инфратузилмалар билан таъмирлаган.

Уммон режими 1980 йилда АҚШ билан ҳарбий ҳамкорлик тўғрисида иттифоқ тузди ва 1990 йилда иттифоқни янгилаб, доирасини кенгайтди. Сўнг Масқатдан 80 мил узоқликда яширин равишда Мусаннана базасини қурди ва унга 120 миллион доллар сарфлади. Яманга яқин Зафар вилоятида Thumgait ҳаво базасини қурди. Америка ҳарбий ҳаво қўшинлари 1991 ва 1998

йиллари ушбу базадан фойдаланди. 1996 йили базадаги учоқ кўниш йўлини чўзиш учун у ерга Американинг қизил от номли эскадрильяси юборилди. Америка денгиз кўшинлари Араб денгизидagi Масира ороли аэропортидан фойдаланмоқда.

Амирликлардаги режим 1994 йил АҚШ билан мудофаа ҳамкорлиги бўйича иттифоқ тузди. Унда режим Америка ҳарбий ҳаво кўшинларига Абу Дабидан 80 мил узоқликда жойлашган Зафра ҳаво базасидан фойдаланишга рухсат берди. Америка учоқ ташувчи кемалари Дубай амирлигидаги Али тоғи портида мунтазам лангар ташлаб турибди.

Америка ҳарбий базалари Америка жамиятини тамсил этади. Чунки уларда ҳарбий иншоотлардан ташқари почта ва баскетбол, волейбол, гольф, теннис майдончалари, турли спорт майдонлари, фитнес клублар, сузиш бассейнлари, театрлар, медицина хизмати ва черковлар мавжуд.

Кўрфаздаги режимлар ўз ерларини Америка ҳарбий базаларига очиб берганидан кейин Британия ва Америка каби мустамлакачи давлатларнинг режаларига хизмат қила бошлади. Кўрфаз давлатлари ҳарбий кўшинлари Афғонистон ва Ироқ урушида улар билан бирга жангга кирди. Америка биринчи Кўрфаз урушида Кўрфаз давлатлари дохил 33 давлат билан иттифоқ тузди. Сўнг 2001 йил 11 сентябрда Афғонистонга қарши салиб урушини бошлади ва бу урушда Америка базалари катта роль ўйнади. Бу давлатлар 2003 йил апрелда Америка билан бирга Ироқ урушида иштирок этишди. Ўшанда Қувайтдаги Америка базалари Ироқдан қанча узоқликда эканига гувоҳ бўлган эдик.

Америка Ироқ урушидаги ҳарбий операцияларини тугатгач, Исломга қарши салиб урушини давом эттира олмаслиги кўриниб қолди. Америка бу урушни «терроризмга қарши уруш» номи остида ўнлаб йиллар давом эттираман деб режалаштирган эди. Шунингдек у ерда ҳарбий вужудини сақлаб қоламан ва мусулмон юртлар маркази яъни «Ўрта Шарқ минтақаси»да доимий ҳарбий жанг олиб бораман ҳамда бу урушда қуруқликдаги кўшинлар иштирок этмайди, деб ўйлаган эди. Бунда Кўрфаз режимларидан маҳаллий вакиллар жангларда қуруқликдаги кўшинлари билан иштирок этадиган бўлди. Американинг ҳарбий ҳаво кўшинлари Кўрфаз ҳаво кўшинларига парвоз қилишда Ливия, Ироқ ва Ямандаги каби кўрсатмалар бериши айтилди. Бундан ташқари Кўрфаз режимлари Америка учоқлари амалга ошираётган парвозлар харажатини кўтарадиган бўлди. Шундай қилиб, Кўрфаз

режимлари Американинг Исломга қарши салиб урушида вакиллик ролини бажаришди.

Кўрфаздаги режимлар Ислом ва мусулмонлар султони йўқ қилинган Британия қўли билан пайдо бўлган бўлса, бугун улар Америка ва Британия режаларига хизмат қилиш учун харажат, маблағ ва қурол томондан ёрдам бермоқда. Бунинг сабаби эса, Ислом ва мусулмонларнинг султони йўқлигидадир. Чунки Ислом ва мусулмонларнинг султони мавжуд бўлса, у рошид Халифалик давлатини тиклаш орқали исломий ҳаётни қайта бошлайди.

Кўрфазнинг бўм-бўш саҳролари Ислом султонида бўйин товлаб қочганлар учун бошпана бўлган эди. Сўнг у ердан нефть чиққач, бу нарса уларга бало бўлди. Бугун эса, Исломий Умнат иккинчи рошид Халифалик давлатини тиклаш орқали исломий ҳаётни қайта бошлашга ҳаракат қилар экан, Кўрфаздаги режимлар ўз қуролларини Умнатга қарши жанг қилиш учун қаратмоқда. Кўрфазда яшовчи ақли бор кишилар бу режимларнинг ўтмишдаги ва бугунги кундаги ролларига эътибор қаратиши ва уларни дунё-ю охиратда улардан яхши кишиларга алмаштириши лозим. □

ИСЛОМИЙ УММАТНИНГ ҲАЗОРИЙ ЛОЙИҲАСИ ЮКСАЛМОҚДА, ҒАРБ ЛОЙИҲАСИ ЭСА, ҚУЛАМОҚДА

Устоз Холид Ҳасан – Абу Мусъаб

Бугунги жорий ҳодисаларни кузатган ва текширган киши Исломий Умматнинг ҳазорий лойиҳаси яъни «Халифалик давлати»да гавдаланадиган «сиёсий Ислом» лойиҳаси юксалаётганини кўради. Ваҳоланки, Уммат Ислом ва мусулмонларнинг биринчи душмани бўлмиш Америка етакчилигидаги мустамлакачи кофир кўлида турли бало, офат, вайронагарчилик ва ҳалокатларни бошдан кечирмоқда. Бу кофир нафақат Халифаликдек Уммат тожини йўқ қилиб, Исломни бошқарувдан узоқлаштирди. Балки, Халифаликни майда картон давлатчаларга бўлиб ташлади ҳамда халифа ўрнига ўзининг қонун ва ҳукмларини ижро қиладиган малай ҳокимларни тиклаб, Исломий Умматга қарши ҳаётнинг барча соҳаларида кураш бошлади.

Мустамлакачи Ғарб, айниқса Америка 2001 йил 11 сентябр ҳодисаларидан кейин мусулмонларга нисбатан ўз ваҳшийлиги ва зулмини янада оширди. Аввалига Афғонистон, сўнг Рофидийлар юрти Ироқни босиб олди. У жонлигу жонсиз нарсаларни нобуд қилди, миллионлаган инсонларни қирғин қилиб, бойликларни талон-тарож қилди.

Уммат мустамлакачи кофир кўлида турли мусибатларга йўлиққан бўлса-да, хоин ва малай ҳокимлардан азоб чекиб, зулм, жабр, оч қўйиш, қотиллик ва кўркитувларга дучор бўлган бўлса-да, у ҳали тирик ва томирларида иймон мавжуд. Шунинг учун у золим ҳокимларга қарши кўзғалди, ҳаракатга келди, ҳайқирди ва ўзгартиришни талаб қила бошлади.

Уммат бундан ҳам юксакроқ иш, яъни уларни қулатиш зарурлигини айтиб чиқди. Тунис, Миср, Ливия ва Яман каби исломий юртлардаги кўзғолонларда «Уммат режимни қулатишни истайди» шиорини кўтарди. Охирида эса, муборак Шом кўзғолони бошланди ва у бошқа талаб билан чиқди. Бу кўзғолон нафақат режимни қулатишни, балки унинг ўрнига «Халифалик низомида» гавдаланадиган сиёсий Исломни талаб қилди. Бу кўзғолон Умматнинг ўзлиги ва интилишларини очиб берди. Улар: «Кўзғолон Аллоҳ учун, кўзғолон Аллоҳ учун, салтанат ва мартаба учун эмас», «Етакчимиз то абад саййидимиз Муҳаммад» каби шиорлар эди... Шу ва шу каби шиорлар қалбларга ором берди, юракларни эритди ва кўзларни намлатди.

Муборак Шом кўзғолонида исломий ўзлик кўрингач, барча унга қарши тил бириктирди. Гуруҳлар етакчилари эса, кўзғолонни ўчириш ва илмоний режимни сақлаб қолиш мақсадида берилаётган ифлос сиёсий пулларни қабул қилишди.

Исломиё юртларда юз берган ушбу кўзғолонлар Умматнинг асл ва тотли бойлигини кашф этди. Уммат бир қанча вақт йўлидан адашган бўлса-да, лекин у тирик Уммат экани, адолатсизлик ва ҳақоратни қабул қилмаслигини кўрсатди. Бундай позиция умидни уйғотади ва яхшиликдан хабар беради.

Бу ерда бошқа позиция ҳам бор, у Умматнинг ўз динига бўлган ишончи бўлиб, Умматга куч ва умид бағишлайди. Бу нарса Ғарб хусусан Дания ва Франциянинг айрим газеталари Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺни ҳақорат қилганда бир гуруҳ мусулмонлар Пайғамбаримиз учун ўч олиш мақсадида чиқишди ва ушбу газеталарнинг офисларига ҳужум қилишди. Бундан ташқари исломий юртларда кўплаган норозилик ва намойишлари бўлиб ўтди. Бу ишлар Умматнинг Ғарбга йўллаган номаси бўлди. Уммат бу нома орқали Уммат раҳбари бўлган Муҳаммад ﷺнинг қизил чизиқ эканини, уни босиб ўтиш мумкин эмаслигини, ҳар қанча қурбонлар берилса-да Уммат уни босиб ўтишга йўл қўймаслигини Ғарбга билдириб қўйди.

Бу ерда яна бир позиция бўлиб, унда азизлик мавжуд ва у Умматдаги асл бойликни кашф этади. У яҳудийлар муборак Ақсо масжидини оёқ ости қилиш ва мусулмонларни у ерда намоз ўқишдан тўсишни хоҳлашган пайт Фаластинликлар, хусусан Қуддус аҳлининг кўзғалиши бўлди. Мусулмонлар Ақсо масжидига иззат ва ҳурмат билан киришда қаттиқ туришлари ҳамда сабр ва саботлари ва электрон дарвозалардан киришдан бош тортишлари яҳудийларнинг шавкатини синдирди ва муборак Ақсо масжиди борасидаги ифлос режалари ва тадбирларидан чекинишга мажбур қилди.

Бу қаҳрамонона позиция бир жиҳатдан мусулмонларга ғалаба ва яҳудийларга заифлик олиб келган бўлса, бошқа тарафдан мусулмонлардаги жиҳод руҳи ва Аллоҳ йўлида қурбон бўлиш муҳаббатини кашф этди. Шунингдек, ақидалари ва саййидул халқ бўлмиш Пайғамбарлари Муҳаммад ﷺга бўлган муҳаббатни кашф этди.

Умматнинг тириклигини намоён қилган позицияларнинг энг сўнггиси аҳмоқ ва овсар Трамп Қуддуснинг барчасини яҳудийларга пойтахт деб эълон қилган пайт рўй берди. Унда Уммат икки қибланинг биринчиси, икки масжид ва икки

ҳарамнинг учинчиси ҳамда Муҳаммад ﷺ сайр қилдирилган жой бўлмиш Аксо масжиди дохил Қуддус учун намойиш ва норозилик юришларини ўтказди. Бу позиция Умматнинг асл бойлигини, муқаддас даргоҳларига бўлган муҳаббатини, Фаластинни денгизидан дарёсигача бўлган барча жойларини жиҳод орқали озод қилишга қизиқишини кўрсатди.

Бу ва бундан бошқа позициялар Умматнинг ҳақиқий бойлиги ва ҳақиқий позициясини кўрсатмоқда. Шунингдек, у ўз ишини тиник кўра олаётгани, йўлини ҳис қила олаётгани, тўғри йўлга қайтаётгани, халос бўлиш, нажот топиш, муваффақиятга эришиш, саодатга етиш ва тараққий этиш фақат динига қайтиш билан амалга ошишини тушунаётгани ҳамда унинг аввали нима билан ислоҳ бўлса, ҳозир ҳам ўша нарса билан ислоҳ бўлишини англаганини кўрсатяпти. Нега ундай бўлмасин, ахир унинг дини фитрат дини, ҳақ дини, адолат дини, қийматлар дини, олий ғоялар дини-ку. Ахир бу динни буюк Аллоҳ биз учун рози бўлган-ку.

﴿وَرَضِيتُ لَكُمْ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

«Сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» [Моида 3]
Уммат Ислом мабдаси унинг азизлик, куч-қудрат ва яхлитлик рамзи эканини тушунди.

﴿وَلِلَّهِ الْعِزَّةُ وَلِرَسُولِهِ وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَلَٰكِنَّ الْمُنَافِقِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Ҳолбуки куч-қудрат Аллоҳники, Унинг пайғамбариники ва мўминларникидир. Лекин мунофиқлар (буни) билмаслар»

[Мунафиқун 8]

Ушбу Уммат Форуки бўлмиш Умар ибн Хаттоб ўзининг: «Бизни Аллоҳ Ислом билан азиз қилди, агар биз азизликни бошқасидан изласак, Аллоҳ бизни хор қилади» деган машҳур гапини айтганда нақадар нўғри гапирган эди.

Уммат ўзининг ушбу идроки, шуури ва динига қайтиши туфайли секин-аста юксала бошлади. Хусусан, Аллоҳ Таоло уни мабдаий ҳизб, яъни Ҳизб ут-Таҳрир билан сийлади. Ушбу Ҳизб ўзини Аллоҳга итоат қилишга бағишлади ва исломий ҳаётни қайта бошлаш ҳамда Умматни юксаклик, олийлик, азизлик, нусрат ва барқарорликка олиб борадиган Халифалик давлати орқали Аллоҳнинг шариатини татбиқ қилиш учун кунни тунга уламоқда. Ҳизб Аллоҳнинг фазли ва саховати билан Уммат ичида Халифалик ҳақида раъйи омни пайдо қилди ва бу Умматнинг талабига айланди.

Бу бир тарафдан, бошқа тарафдан эса, Умматнинг ҳазорий лойиҳаси юксалиши ва тараққий этишига далолат қиладиган шаръий далиллар бор. Бу далиллар Умматда умид ва ишончини пайдо қилади ҳамда азизлик рамзи бўлмиш динига бўлган ишончини ва кофирлар ва уларнинг ёрдамчилари ёмон кўришига қарамай, Умматнинг ҳазорий лойиҳаси мавжуд эканига бўлган ишончини кучайтиради. Қуйида Умматнинг ҳазорий лойиҳаси келажаги ҳақида сўзлайдиган шаръий далилларни келтирамиз.

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (имон-эътиқодли) зотларни (ер юзига) халифа қилганидек, уларни ҳам ер юзиде халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Исломи) динини голиб-муштақам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар итоатсиз кимсалардир» [Нур 55]

Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«تَكُونُ النَّبُوَّةُ فِيكُمْ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا جَبْرِيَّةٌ، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ مُلْكًا جَبْرِيَّةً، فَتَكُونُ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ تَكُونَ، ثُمَّ يَرْفَعُهَا إِذَا شَاءَ أَنْ يَرْفَعَهَا. ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَيَّ مِنْهَا جَبْرِيَّةٌ. ثُمَّ سَكَتَ.»

«Сизларнинг орангизда Аллоҳ хоҳлаганича пайғамбарлик давом этади. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган пайтда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожиде Халифалик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганича давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг раиятига зулм ва адолатсизликлар етадиган подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганича давом этади. Сўнг

Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг золим-зўравон подшоҳлик бўлади ва у Аллоҳ хоҳлаганча давом этади. Сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаганда уни кўтаради. Сўнг пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади. Кейин Пайғамбар ﷺ сукутга чўмдилар». Базор ва Табароний ривоят қилган.

Муслим ва Ҳоким ва булардан бошқалар Савбондан ривоят қилган ҳадисда Росул ﷺ айтади:

«إِنَّ اللَّهَ زَوَى لِي الْأَرْضَ فَرَأَيْتُ مَشَارِقَهَا وَمَغَارِبَهَا، وَإِنَّ مَلِكًا أُمَّتِي سَيَبْلُغُ مَا زُوِيَ لِي مِنْهَا»

«Аллоҳ ерни менга йиғиб кўрсатди, шунда унинг кун чиқишидан кун ботишигача барча жойларини кўрдим. Аниқки, Умматим мулки менга йиғиб кўрсатилган жойларгача етиб боради».

Ибн Ҳиббон ўзини саҳиҳида Миқдод ибн Асваддан у Росул ﷺдан ривоят қилади:

«لَيَبْلُغَنَّ هَذَا الْأَمْرُ مَا بَلَغَ اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ، وَلَا يَتْرُكُ اللَّهُ بَيْتَ مَدْرٍ وَلَا وَبَرٍ إِلَّا أَدْخَلَهُ اللَّهُ هَذَا الدِّينَ بَعْرَ عَزِيرٍ أَوْ بَدَلٍ ذَلِيلٍ، عِزًّا يُعِزُّ اللَّهُ دِينَ الْإِسْلَامِ، وَذُلًّا يُذِلُّ بِهِ الْكُفْرَ»

«Бу иш кеча ва кундуз етиб борган жойгача етиб боради. Аллоҳ биронта ҳам ўтроғу кўчманчининг уйини қолдирмасдан унга бу динни азизнинг азизлиги ёки хорнинг хорлиги билан киритади. Азизликки, у билан Аллоҳ Ислом динини азиз қилади. Хорликки, у билан Аллоҳ кўфрни хор қилади».

Аммо капиталистик Ғарб лойиҳаси куламоқда ва заво́л топмоқда. У ҳаётнинг барча соҳалари, фикрий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда кулаб бормоқда.

Фикрий соҳада кулаётгани ҳақида айтадиган бўлсак, капиталистик мабда динни ҳаётдан ажратиш, «Подшоҳникини ўзига, Аллоҳникини ўзига бер» деган асосга қурилган. Капитализм манфаатни амаллар ўлчови қилиб ушлайди, бахтнинг маъноси жисмоний лаззатлардан катта насибага эга бўлиш деб билади. Капитализм инсонга барча чекловлардан йироқ мутлақ эркинликни беради. Улар ақида, фикр, мулк ва шахсий эркинликларидир. У яна қийматларга моддий назар билан қарайди, у учун на руҳий, на ахлоқий, ва на инсоний қийматларнинг эътибори йўқ.

Ижтимоий соҳада капиталистик мабда аёл кишига чиройли тухфа деб қарайди, шунинг учун умумий ҳаётда унинг яланғоч танасини ва мафтункор жойларини кўрсатди. Унга мутлақ шахсий эркинлик берди ҳамда ахлоқсизлик ва гомосексуализмга қизиқтирди. Бу каби ғайри табиий алоқалардан ҳайвонлар ҳам бош тортади.

Ҳозир қотиллик, зўравонлик ва ўғирлик жиноятлари тўғрисидаги сўнгги ҳисоб-китобларни келтирамиз. ФБР томонидан чиқарилган сўнгги ҳисоботга кўра, капиталистик мабда етакчиси, Ғарб лойиҳаси намунаси бўлган биргина Америкада ўтган йили 1195704та зўравонлик жинояти содир этилиб, унда 15696та шахс ўлдирилган. Америка полицияси охириги йилда 90185та бостириб кириш ва 323374та ўғирлик жинояти содир этилганини қайд қилган.

ФБР баёнотларига кўра мусулмонларга қарши жиноятлар 67 %га ўсган. Уларга қарши тажовуз қилиш 2014 йили 154 та бўлган бўлса, 2015 йили 257тани ташкил қилган.

Сиёсий соҳада эса, Ислом ва мусулмонларга душман Америка етакчилигидаги Ғарб ўз сиёсатини алдов, авраш, ҳукмронлик қилиш ва ўз нуфузини ёйиш асосида юргизади. Бунда давлатлар ва уларнинг халқлари тақдири, ҳуқуқлари ва бахти ҳақида бош қотирмайди. Чунки капиталистик мабда очкўзлик ва манфаат асосига қурилгандир. Кофир Ғарб ўз манфаати ва мақсадларини рўёбга чиқариш учун заиф давлатлар сиёсатига аралашади. Бунга Американинг Афғонистон ва Ироқни босиб олиб, у ердаги тирик ва жонсиз нарсаларни вайрон қилгани яққол далилдир.

Иқтисодий соҳада капитализм низоми инсонга мутлақ мулк эркинлигини берар экан, у инсон табиатига зиддир. Чунки мулкка эгалик қилиш кайфияти ва сабабларини чекламаган. Инсон мулкка қимор ёки босиб олиш, ёки ўғирлаш ёки наркотиклар сотиш ёки бундан бошқа йўллар билан эришадими бунинг фарқи йўқ. Бу низом манфаат ва моддий қийматни рўёбга чиқариш асосига қурилади ва бошқа қийматларга эътибор бермайди. Мана шу очкўз низомга раҳбарлик қилаётган Ғарб оламга моддий манфаатларини рўёбга чиқарадиган экинзори сифатида қарайди. Шунинг учун умуман Ғарб ва хусусан Америка заиф халқлар, айниқса мусулмонларнинг бойликларини тортиб олди ва талон-тарож қилди. Америка мана шу мақсадларини рўёбга чиқариш учун юртларни босиб олади. Америка Ироқни босиб олиши бунга ёрқин далилдир.

Америка етакчилигидаги кофир Ғарб ўз нуфузи ва салтанатини ёйиш учун Халқаро Вальюта Фонди ва Халқаро Банк каби халқаро муассасаларни бўйсундирди.

Лекин шунга қарамай, Ғарб, хусусан Америка иқтисоди оғир иқтисодий инқирозни бошдан кечирмоқда. Америка бир неча инқирозлар, хусусан 1929 йилда оламшумул инқирозни бошдан кечирган эди. Ал-Жазира нет сайти «молиявий инқирозлардан

кейин дунё иқтисодининг беқарорлашиши сабаблари» номи остида тарқатган мақоласида шундай дейди: Оламий иқтисод 2015 йилда тойилишда давом этди. БМТ ҳисоботида кўра оламий иқтисоднинг 2016 йилдаги аҳволи ривожланган иқтисодлардаги ўртача ўсиш суръатидан тушиб кетган ва инқироз бошлангандан бери 54 %дан ўтган. Ривожланган давлатлардаги ишсизлар сони 44 миллионни ташкил қилган. Бу эса, 2007 йилги кўрсаткичдан 12 миллион кўп деганидир. Айни пайтда инфляция инқироз бошлангандан бери энг паст даражага тушган.

Аммо ҳарбий соҳада биз кўриб турибмизки, Ғарб давлатлари, хусусан Америка капиталистик мабдани қабул қилган. Маълумки, капиталистик мабдани ёйиш тариқати мағлуб халқларни мустамлака қилишдир. Бу давлатлар мағлуб халқлар, хусусан мусулмонлар устидан ҳукмронлик қилиш, нуфузини ўрнатиш ва уларнинг бойликларини талон-тарож қилиш мақсадида уларни мустамлака қилишган. Мустамлакачи давлатлар шу мақсадда Усманий Халифалик давлатини майда давлатчаларга тақсимлашди. Шунингдек, ўша пайтда Британия ва Франция ўртасида имзоланган ва «Сайкс-Пико» номини олган шартнома асосида мусулмонларни парчалашди ва заифлаштиришди.

Америка 2001 йил сентябр ҳодисаларидан сўнг Афғонистон ва рофидийлар юрти Ироққа қарши уруш эълон қилар экан, янада очкўзлиги ортди. Мустамлакачилик уруши оқибатида ҳар икки юрт босиб олинди ҳамда тирик ва жонсиз нарсалар вайрон қилинди. Америка бу икки юртга ўз нуфузи ва ҳукмронлигини ёйди. Бугун эса, Америка фурсат туғилиши билан Ироқни тоифачилик асосидаги минтакаларга бўлиб юбормоқчи. Бошқача айтганда, Америка исломий юртларни яна ҳам парчалаб, катта Ўрта Шарқ лойиҳасини амалга оширмоқчи. Америка хусусан Афғонистон, Ироқ, Ливия ва Яманда халқаро ҳарбий иттифок тузишга киришди. Бу иттифокларнинг охиригиси янги лойиҳани амалга ошириш учун мусулмон юртлар ичкараси бўлмиш Сурияда бўлди.

Шу ва шунга ўхшаш маълумотлардан кўриниб турибдики, Ғарб лойиҳаси инсониятга фақат бахтсизлик ва фалокат ёғдирмоқда. Шунинг учун у Аллоҳнинг изни билан кулаб заволга юз тутажак.

Айни пайтда Исломий Умматнинг ҳазорий лойиҳаси, яъни «Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик»да гавдаланадиган сиёсий Ислом юксалмоқда. У юксалганидан исломий Уммат талабига айланиб қолди. Демак Исломий Уммат хотиржам бўлсин ва кўзи қувонсин. Чунки унга нусрат ва

имконият ваъда қилинган, унинг келажаги Халифалик ва у Аллоҳнинг изни билан албатта келажак.

Шунинг учун Уммат фаолият қилаётганлар билан бирга бўлиши шарт. Аллоҳ ўз ишида ғолибдир, тақволи бандаларига ёрдам беради, ваъдасини бажаради ва холис, мўмин бандаларини ҳимоя қилади.

﴿وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرُ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Имон келтирган зотларни ғолиб қилиш Бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган»

[Рум 47] □

НИМА УЧУН ОДАМЛАР ХАЛИФАЛИКНИ ТИКЛАШГА ЧАҚИРИЛСАЛАР СУСТЛИК ҚИЛИШМОҚДА?!

Иброҳим Усмон Абу Халил

Хизб ут-Тахрир – Судан вилояти расмий нотиғи

Аллоҳ Таоло Қуръони Карим оятларида кўп ҳукмларни қисқача ифодалади, сўнг Пайғамбаримиз ﷺ уларни муфассал баён қилиб берди. Масалан, Аллоҳ Таоло ўзининг азиз китобида бизни намоз ўқиш, закот бериш ва ҳаж қилишга буюрди. Лекин талаб қилинган ушбу намозларнинг қанча вақт ўқилиши ва қандай ўқилишини баён қилмади. Шунингдек, нималардан закот олиниши, миқдори, вақтлари ва унга алоқадор нарсалар ҳақида айтмади. Ҳаж ҳам шунга ўхшайди, оятлар эҳром қандай бўлиши, тавофнинг сони, арафада туриш вақти ва ҳажнинг бошқа ибодатларини белгиллаган эмас.

Аллоҳ Таоло ушбу ояти карималарда намозни фарз қилди:

﴿حَفِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوَسْطَىٰ وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ﴾

«Барча намозларни ва хусусан ўрта намозни сақланглар-ўз вақтларида адо қилинглар! Ва Аллоҳ учун бўйсунган ҳолда турунглар!» [Бақара 238]

﴿وَالَّذِينَ هُمْ عَلَى صَلَوَاتِهِمْ يُحَافِظُونَ﴾

«Улар (барча) намозларини (вақтида адо этиб қазо бўлишдан) сақлагувчи кишилардир» [Мўминун 9]

﴿أَقِمِ الصَّلَاةَ لِذُلُوكِ الشَّمْسِ إِلَىٰ غَسَقِ اللَّيْلِ وَقُرْءَانَ الْفَجْرِ إِنَّ الْفَجْرَ كَانَ

مَشْهُودًا﴾

«Қуёш огишидан то тун қоронгусигача намозни тўқис адо қилинг ва тонгги ўқишни (бомдод намозини) ҳам (тўқис адо қилинг). Зеро тонгги ўқиш (кеча ва кундуз фаришталари) ҳозир бўладиган намоздир» [Исро 78]

Пайғамбаримиз ﷺ фарз намозлар бир кеча кундузида беш марта ўқилиши, ракат ва саждалар сони, махфий ва жаҳрий ўқиладиган жойларини баён қилиб берди. Бундан ташқари намозга алоқадор барча тафсилий ҳукмларни баён қилиб, буларнинг барчасини ўзининг:

«... وَصَلُّوا كَمَا رَأَيْتُمُونِي أُصَلِّي»

«Мен ўқиганимдек намоз ўқинглар» деган сўзларида жамлади.

Закот ҳақида айтадиган бўлсак, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَسَاكِنُهَا لِلَّذِينَ يَتَّقُونَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ﴾

«Мен уни (раҳматимни) тақво қиладиган, закотни берадиган зотларга ёзурман» [Аъроф 156]

﴿فَأَقِمْوَا الصَّلَاةَ وَآتُوا الزَّكَاةَ وَاعْتَصِمُوا بِاللَّهِ﴾

«Бас, намозни тўкис адо этингиз, закотни (ҳақдорларга) ато этингиз ва Аллоҳга боғланингиз!» [Ҳаж 78]

﴿الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنْفِقُونَ﴾

«Улар намозни тўкис адо этадилар ва Биз уларни баҳраманд қилган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладилар» [Анфол 3]

Пайғамбаримиз ﷺ эса, нималардан закот олиниши, миқдори, вақти ва шу ҳақдаги бошқа тафсилотларни баён қилди.

Ҳаж ҳақида Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا﴾

«Ва йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир» [Оли Имрон 97]

﴿وَأَذِّنْ فِي النَّاسِ بِالْحَجِّ﴾

«Ва одамлар орасида (юриб уларни) ҳажга чақиргин» [Ҳаж 27]

Пайғамбаримиз ﷺ ўзлари ҳаж қилиб кўрсатди, атрофида минглаган мусулмонлар бирга ҳаж қилишди. Жобирдан ривоят қилинишича Росулulloҳ ﷺ уларга ҳажни ўргатар экан, жамаротда туяси устида ўтирган ҳолда тошни ота туриб, шундай деган эди:

﴿لِتَأْخُذُوا مَنَاسِكُمْ، فَإِنِّي لَا أَدْرِي لَعَلِّي لَا أَحُجُّ بَعْدَ حَجَّتِي هَذِهِ﴾

«Ҳаж ибодатингизни мenden ўрганинг, чунки мен бу йилдан кейин яна ҳаж қиламанми ёки йўқми билмайман». Булар Росулulloҳ ﷺ бизга баён қилиб берган ишлардир, бирор мусулмон уларнинг бирор қисмини бўлса-да, ўзгартиришга рози бўлмайди. Шунингдек, барча ҳукмларни Росулulloҳ ﷺ кўрсатиб бергандай бажаришни хоҳлайди.

Лекин ҳайратлантирадиган ва ажаблантирадиган нарса шуки, мусулмонлар бошқарув, сиёсат, иқтисод ва бошқа нарсаларга алоқадор исломий ҳукмлар ўзгаришига сукут сақлаган ҳолда рози бўлиб яшашмоқда. Ваҳоланки, бу ҳукмлар очиқ оятлар билан келиб, Росулulloҳ ﷺ уларни батафсил баён қилган ва амалда улар билан ҳукм юритган. Саҳобалар ва тобеинлар бир қанча замонлар

ўша асосда юришган. Масалан, Аллоҳ Таоло бизга ўзи юборган нарса билан ҳукм юритишни фарз қилган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَأَحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ﴾

«Бас, одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг ва Сизга келган Ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашиманг!» [Моида 48]


﴿وَأَنِ احْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَنْ يَفْتِنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ﴾

«(Эй Муҳаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашиманг ва Аллоҳ Сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!» [Моида 49]

Аллоҳнинг Пайғамбарига бўлган хитоби Умматга бўлган хитобдир. Шунинг учун Уммат у кишидан сўнг Аллоҳ юборган нарса билан ҳукм юритиши фарз. Бундан ташқари Пайғамбаримиз ﷺ ўзидан кейин ким Аллоҳ юборган нарса билан бошқаришни баён қилиб берган. Росул ﷺ айтади:

﴿كَانَتْ بَنُو إِسْرَائِيلَ تَسُوسُهُمُ الْأَنْبِيَاءَ، كُلَّمَا هَلَكَ نَبِيٌّ خَلَفَهُ نَبِيٌّ، وَإِنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي، وَسَتَكُونُ خُلَفَاءَ فَتَكْتُمُونَ، قَالُوا: فَمَا تَأْمُرُنَا؟ قَالَ: فُوا بِيَعَةَ الْأَوَّلِ فَلَا أَوَّلَ، وَأَعْطُوهُمْ حَقَّهُمْ فَإِنَّ اللَّهَ سَائِلُهُمْ عَمَّا اسْتَرْعَاهُمْ﴾

«Бану Исроилга пайғамбарлар сиёсат юргизарди. Қачон бир пайғамбар ҳалок бўлса, ортидан бошқа бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар йўқ. Халифалар бўлади ва улар кўпайиб кетади. Шунда: бизга нимани буюрасиз? – дейишган эди, айтдиларки: биринчисининг, фақатгина биринчисининг байъатига вафо қилинглр ва уларнинг ҳақларини беринглр, зеро Аллоҳ улардан фуқарони қандай бошқарганлари ҳақида сўрайди». Муслим ривояти.

Саҳоба лар Аллоҳ Таолонинг сиёсат, бошқарув, иктисод, ижтимо ва бошқаларга алоқадор ҳукмларини рўёбга чиқарадиган низом Халифалик низоми эканини билишган ва Аллоҳнинг ҳукмларини мана шу низом орқали ер юзида ўрнатишган. Уммат узоқ замонлар халифа ва Халифалик соясида яшади. Лекин хижрий 1342 ва милодий 1924 йил Истамбулда Халифалик кулатилгандан бугунги кунгача ер юзидан Ислому ҳукмлари

четлаштирилди. Устимизга куфр ҳукмлари татбиқ қилинди, одамлар бир қанча замондан бери мана шу низомларга ўрганди ва сиёсат, бошқарув, иқтисодга алоқадор Ислому ҳукмлари зое кетишига сукут қилишди...

Нима учун одамлар ер юзида Ислому аҳкомлари татбиқ қилинмаслигига сукут қилишди? Нима учун асл ва фуруъ борасида Ислому низомига зид низомларга рози бўлишди? Нима учун улар Пайғамбарлик минҳожии асосидаги иккинчи рошид Халифаликни тиклашга чакирилса, сустлик қилишмоқда? Нима учун Уммат ичидаги холис кишилар билан Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифаликни тиклаш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш ва Ислому ҳукмларини ер юзига қайтаришга ҳаракат қилишмаяпти?

Мусулмонлар Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифаликни тиклашга сустлик қилишаётганига бир неча омиллар бор. Уларнинг энг муҳимларини қуйида айтиб ўтамуз:

Биринчи: Халифалик давлатининг йўқлиги, бу нарса мусулмон юртларининг европалик кофир мустамлакачилар ўртасида тақсимланишига сабаб бўлди. Улар Исломуни бошқарув ва сиёсатдан четлаштиришди, одамларни ўзларининг низом ва қонунлари билан бошқаришди, сўнг мактаб, институт ва университетларни ғарбча асосда барпо қилишди. У ерларда мусулмон фарзандларининг катта қисми таълим олди ва кейин кофир Ғарбга малай муфаккир ва сиёсатчиларга айланишди. Мустамлакачи кофир мусулмон юртлар бошқарувини айни шу сиёсатчиларга топширди. Чунки уларнинг бир неча ўн йиллардан бери амалда қўлланиб келаётган қонун ва дастурлар билан бошқаришларига ишонч ҳосил қилган эди. Мустамлакачи кофир мусулмонларнинг туйғусини қўзғамаслик учун намоз, рўза ва ҳаж каби ибодатларга аралашмади. Балки мусулмонларни уларга қизиқтирди. Лекин Ислому асосидаги бошқарув ва сиёсатга рухсат бермади. Шундай қилиб, Ислому ҳақида ибодат, ахлоқ ва емоқ-ичмоқдан бошқа нарсани билмайдиган авлод етишди. Агар уларга бошқарув ёки Халифалик ҳақида гапирилса, ўтмишда қолган тарихий мерос сифатида тушунадиган бўлди.

Иккинчидан: Уламолар дунё эвазига ўз динларини сотишди ва ҳокимларнинг улови бўлишга рози бўлишди. Ҳокимларнинг тахтларини мустаҳкамлаш учун уларнинг хоҳишига қараб фатволар беришди. Бунинг эвазига ёлланма ахборот воситалари бу уламоларни мактовлар билан намоиш қилди. Бундан мақсад, оддий одамлар динларини шу уламолардан ўрганишларини таъминлаш эди. Бу уламолар Уммат фарзандларининг ишончига

кириб, мавжуд ҳокимларни иш бошлиқлари, уларга итоат қилиш вожиб, уларга ҳатто тил билан ҳам қарши чиқиб бўлмайди, деб тушунтиришди. Уларнинг айримлари Ислому ҳукмларига тажовуз қилди, нусусларни ноўрин таъвил қилишди ва одамларга динларини қийинлаштиришди. Уммат динини улардан ўрганар экан, бу уламоларнинг Уммат орасида таъсири катта бўлди.

Учинчидан: Ўзларини Исломдан деб ҳисоблайдиган, лекин Исломдан узоқ ҳаракат, жамоа ва партияларнинг мавжудлиги. Уларнинг айримлари ҳокимларнинг ботил ишларида уларга шерик бўлишди. Улар Ислому эгилувчан дин, у воқе билан бирга юради дейишди. Яъни улар Исломни даъво қилсалар-да, ўзларини реалист ҳисоблаб, муолажаларини бузуқ воқедан олишди. Айримлари ақиданинг моҳиятини тушунмасалар-да унга эътибор бериш ва тузатиш лозимлиги ҳақида гапиришди. Исломий ақида уларнинг наздида ҳаёт низомларига алоқаси йўқ назарий ақида эди. Шунинг учун улар аксар ёшларни жиддий сиёсий амаллардан қайтаришди. Уларнинг учинчи қисми эса, қадарияни ёқлашди, бошқача айтганда ҳукм Аллоҳники, ҳар бир замонда ўзи хоҳлаган кишини ҳоким қилади, биз эса, Аллоҳ бизга солиҳ кишиларни ҳоким қилгунича ва гуноҳларимиз туфайли кўксимизга ўрнашиб олган ёвуз кишиларни кеткизмагунича сабр ва дуо қилишдан бошқа чорамиз йўқ, дейишди. Умматни адаштириш ва Ислому асосидаги уйғониш учун ҳаракат қилишдан тўсишда уларнинг таъсири катта бўлди.


Одамлар Халифаликни тиклашга чақирилсалар, сустлик қилишаётганига сабаб бўлаётган ушбу омилларга қарамай, Умматда ҳамда Пайғамбарлик минҳожини асосидаги иккинчи роҳид Халифаликни тиклаш орқали исломий ҳаётни қайта бошлашга эртаю кеч ҳаракат қилаётган ва мана шу улуғ мақсадни амалга ошириш йўлида турли машаққатларни кўтараётган холис кишиларда ҳануз яхшилик мавжуд.

Уларнинг ушбу амаллари ўз мевасини берди, чунки Халифалик Умматнинг хоҳишига айланди. Уммат ўзига татбиқ қилинган низомларни рад этди, демократияга ва ер юзида Аллоҳнинг шариатини рўёбга чиқариш учун ҳукуматда иштирок этишга чақирган айрим исломий ҳаракат ва партияларнинг даъволари сўнди, кофир Ғарб малайи бўлмиш сиёсатчи ва муфаккирларнинг малайлиги фош бўлди. Шунингдек, сарой уламоларининг ҳам башараси очилди. Шунинг учун одамлар уларнинг фатволарига ишонмай қўйди. Балки одамлар Пайғамбарлик минҳожини асосидаги иккинчи роҳид Халифаликни тиклаш орқали исломий ҳаётни

қайта бошлаш учун даъват юкини кўтарганларга кўпроқ ишонадиган бўлди.

Бу ерда юк кўпроқ даъватни олиб чиқаётганларга тушади. Улар Умматни Уммат ва ҳатто инсоният фақат Халифалик билангина халос бўлади, деб қаноат ҳосил қилдириш учун катта куч сарфлашлари лозим. Айни пайтда кофир Ғарб Пайғамбарлик минҳожии асосидаги иккинчи рошид Халифаликни тиклаш орқали исломий ҳаётни қайта бошлашга бўлган даъватнинг хатарини сезди. Шунинг учун у ваҳимага тушиб, исломий оламнинг турли жойларида ўт ёқмоқда, мусулмонлар орасида фитна қўзғамокда, армияни ишга солмоқда ва террорга қарши уруш номи остида Исломга зарба бериш учун иттифоқлар тузмоқда.

Лекин шунга қарамай Умматда ҳамон яхшилик мавжуд. Халифаликка бўлган нидо Уммат фарзандлари қалбида юксалиб бормоқда. Шунинг учун даъват юкини кўтарганлар Аллоҳга содиқ туриб, тезроқ ҳаракат қилишлари, одамлар билан баҳс ва мунозара қилишлари, Халифаликни намоз каби фарз эканини баён қилишлари, намозни фарз қилган зот Халифаликни ҳам фарз қилгани, Халифалик фарзи кифоя бўлса, у адо этилмас экан, унинг гуноҳи унга ҳаракат қилмаётганлардан адо қилишган пайтдагина соқит бўлиши, Халифаликни тиклашга ҳаракат қилмаётган ҳар бир мусулмон гуноҳкор экани, агар шу ҳолда вафот этса жоҳилият ўлимини топиши ҳақида тушунтиришлари лозим.

Эй Ҳизб ут-Таҳрир йигитлари Уммат Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али лар Халифалиги каби рошид Халифаликни қайта тиклаш учун биз билан бирга ҳаракат қилишга тайёр. Шунинг учун сиз уларга раҳбар бўлинг, даъват ва амалда ўрнак бўлинг. Шунда Аллоҳ Таоло нусрат ва фатҳ беради ҳамда зулм ва золимларнинг қоронғу тунини кетказиб, ер юзига ўз ҳукмини қайтаради. Аллоҳ бунга қодирдир.

﴿إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ آمَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ الْأَشْهَادُ﴾

«Албатта Биз пайғамбарларимизга ва имон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган Кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз» [Ғофир 51] □

ЎЗГАРТИРИШ ВА ДИННИ ТИКЛАШ АМАЛИЁТИДА УЛАМОЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Муҳаммад Жомеъ Абу Айман
Хизб ут-Тахрир – Судан вилояти
расмий нотиғи ёрдамчиси

Уламолар Пайғамбарларнинг ворислари, Аллоҳнинг у зотдан энг кўп кўрқадиган бандалари, одамларни адаштириш ва алдаш эмас, балки уларга ҳақни баён қилишда пешқадамидир. Демак улар одамларни бошқараётган ҳоким ва сиёсатчиларга тилёғламалик қилиш эмас, балки уларга насихат қилишлари лозим. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا تَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ غَفُورٌ﴾

«Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларгина кўрқур. Шак-шубҳасиз Аллоҳ қудратли, мағфиратлидир» [Фотир 28]

Айтишларича, бир куни Абу Ҳанифа роҳматуллоҳ чуқур олдида турган болакайни кўриб, унга: (Эй болакай эҳтиёт бўл, қулаб кетмагин деганида, болакай: Эй имом ўзингиз қулашдан эҳтиёт бўлинг. Чунки мен қуласам ёлғиз қулайман, лекин сиз қулсангиз сиз билан бутун олам қулайди), деган экан. Шунинг учун агар олим қуласа у билан бирга беайб инсонлар ҳам қулайди...

Росуллоҳ ﷺ Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ордан ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда шундай дейди:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَقْبِضُ الْعِلْمَ انْتِزَاعًا يَنْتَزِعُهُ مِنَ الْعِبَادِ وَلَكِنْ يَقْبِضُ الْعِلْمَ بِقَبْضِ الْعُلَمَاءِ حَتَّى إِذَا لَمْ يَبْقَ عَالِمًا اتَّخَذَ النَّاسُ رُءُوسًا جُهَالًا فَسَبُّوا فَاقْتَبُوا بِغَيْرِ عِلْمٍ فَفُضِّلُوا وَأَضَلُّوا﴾

«Аллоҳ Таоло илмни одамларнинг қалбидан ўчириб юбормайди, балки уламоларни олиб қўйиш билан ўчиради. Бирор олим қолмагач одамлар жоҳиллардан фатво сўрашади, жоҳил уларга илмсиз фатво беради. Натижада ўзлари ҳам адашади, одамларни ҳам адаштиришади». Бухорий ривояти. Пайғамбаримиз ﷺ уламоларга ҳокимлар, хусусан фуқаролар ҳуқуқини поймол қиладиган ва одамлар орасида зулм ва фасодни ёядиган ҳокимларга яқинлашишни тақиқлаган. Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ Каъб ибн Ужрага шундай дейди:

﴿أَعَاذَكَ اللَّهُ يَا كَعْبُ بْنُ عُجْرَةَ مِنْ إِمَارَةِ السُّفَهَاءِ، فَقَالَ: مَا إِمَارَةُ السُّفَهَاءِ؟ قَالَ: أُمَرَاءُ يَكُونُونَ بَعْدِي، لَا يَهْتَدُونَ بِهَدَايِي، وَلَا يَسْتَتُونَ بِسُنَّتِي، فَمَنْ صَدَّقَهُمْ بِكَدِّهِمْ، وَأَعَانَهُمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ،﴾

فَأُولَئِكَ لِيَسُوا مِنِّي وَلَسْتُ مِنْهُمْ، وَلَا يَرُدُونَ عَلَيَّ حَوْضِي، وَمَنْ لَمْ يُصَدِّقْهُمْ بِكَذِبِهِمْ وَلَمْ يَعْنَهُمْ
عَلَى ظَلْمِهِمْ فَأُولَئِكَ مِنِّي وَأَنَا مِنْهُمْ، وَسِرِّدُونَ عَلَيَّ حَوْضِي»

«Эй Каъб ибн Ужра Аллоҳ сени аҳмоқлар амирлигидан сақласин. Шунда Каъб: аҳмоқлар амирлиги нима? деб сўраган эди, Росулulloҳ ﷺ: Мендан кейин амирлар бўлади, улар менинг йўлимга юрмайди ва суннатимни ушламайди. Ким уларнинг ёлғонига ишонса ва зулмига ёрдам берса, улар мендан эмас, мен эса улардан эмасман ва менинг ҳавзимдан ичмайдилар. Аммо кимки уларнинг ёлғонига ишонмаса ва зулмига ёрдам бермаса, улар мендан, мен эса уларданман ва улар менинг ҳавзимдан ичадилар». Ҳоким Мустадракда ва Аҳмад ўз муснадида ва бошқалар келтирганлар.

Шариат барча мусулмонларга кўрқмасдан ва иккиланмай ҳақ сўзни айтишни вожиб қилган. Уббода ибн Сомит айтади:

«يَايَعْنَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَلَى السَّمْعِ وَالطَّاعَةِ فِي الْمَنْسَطِ وَالْمَكْرَهِ، وَأَنْ لَا نَتَنَازَعَ الْأَمْرَ أَهْلَهُ،
وَأَنْ نَقُومَ أَوْ نَقُولَ بِالْحَقِّ حَيْثُمَا كُنَّا لَا نَخَافُ فِي اللَّهِ لَوْمَةَ لَائِمٍ»

«Биз Росулulloҳ ﷺга хурсандчиликда ҳам, хафагарчиликда ҳам тинглаб итоат қилишга, ишни эгасидан талашмасликка, қаерда бўлса ҳам маломатчининг маломатидан кўрқмай ҳақни айтишга байъат қилдик». Бухорий ва Муслим ривояти. Шунинг учун уламолар пешқадамлар сифатида Умматга насиҳат қилиши ва амир ёки ҳокимдан кўрқмасдан Ислому асосидаги ўзгартириш байроғини кўтаришлари керак. Шариат уламоларга золимларга ёрдамчи бўлмасликни вожиб қилган. Шунинг учун холиққа маъсият бор ишда махлуққа итоат қилиб бўлмайди. Унинг ҳоким ёки амир бўлишининг фарқи йўқ, фақат Аллоҳ ва Росулига итоат қилинади. Аммо ҳокимларга итоат қилиш уларнинг шариатни татбиқ қилишларига боғлиқ. Росулulloҳ ﷺ айтади:

«وَلَوْ اسْتَعْمِلَ عَلَيْكُمْ عَبْدٌ يَفُودُكُمْ بِكِتَابِ اللَّهِ فَاسْمَعُوا لَهُ وَأَطِيعُوا»

«Агар устингизга Аллоҳнинг китоби билан етаклайдиган банд амир этиб тайинланса, уни тинглаб итоат қилинглар». Муслим ривояти.

Ушбу ҳадисга кўра, ҳокимларга итоат қилиш Аллоҳнинг китоби татбиқ қилинишига боғлиқ. Шунинг учун ўзгартириш учун ҳаракат қилиш жоиз эмас, чунки бу ҳокимга қарши чиқишдир, деб айтаётганларнинг ҳужжати олинмайди. Қарши чиқиш ҳақидаги далиллар шаръий байъат тайин қилинган қонуний ҳокимларга мос келади. У эса, бошқарув, қарши чиқиш, итоат ва маъсият ҳақидаги

далиллар мос келадиган халифадир. Аммо бугунги ҳокимлар Уммат салтанатини босиб олган, бойликларини эгаллаб олган боскинчилардир ва улар мустамлакачи кофирга малай. Шунинг учун уламолар зўравон рувайбизалар ҳукмронлик қилиб турган вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қилишлари вожиб. Шунингдек, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни тиклаш орқали уларнинг зулмига чек қўйишлари вожиб. Чунки бошқарув борасида Ислом чизиб берган ягона йўл мана шудир. Ислом Халифаликдан бошқасини давлат ва низом сифатида ушлашдан ва Халифадан бошқасини ҳоким деб билишдан қайтарган. Агар уламолар шаръий позицияни ушлаш ва ҳақ устида сабот билан туришга қодир бўлмасалар жим туришсин, ботилни ҳимоя қилишмасин ҳамда фисқу фуҷурдан кўра ожизликни танласинлар.

Бу ерда одамлар қандай бўлса, ҳокимлари ҳам шундай бўлади деган гап ўтмайди, чунки Қуръон Карим ҳокимлар одамларни бузиши ҳақида шундай дейди:

﴿وَأَصْلَ فِرْعَوْنَ قَوْمَهُ وَمَا هَدَى﴾

«Фиръавн қавмини Тўғри йўлга бошламади, (балки) Тўғри йўлдан оздирди» [Тоҳа 79]

﴿وَقَالُوا رَبَّنَا إِنَّا أَطَعْنَا سَادَتَنَا وَكُبَرَاءَنَا فَأَضَلُّونَا السَّبِيلَا ۗ رَبَّنَا ءَاتِهِمْ ضِعْفَيْنِ مِنَ

الْعَذَابِ وَالْعَنِيمَ لَعْنَا كَبِيرًا﴾

«Яна улар: «Парвардигоро, дарҳақиқат бизлар бошлиқларимизга ва катталаримизга бўйсундик, бас улар бизларни (тўғри) йўлдан оздирдилар. Парвардигоро, Сен уларга азобни икки ҳисса қилиб бергин ва уларни катта лаънат билан лаънатлагин», дедилар»

[Аҳзоб 67-68]

Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه айтади: «Агар имом ва раҳбарлар тўғри бўлса, одамлар ҳам тўғри бўладилар». Демак фуқаролар ислоҳи ҳокимлар ислоҳи билан бўлади, аммо ҳокимлар бузилса фуқоралар ҳам бузилади. Чунки фуқаролар ҳокимлар устидан эмас, ҳокимлар фуқаролар устидан ҳукм юритадилар. Шунинг учун Аллоҳдан кўрқадиган Раббоний уламолар Уммат ичидаги холис кишилар билан шаръий ҳокимга шаръий байъат бериш учун ҳаракат қилишлари шарт. Шунда бу ҳоким мусулмонларга халифа бўлиб, Умматни Ислом билан бошқаради ва уни яхшиликка етаклайди.

Аллоҳ Таоло уламоларни ҳар қандай сабаб бўлишидан қатъий назар ҳақни яширишдан қайтарган ва бу ишни қилганларга азоб белгилаган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلْنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَأَهْدَىٰ مِنْ بَعْدِ مَا بَيَّنَّاهُ لِلنَّاسِ فِي الْكِتَابِ ۗ أُولَٰئِكَ يَلْعَنُهُمُ اللَّهُ وَيَلْعَنُهُمُ اللَّعِينُونَ ﴿١٥٦﴾ إِلَّا الَّذِينَ تَابُوا وَأَصْلَحُوا وَبَيَّنَّوْا فَأُولَٰئِكَ أَتُوبُ عَلَيْهِمْ ۗ وَأَنَا التَّوَّابُ الرَّحِيمُ﴾

«Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат (Муҳаммаднинг ҳақ пайғамбар эканлиги ҳақидаги) нарсаларни одамларга Китобда (Тавротда) равшан қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни шубҳасиз Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчи зотлар (фаришталар ва мўминлар) лаънатлагайлар. Магар қайсилари тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (одамларга ҳақиқатни) очиқ айтсалар, бас, уларнинг тавбаларини қабул қиламан. Ва фақат Менгина тавбаларни қабул қилгувчи, раҳмлидирман» [Бақара 159-160]

Аслида Уммат уламолари яхшилик булоғидир, улар Умматни ширинликлар билан суғоради, ундан мункар ишларни узоқлаштиради. Шунингдек, уни алдаш ва бойлигини ўғирлаш учун қилинаётган ҳар қандай ҳаракат қаршисида мустаҳкам қалқондирлар. Уммат уламолари барча замонларда яхшилик борасида намуна бўлишган. Бу ҳақда чексиз мисоллар бўлиб, улардан айримларини айтиб ўтамиз: Улардан бири шайх Из ибн Абдуссалом бўлиб, у моғул татарлар хатари туғилганда амир Қутзга урушга тайёрланиш учун амирлардан пул йиғишини насиҳат қилди. Шайх масъуллар пулларини чиқармагунича одамлардан ўлпон йиғмасликни талаб қилди. Амир Қутз шайхнинг насиҳатига риоя қилди, сўнг Аллоҳ Таоло уларга нусрат берди. Из ибн Абдуссалом шундай деган эди: «Ким ўзидан кўра Аллоҳни устун кўрса, Аллоҳ уни устун кўради. Дин эъзози учун ўзини хатарга қўйиш шариатдандир».

Яъни ҳақни айтишдан кўра ўз тинчлигини ўйлаган кимса олим бўлишга ҳақли эмас. Бундай кимсани хоҳласангиз динфуруш деб атанг, хоҳласангиз Аллоҳнинг оятларини арзон пулга сотяпти денг, хоҳласангиз дунё эвазига динини сотяпти денг фарқи йўқ. Лекин у олим эмас, чунки Раббоний олим бўлиш шарти гарчи ўзига зарар бўлса-да одамларга ҳақни баён қилиб бериши шарт. Чунки илм Пайғамбарлардан қолган мерос, улар ўзларига зарар бўлса ҳам Аллоҳга итоат қилишади... Уларнинг яна бири Ироқдаги фақиҳлар шайхи имом Абу Ҳанифа бўлиб, у кишига қози бўлиш таклиф қилинганда рад этди. У ҳокимга: «Қози бўладиган шахс сиз, болангиз ва саркардаларингиз устидан ҳукм ўқий оладиган

киши бўлиши керак. Мен эса, ундай шахс эмасман», деди ва ортидан ҳибсга олинди. Ҳар куни у кишини зиндондан олиб чиқилиб, ўн дарра урилар эди. Бир юз ўн дарра бўлгач фатво беришни ҳам тақиқлашди... Лекин имом ўзгармади ва ҳақ сўзни айтишдан қайтмади... Уларнинг яна бири имом Молик бўлиб, Росулulloҳ ﷺнинг «Мажбурланганнинг талоғи талоқ эмас» ҳадисини ривоят қилишни тақиқлашган эди. Чунки одамлар бу ҳадисга мажбурланган кишининг байъати байъат эмас, деб қийослашган эди. Ҳоким имом Моликдан бу ҳадисни ривоят қилмасликни талаб қилди, лекин имом бош тортди етмиш дарра урилди...

Имом Бухорий волийнинг қасрига унинг болаларига дарс бериш учун боришдан бош тортиб: «Илм менинг уйимда берилади» дегани учун бадарға қилинган... Имом ҳатто вафот этгунича шу фикрида қолган... Имом Шофейй эса, одамларга зулм қилаётган Яман волийсига қарши чиқди ва фуқароларга зулм қилишдан қайтарди. Волий имомга нисбатан кўнглига ғараз тугди, ҳатто имом ўлимга ҳукм қилиниб, қатл қилинишига оз қолди. Аллоҳ имомни ўзи сақлади... Имом Аҳмад эса: «Агар олим эҳтиёткорлик билан жавоб берса, жоҳил жаҳолатида юраверса, ҳақ қачон аён бўлади» деган эди. Имом Қуръонни махлуқ демагани учун саваланди ва ҳатто ҳушидан кетди. Лекин ўз фикри ва шаръий позициясидан қайтмади. Шунда ҳокимнинг ғазаби келиб, юз эллик марта савалатди, ҳатто бир марта бирданига бир юз ўн марта савалашди...

Имом Аҳмад атрофидагиларга Ҳаббобнинг:

«إِنَّ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ يُنْشَرُ بِالْمِنْشَارِ، فَلَا يَصُدُّهُ ذَلِكَ عَنْ دِينِهِ»

«Сизлардан олдин ўтганларни арра билан аралашса-да, бу нарса уларни динидан қайтара олмаган» ҳадисига нима дейсизлар, дер эди. Имом Аҳмад ишора қилган ҳадисни имом Бухорий саҳиҳида ва Имом Аҳмад муснадида ривоят қилган бўлиб, матни куйидагича: Ҳаббоб ибн Арат айтади: Биз Росулulloҳ ﷺ ҳузурига шикоят қилиб борган эдик, у киши қаъбанинг соясида тўнани ёстиқ қилиб ётган экан. Биз у кишига биз учун ёрдам сўраб, дуо қилмайсизми? деган эдик, Росулulloҳ ﷺ шундай деди:

«قَدْ كَانَ مَنْ قَبْلَكُمْ يُؤْخَذُ الرَّجُلُ؛ فَيُحْفَرُ لَهُ فِي الْأَرْضِ، فَيَجْعَلُ فِيهَا، فَيَجَاءُ بِالْمِنْشَارِ فَيُوضَعُ عَلَى رَأْسِهِ فَيَجْعَلُ نِصْفَيْنِ، وَيَمْشَطُ بِأَمْشَاطِ الْحَدِيدِ مَا دُونَ حِمِّهِ وَعَظْمِهِ فَمَا يَصُدُّهُ

ذَلِكَ عَنْ دِينِهِ. وَاللَّهُ لِيَتِمَّنَّ هَذَا الْأَمْرَ حَتَّىٰ يَسِيرَ الرَّاكِبُ مِنْ صَنْعَاءَ إِلَىٰ حَضْرَمَوْتٍ، لَا يَخَافُ إِلَّا اللَّهَ وَالذِّئْبَ عَلَىٰ غَنَمِهِ وَلَكُمْ كُمْ تَسْتَعْجِلُونَ»

«Сизлардан аввалгилар даврида киши ушлаб келиниб, унга чуқур қазилар, сўнг шу чуқурга тушурилиб, арра билан бошини ўртасидан иккига бўлиб ташланар эди. Темир тароқлар билар таралиб, гўшти билан суяги ажратиб олинарди. Аммо бу нарса уни динидан тўсолмас (яъни қайтаролмас) эди. Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ бу ишни тамомига етказгай. Ана шунда Санъодан Ҳазрамавтга йўл олган отлиқ ҳам ҳеч нарсадан қўрқмай бемалол борадиган бўлади. У фақатгина Аллоҳдан ва қўйларини бўри еб кетишидан қўрқади, холос. Лекин сизлар шошиляпсизлар». Имом Ибн Таймийя эса, фикҳий фикрлари учун Искандария қалъасидаги зиндонга ташланди. Сўнг бир неча марта дарс бериш ва одамларга аралашишдан ман қилинди. Имом етти марта зиндонга ташланди, уларнинг биринчиси ҳижрий 693 йил, милодий 1293 йилда бўлган эди. Имом Дамашқдаги қалъада вафот этди...

Ислом ҳаётнинг барча жиҳатларига жавоб берадиган тўлиқ диндир. Шунинг учун у молиявий, иқтисодий, сиёсий ва бошқарувга оид ишларни барчасини тартибга солади. Уламолар инкирозларни муолажа қилиш учун Исломдан олган тушунчаларини тақдим қилишлари, Умматнинг уйғонишига хисса қўшишлари ва бу аччиқ вокени ўзгартиришлари лозим. Аллоҳ Таоло айтади.

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنْفُسِهِمْ﴾

«Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас» [Роъд 11]

Росулulloҳ ﷺ:

«الدِّينُ النَّصِيحَةُ، فُلْنَا: لِمَنْ؟ قَالَ: لِلَّهِ، وَلِكِتَابِهِ، وَلِرَسُولِهِ، وَلِأَيِّمَةِ الْمُسْلِمِينَ وَعَامَتِهِمْ»

«Дин насихатдир деганларида, биз ким учун? деб сўраган эдик, у киши Аллоҳ, китоби, Росули, мусулмонларнинг раҳбарлари ва омма одамлар учун деб жавоб берди». □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Америка кўшинлари «Минтақада Эрон хатари тугагунига қадар» Сурияда қолади		
<p>Трамппнинг Суриядан чиқиб кетиш ҳақидаги кескин ваъдасига хилоф равишда АҚШ миллий хавфсизлик маслаҳатчиси Жон Болтон «АҚШ кўшинлари Эрон хатари тугагунигача ўша ерда қолади» дея таъкидлади. Ал-Арабия канали Болтоннинг: «Президент ИШИД йўқ қилинмагунча шу ерда қоламиз, деб очик айтган эди. Аммо Ўрта Шарқ минтақасида ҳамон Эрон хатари давом этмоқда», деган баёнотини тарқатди.</p>		
<p>Исломий шўро кенгаши раисининг халқаро ишлар бўйича маслаҳатчиси Хусайн Амир Абдуллихён Эроннинг Суриядан чиқиши тўғрисида халқаро талабга қарши чиқди. У Россияга юборган мактубида ҳам: «Америка, Россия ёки бошқа кучлар эронлик маслаҳатчиларни Суриядан чиқариб юбориш ҳақида қарор чиқариш ҳуқуқига эга эмас» деди. Эроннинг «Тасним» агентлиги тарқатган телевизион баёнотида у шундай дейди: «Бу масала Трамп-Путин музокаралари жадвалига киритилмаганини Россия расмийлари тасдиқлашди. Эронлик маслаҳатчиларнинг Сурияда қолиши ёки қолмаслиги президент Башар Асад, Сурия ҳукумати ва Эрон қарорига боғлиқдир». Вакил Эроннинг босиб олинган Жўлон тепалигига кўшни жанубий ҳудудлардан чиқиб кетиши борасида музокара бошлашга рози бўлган. У бу ҳақида шундай дейди: «Икки мамлакат расмийлари нимага келишса – сионист вужуд бунга тоқат қила олмаса ҳам – Эрон уни бажаришга тайёр».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Эроннинг Сурияда сақланиб қолиши худди ИШИДнинг сақланиб қолишига ўхшайди. Америка Суриядаги вазиятни ўз фойдасига ҳал қилиб олгунига қадар, Эроннинг у ерда қолишидан баҳона ўрнида фойдаланади.</p>		
Иорданиядаги намоишлар у ерда сиёсий ўзгариш бўлишидан дарак бермоқдами?		
<p>Шу йилнинг июн ойида рўй берган намоишлар Иорданиядаги қироллик бошқаруви ўзгаришни талаб қилган халқ ҳаракатларидан омонда қолмаслигини кўрсатди. Чунки, минтақани ларзага солаётган бу халқ ҳаракати уни бутунлай кулатиши ҳам мумкин. Шунинг учун Кўрфаздаги унга ўхшаган режимлар уни қутқаришга шошилишди. Бани Соҳр қабиласи етакчиси Форис Фойиз сиёсий ўзгартиришни талаб қилгани учун ҳибсга олинди. У шундай деган эди: «Эй Абдуллоҳ биз сени қирол, президент, бош вазир, мудофаа вазири, полиция бошлиғи ва губернатор бўлишинга рози эмасмиз.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Сен янги конституцияга кўра салкам илоҳ, биз эса кулларга айланиб қолдик».</p>		
<p>Форис Фойиз яна қиролга унинг оиласи бугун Саудия Арабистони, деб аталаётган ердан келганини эслатди. Янада эътиборни тортиб, Иордания қачонлардир қирол оиласи идора қилган мамлакат эканини эслатар экан, шундай деди: «Бу юрт бизники, бу ер ҳам бизники, сен эса, Ҳижоздан келгансан, сенинг отанг ва бобонг ҳам Ҳижоздан келган. Менинг отам сенинг бобонгни кутиб олган. Шунинг учун сен биздан қарздорсан, биз эса сендан қарздор эмасмиз».</p>		
<p>Аммо сиёсий муҳолиф Лайс Шабийлот Ливаннинг «Ахбор» газетасига Иордания Исроилга тобе ҳарбий хизматкор эди, энди унинг ўрнига Саудия келди, деди. У айтдики: «Иордания Исроилга генерал унвонида иттифоқчи бўлган эди, ҳозир унинг унвони лейтенант даражасига тушиб кетди. Лекин Саудия генерал унвонини олди».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бу – малайликда Иордания билан бир хил бўлган Кўрфаз давлатлари Иорданияни кутқариб қолиш учун елиб югураётгани ва унинг рақиби бўлмиш Саудиянинг (Исроил) хизматида тугган позициясини кўрсатапти.</p>		
<p align="center">«Вашингтон Пост» газетаси Россия, (Исроил) ва Сурия ўртасида «энг тинч» муносабатларни рўёбга чиқариш учун имзоланган келишув тафсилотларини очиклади</p>		
<p>Американинг «Вашингтон Пост» газетаси Россия, (Исроил) ва Асад режими ўртасида Америка ижозати билан имзоланган Сурия борасидаги келишув тафсилотларини очиклади. Россияга кўра, бу келишув Сурия ва Исроил ўртасидаги «энг тинч» муносабатларга эришишга қаратилган.</p>		
<p>Газетанинг ёзишича, АҚШ президенти Дональд Трамп ва унинг Россиялик ҳамкасби Владимир Путин ўртасида Хелсинки шаҳрида бўлиб ўтган саммитдаги келишувнинг асосий мақсадларидан бири (Исроил) хавфсизлигини таъминлаш ва Эронни шимолий ҳудудлардан узоқлаштириш борасида бўлган. Газетага кўра, Путин саммит тугаганидан кейин Трамп билан ўтказган матбуот анжуманида ушбу келишув ҳақида гапирганини ва жумладан: Сурия жанубидаги террорчиларни тор мор қилиш ва минтақа 1974 йили Сурия ва (Исроил) ўртасида кучларни бўлиш бўйича ўтказилган келишувга амал қилиши лозим, деб айтган.</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Путин яна айтганки: «Бу иш Жўлон тепалигидаги тинчликни барқарорлаштиради, ҳамда Сурия ва (Исроил) ўртасидаги тинчлик алоқаларини мустаҳкамлайди». Газетанинг шарҳлашича, (Исроил) бош вазири Биньямин Нетаньяху (Исроил) хавфсизлиги ва манфаатларини кафолатлаш учун Путин билан келишувга эришган.</p>		
<p align="center">Гаарец: Асад хотиржам бўлсин (Исроил) тарафдан унга хатар йўқ</p>		
<p>(Исроил)нинг Гаарец газетаси 2018 йил 22 июл журналист Зафи Барилнинг мақоласини чоп этди. Унда айтилишича, (куролини топширишга рози бўлганлар қолиб, рози бўлмаган жангарилар Идлибга чиқиб кетганидан) кейинги босқичда Сурия қуролли кучлари Жўлон тепалиги бўйлаб жойлаштирилади ва БМТ кузатувчилари қайтиб келади. Қисмлар жойлаштирилиши учун Россия ҳарбий полициясига қўшимча Суриянинг 961 ва 90-бригадалари жойлаштирилади. Саудиянинг Ўрта Шарқ газетасига кўра, қисмлар уч секторга бўлинади.</p>		
<p>Биринчи сектор Исроилга яқин бўлиб, БМТ ва Россия ҳарбий полицияси ҳукмронлиги остидаги қуролдан холи минтақа.</p>		
<p>Иккинчи сектор Сурия чегараси ичкарасидаги 10 км. масофада бўлиб, у ерга 350та танк ва 3000та энгил қуролланган режим аскарлари жойлаштирилади. Учинчи секторга эса, режим томонидан ўртача масофага ўқ отувчи замбаракларга қўшимча 650та танк ва 4500та аскар жойлаштирилади. Журналистнинг айтишича, Россия ва (Исроил) ўртасида тузилган иттифоқ Сурия режими қуролли кучларига Ярумук дарёси яқинида мавжуд ИШИД ташкилотига қарши операциялар ўтказишини кафолатлайди. Лекин бу қўшинлар жанг тугаганидан кейин казармага қайтишлари шарт. Россия қўшинлари эса, денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашган Хора тепалигини эгаллайди. Бу жой Жўлондаги энг баланд нуқта бўлиб, Россия у ердан қўшинларни жойлаштириш қандай амалга оширилаётганини кузатиб туради.</p>		
<p>Бу ерда «Жўлон суворийлари» номли ёлланма жангарилар бўлиб, уни (Исроил) Жўлонда «Ливан жанубий армияси» каби ушбу минтақага Эрон иттифоқчилари киришига қарши туриш учун ташкил қилган. Улар қуролдан холи минтақада Сурия режими қўшинлари билан тўқнашмаслик шарти билан амалиётлар ўтказишади. Журналист ўз мақоласини бу иттифоқ (Исроил) томонидан унга хатар йўқ эканидан хурсанд бўлаётган Асад</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
-----------------------------------	--	-----------------------------------

режимига нисбатан аҳамияти катта эканини айтиш билан яқунлайди.

Ал-Ваъй: Бу Асад оиласининг (Исроил)га нисбатан тутган позициясидир. Бир пайтлар унинг отаси, «сабот ва ташаббус» иттифоқига аъзо бўлган давлат президенти Ҳофиз Асад шу позицияни ушлаган бўлса, бугун «асосий қаршилик кўрсатувчи кучлар» иттифоқига аъзо давлат президенти Башар ҳам худди шу позицияда турибди. Эллик йилдан бери хавфсизликни галма-гал таъминлашмоқда. Яъни, (Исроил) Асад режими томонидан хатар бўлмаганига хурсанд бўлса, Асад режими (Исроил) томонидан хатар бўлмагани учун хурсанд.

Трамп Эронга қарши Сунний мусулмонлардан «Араб давлатлари НАТОси» ташкил қилишга ҳаракат қилмоқда

Америка ва араб давлатлари расмийлари президент Дональд Трамп Эроннинг минтақадаги кенгайишини олдини олиш учун Кўрфаз давлатлари, Миср ва Йордания билан яширинча хавфсизлик ва сиёсий иттифоқ тузишга ҳаракат қилаётгани ҳақида айтганлар. Рейтер ахборот агентлиги номини айтишни истамаган тўртта манбадан келтиришича: Оқ уй ушбу давлатлар билан ракета муҳофази, ҳарбий машқлар, террорга қарши кураш ҳамда иқтисодий алоқалар ва минтақавий дипломатия каби масалалар хусусида ҳамкорликни кучайтиришни хоҳляпти. Бунда Оқ уй ва Ўрта Шарқ расмийлари НАТОнинг арабча шакли ёки сунний мусулмонларнинг «Араб давлатлари НАТОси», деб номланаётган иттифоқ ташкил этишни режалаштиришган.

Оқ уйга қарашли миллий хавфсизлик кенгаши номидан сўзловчи шахсининг айтишича: «Ўрта Шарқ стратегик ҳамкорлиги тажовуз, террор ва Эрон экстремизмига қарши курашда таянч бўлади ва Ўрта Шарқда тинчликни мустаҳкамлайди».

Америкалик манбаининг айтишича, Саудия расмийлари Трампнинг ўтган йили Саудия Арабистонига қилган ташрифи чоғида хавфсизлик иттифоқи тузиш фикрини таклиф қилганлар. Ўшанда Американинг Саудияга қурол сотиши бўйича улкан иттифоқ тузгани ҳақида эълон қилинган эди. Иттифоқнинг тузилиш вақти борасида бир неча манбаларнинг айтишича, Трамп маъмурияти вақтинча «Ўрта Шарқ стратегик ҳамкорлиги» деб номланган ушбу иттифоқ борасида келаётган октябр ойининг 12-13 кунлари Вашингтонда ўтказилиши белгиланган саммит чоғида сўзлашувлар бўлишига умид билдирыпти.

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Ал-Ваъй: Эрон яна бир марта Американинг минтақадаги сиёсатига хизмат қилмоқда. Яъни у минтақа давлатлари ўзларини янада кўпроқ Америка қучоғига отишлари ва Америка минтақани янгича мустамлака қилиши учун қўрқитувчи «чучело» ролини ўйнаяпти. Эрон, Саудия ва Кўрфаз давлатлари Америка минтақадаги мусулмонлар ўртасида қўзғайтган бадбўй ирқчилик ўйинига аралашар, экан уларнинг ўйнаётган роллари нақадар шармандали экани кўриниб қолмоқда.</p>		
<p align="center">Асад ва Россия ИШИД қўли билан Сувайда вилоятида қирғин қилмоқда</p>		
<p>ИШИД гуруҳи 2018 йил 25 июлда друзлар яшайдиган Сувайда вилоятининг бир неча қишлоқларига ҳужум уюштирди ва ҳужум оқибатида 250та фуқаро ҳаётдан кўз юмди. ИШИД гуруҳи ушбу қирғинни ўша куниёқ ўз зиммасига олди.</p> <p>Сувайда аҳолиси эса, бу борадаги масъулиятни режим зиммасига юклади. Аҳоли режимни май ойида ИШИДнинг юзлаган жангчиларини қурол аслаҳалари билан Ярмук лагеридан Сувайда саҳросига кўчиришда ва уларни Сувайданинг аҳоли яшайдиган шарқий қишлоқларидан ўн км. узоқликка жойлаштиришда айблашди. Режим Диръа устидан ҳукмронлик қўлга киритилганидан кейин қуролга ҳеч қандай эҳтиёж қолмади, деган баҳона билан Сувайданинг шарқий қишлоқлари аҳолисидан қуролларни йиғиштириб олганди. Лекин режим ҳужумга учраган қишлоқларга ҳарбий ёрдам бермади... Аҳоли режимни ИШИД қишлоқларни қирғин қилганидан кейин ўзини қутқарувчи сифатида кўрсатиш, друзлар жамиятида тўқнашув юз берганидан сўнг озчиликни ҳимоячиси сифатида намоён қилиш ҳамда друзларни турли хатарлардан қўрқитиб, режим қучоғига ўзларини отишларига мажбур қилишга уринишда айблашди.</p> <p>Режим Сувайдада йўлиқаётган муаммо шундан иборатки, у ердаги қабила оқсоқоллари ёшларни мажбурий хизматга юборишдан бош тортяпти ва Сурияда кечаётган ҳодисаларга аралаштиришга рози бўлишмаяпти. Оқсоқоллар режимни Друзларни ўзлари учун манфаати бўлмаган урушга аралаштирмоқчи, деб айблашмоқда. Айтишларича, Сувайдада режим сафида мажбурий хизмат қилишдан бош тортаётган ёшларнинг сони 25 минг кишини ташкил қилади.</p> <p>Эрон қўшинлари минтақадан чиқиб кетганидан кейин у ерга ўзини ҳукмрон санаётган Россия вилоятга ҳарбий элчиларни</p>		

юборган. Элчилар вилоятга бориб, оксоқолларни ўз ёшларини «Бешинчи корпус» ёлланма гуруҳига мажбурий хизматга юборишнинг аҳамиятли эканига қаноат ҳосил қилдиришга уринишган. Сувайдадаги энг кучли гуруҳлардан бири бўлган «Шайх Карома қўшини» мажбурий хизматдан бош тортгани учун «террорчи гуруҳ», деб ҳисобланмоқда. Бу гуруҳ бир баёноат чиқариб, унда Россияни босқинчи деб атаган, шунинг учун Сувайда аҳолиси Россияни қирғинга шерик деб билади.

Халқаро ҳамжамият янги Сурия учун ва жиноятчи Башарни ҳокимиятда олиб қолиш учун шу каби жиноятларни амалга оширяпти. Россия «Террорга қарши уруш» номи остида Исломга қарши урушаётган «Террорчи давлатлар» қаторига киради. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَهَلْ يَنْتَظِرُونَ إِلَّا مِثْلَ أَيَّامِ الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ قَبْلِهِمْ قُلْ فَانْتَظِرُوا إِنِّي مَعَكُمْ مِنَ الْمُنتَظِرِينَ ﴿۱۰۲﴾ ثُمَّ نُنَجِّي رُسُلَنَا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا كَذَلِكَ حَقًّا عَلَيْنَا نُنَجِّي الْمُؤْمِنِينَ ﴿۱۰۳﴾﴾

«Улар фақат ўзларидан илгари ўтган (кофир) кимсаларнинг кунига ўхшаш (бир кунни, яъни қиёматни, Аллоҳнинг азоби)ни кутмоқдалар, холос. (Эй Муҳаммад, уларга) айтинг: «Кутаверинглар. Мен ҳам сизлар билан бирга кутгувчиларданман». Сўнгра (яъни қиёмат келиб, азоб нозил бўлгач), пайгамбарларимиз ва иймон келтирган зотларга нажот берурмиз. Шундай қилиб, (охир-оқибатда) иймон келтирган зотларга нажот бериш Бизнинг зиммамиздаги бурч бўлди» [Юнус 102-103] □

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА



﴿حَفِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوُسْطَىٰ
 وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ ﴿٢٣٩﴾ فَإِنْ خِفْتُمْ فَرِجَالًا أَوْ رُكْبَانًا
 فَإِذَا أَمِنْتُمْ فَأَذْكُرُوا اللَّهَ كَمَا عَلَّمَكُم مَّا لَمْ تَكُونُوا
 تَعْلَمُونَ ﴿٢٤٠﴾﴾

«Барча намозларни ва хусусан ўрта
 намозни (аср намозини) сақланглар —

ўз вақтларида адо қилинглар! Ва Аллоҳ учун бўйсунган ҳолда
 туринглар! 239. Энди агар (душман ҳужумидан) хавфда қолсангиз,
 пиёда ёки отлиқ ҳолингизда (ибодат қилаверингиз!) Қачон
 хотиржам бўлганингизда, билмаган вақтингизда Аллоҳ қандай
 ўргатган бўлса, шундай ҳолда (яъни намознинг барча арконларини
 ўрнига қўйиб) Аллоҳни зикр қилингиз!» [Бақара 238-239]

Ҳизб ут-Тахрир амири Ато ибн Халил Абу Роштаннинг (у
 кишини Аллоҳ хифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит
 Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

Намоз ҳақидаги бу икки оят никоҳ, ийло, талоқ, хуль, болалар,
 эмизувчи ёллаш каби ҳукмлар орасида келяпти. Уларнинг мана
 шундай ҳодисалар орасида келишидан қуйидагиларни тушунса
 бўлади:

Биринчидан, киши ўз ҳаётида бўлиб ўтадиган ҳар қандай
 ҳодисалар орасида ҳам намозини унутмасин. Муаммолари билан
 бўлиб, динининг таянчини ёддан чиқармасин. Намоз ёлғиз Ягона
 Аллоҳ учун қилинадиган амалдир. У Исломнинг буюк рукнидир.

Иккинчидан, намозга эътибор бериш, унга таяниш Исломда ўта
 муҳим ишдир. Айникаса, муаммолар, бахтсиз ҳодисалар юз
 берганда намозга таяниш янада кучайиши лозим. Пайғамбар ﷺ
 қачон бошларига иш тушса, намозга таянардилар. Бундан ташқари
 намоз одамни Парвардигорига яқинлаштиради, тақвосини
 кучайтиради. Шу билан у аёли билан бўладиган муносабатида ҳам,
 болалари билан бўладиган муносабатида ҳам Аллоҳдан тақво
 қилади-да, никоҳ, талоқ, болалар борасидаги ишларда зулмдан,

бошқаларга зарар қилишдан ўзини тортади, ҳақиқатдан четга чиқмайди.

Учинчидан, киши ҳар доим ёдда тутсинки, бу буюк Ислом дин билан сиёсатни, ибодат билан муносабатни, шахсий ишлар билан жиҳоду байъатни бир-биридан ажратмайди. Ҳукм билан ҳукм ўртасида, вожиб билан вожиб ўртасида, фарз билан фарз ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Никоҳ, талоқ, эмизувчи ёллаш каби ишларга доир ҳукмларни баён қилган ҳам, намоз, жиҳод, закот каби ишларга доир ҳукмларни баён қилган ҳам Ўша Аллоҳдир. Бу ҳукмларни бажаришда ҳам, уларга имон келтиришда ҳам бир-бирларидан ажратиб бўлмайди.

﴿أَفْتَوْنُونِ بِبَعْضِ الْكِتَابِ وَتَكْفُرُونَ ۚ بَعْضٌ مِّمَّا جَزَاءُ مَنْ يَفْعَلُ ذَلِكَ مِنْكُمْ إِلَّا خِزْيٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا ۗ وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يُرَدُّونَ إِلَىٰ أَشَدِّ الْعَذَابِ ۗ وَمَا اللَّهُ بِغَفِلٍ عَمَّا تَعْمَلُونَ ۖ أُولَٰئِكَ الَّذِينَ اشْتَرُوا الْحَيَاةَ الدُّنْيَا بِالْآخِرَةِ ۗ فَلَا تَخَفُفْ عَنْهُمْ أَلْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ﴾

«Ё китобнинг бир қисмига ишониб, бир қисмини инкор қиласизми? Ораларингдан ким бу ишни қилса, унинг жазоси бу дунёда расво бўлиш, қиёмат кунда эса қаттиқ азобга дучор қилинадилар. Аллоҳ қилаётган ишларингдан гофил эмасдир. Ана ўшалар охираат ўрнига дунё ҳаётини сотиб олган кимсалардир. Бас, азоблари енгиллатилмайди ва уларга ёрдам ҳам берилмайди» [Бақара 85-86]

Аллоҳ Таоло бу оятларда қуйидагиларни баён қилади:

1 – Аллоҳ ҳамма намозларни, хусусан, ўрта намозни – аср намозини ўз вақтида адо этишга, шу ишга алоҳида эътибор беришга, шу билан бирга намозни хушуъ билан, ортиқча гап-сўз қўшмасдан ўқишга буюряпти.

﴿حَافِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ﴾

(Барча намозларни сақланглар). Яъни, уларни ўз вақтида, рукнларию ҳукмларига риоя қилган ҳолингизда адо этинглар. Мана бу ҳадисни Бухорий ва Муслим Ибн Масъуд رضي الله عنهдан чиқарганлар, матн Бухорийники:

«قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ: أَيُّ الْعَمَلِ أَفْضَلُ؟ قَالَ: الصَّلَاةُ عَلَى مِيقَاتِهَا، قُلْتُ: ثُمَّ أَيُّ؟ قَالَ: بُرُّ
الْوَالِدَيْنِ، قُلْتُ ثُمَّ أَيُّ؟ قَالَ: الْجِهَادُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، فَسَكَتُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَلَوْ اسْتَزَدْتُهُ
لَزَادَنِي»

«Пайғамбар ﷺ дан, эй Аллоҳнинг пайғамбари, қайси амал энг афзал амал, деб сўрадим. Ўз вақтида ўқилган намоз, дедилар. Кейин қайси, дедим. Ота-онага яхшилик қилмоқ, дедилар. Кейин қайси, дедим. Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилмоқ, дедилар. Шундан кейин жим бўлдим. Агар яна савол бераверганимда, у зот жавоб бераверган бўлардилар».

(*ўрта намозни* وَالصَّلَاةُ الْوُسْطَى) Ўрта намоз хусусида бир неча

ривоятлар бор. Уни бомдод деганлар ҳам, пешин деганлар ҳам, аср деганлар ҳам, хуфтон деганлар ҳам, бошқа намоз деганлар ҳам бор. Бу мавзуни тадқиқ этадиган бўлсак, шу нарса ойдинлашадик, Пайғамбар ﷺ дан уни фақат аср ва пешин намози, дейилгандан бошқа ҳадис ривоят қилинмаган. Шу икки намоздан бошқаси хусусидаги ривоятлар мавқуф ривоятлардир. (Пайғамбар ﷺ гача бормасдан йўлда тўхтаб қолган ривоят). Улар саҳобаларга бориб тўхтаб қолган. Саҳобанинг гапи эса шаръий далил эмас, фақат фикр бўлади. Шунинг учун уларнинг гапларига тўхталиб ўтирмаймиз.

Энди аср намози ва пешин намози хусусида ворид бўлган шаръий далилларни келтирамиз ва уларни солиштириб, ўрта намоз хусусидаги қайси гап рожиҳроқ эканини аниқлаб оламиз.

Биринчидан, Муслим Али رضي الله عنه дан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ Аҳзоб кунида шундай деганлар:

«شَغَلُونَا عَنِ الصَّلَاةِ الْوُسْطَى صَلَاةِ الْعَصْرِ مَالاً اللَّهُ تَعَالَى يُبَوِّئُهُمْ نَارًا»

«Бизни ўрта намоздан-аср намозидан чалғитишди. Аллоҳ уларнинг уларини ўтга тўлдирсин».

Термизий Сумрадан ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ дан ўрта намоз хусусида сўрашганида, у асрдир, деганлар».

Иккинчидан, Аҳмад ва Абу Довуд яхши санад билан Зайд ибн Собитдан ривоят қиладилар: «Пайғамбар ﷺ пешинни туш пайтида (кун қизиган пайтда) ўқирдилар. Саҳобалар учун шундан оғирроқ намоз йўқ эди. Шунда мана шу оят нозил бўлди

﴿حَفِظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوُسْطَى﴾

(Барча намозларни ва хусусан ўрта намозни сақланглар).

Бу далилларни ўрганадиган бўлсак, шу нарса ойдинлашадики, биринчи гуруҳдаги ҳадисларда Пайғамбар ﷺ ўрта намозни аср намози, деб очиқ айтганлар. Иккинчи гуруҳдаги ҳадисда эса саҳоба оятнинг нозил бўлиш сабабини пешин намози билан боғлаган.

Биринчи гуруҳдаги ҳадислар мавзуга кўпроқ далолат қилади. Чунки уларда гап очиқ айтиляпти. Шунинг учун улар иккинчи гуруҳдаги ҳадисдан рожиҳроқдир.

Тўғри, ҳақиқий маънони тайинлашда сабаби нузул рожиҳроқ бўлади. Лекин бунинг учун биринчи гуруҳдаги ҳадислар ҳам эҳтимолли мазмундаги гаплар бўлиши керак эди. Улар эса ҳеч қандай эҳтимолга ўрин қолдирмасдан очиқ лафз билан айтилган. Шунинг учун бу ердаги рожиҳ гап ўрта намознинг аср намози эканлигидир. Аср намозининг фазлини таъкидловчи бошқа ҳадислар ҳам ворид бўлган.

Пайғамбар ﷺ айтадилар:

«مَنْ فَاتَتْهُ صَلَاةُ الْعَصْرِ فَكَأَنَّمَا وَتَرَ أَهْلَهُ وَمَالَهُ»

«Кимки аср намозини ўтказиб юборган бўлса, гўё у оиласию мол-давлатидан мосуво бўлибди». ¹ Яна айтадилар:

«بَكَرُوا بِالصَّلَاةِ فِي الْيَوْمِ الْغَيْمِ، فَإِنَّهُ مَنْ تَرَكَ صَلَاةَ الْعَصْرِ حَبِطَ عَمَلُهُ»

«Булутли кунда намозни эртароқ ўқинглар. Чунки аср намозини тарк қилган одамнинг амали ҳабата кетади». ²

﴿حَنِفْظُوا عَلَى الصَّلَوَاتِ وَالصَّلَاةِ الْوُسْطَى﴾

Бу ерда ордан кейин хос зикр қилиняпти. Аллоҳ Таоло олдиниға ҳамма намозларни вақтида ўқишга буюриб, ордидан Ўзи билган бир ҳикмат туфайли ўрта намозни хослаб қўйяпти.

(وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ) *ва Аллоҳ учун бўйсунган ҳолда турунглари!*

Яъни, хушуъ билан, ортиқча гап-сўз қўшмасдан. Мана бу ҳадисни Бухорий ва Муслим Зайд ибн Арқамдан чиқарганлар: «Пайғамбар ﷺнинг замонларида то

﴿وَقُومُوا لِلَّهِ قَانِتِينَ﴾

(1) Муслим: 992, Насойи: 474, Аҳмад: 2/145.

(2) Бухорий: 520, Насойи: 470, Ибн Можа: 686.

оятти нозил бўлгунига қадар (намозда ҳам) гапирар эдик. Шундан кейин жим бўлишга буюрилдик, гапиришдан қайтарилдик».

Ибн Жарир Ибн Масъуддан ривоят қилади:

«أَتَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ وَهُوَ يَصَلِّي فَسَلَّمْتُ عَلَيْهِ فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيَّ، فَلَمَّا قَضَى الصَّلَاةَ قَالَ: إِنَّهُ لَمْ يُعْنِي أَنْ أَرُدَّ عَلَيْكَ السَّلَامَ إِلَّا أَنَا أُمِرْنَا أَنْ نَقُومَ لِلَّهِ قَانِتِينَ لَا نَتَكَلَّمُ فِي الصَّلَاةِ»

«Пайғамбар ﷺ нинг олдиларига борган эдим. У киши намоз ўқиётган эканлар. Салом берган эдим, алик олмадилар. Намозларини тугатиб бўлгач, мени саломингга алик олишдан фақат бир нарса қайтарди, биз намозда Аллоҳга бўйсунган ҳолда туришга, гапирмасликка буюрилдик, дедилар».¹

2 – Иккинчи оятда Аллоҳ Таоло хавф кучайган пайтда намоз қандай ўқилишини баён қиляпти. Аллоҳ намознинг уч ҳолатдаги шаклини баён қилган:

Биринчиси, тинч пайтдаги одатий ҳолат. Бундай ҳолатда намознинг ҳамма шартлари, рукнлари бажарилади. Қиём, кироат, руку, сужуд ва бошқа намозга доир ҳукмларнинг барчаси адо этилади.

Иккинчиси, душман томонидан хавф бўлиб турган, мусулмонларга ҳужум бўлиб қолиши ва шунинг учун бепарво бўлмасдан ҳимояланиш зарур бўлиб қолган ҳолат.

Аллоҳ Таоло бундай ҳолатда намознинг қандай ўқилишини мана бу оятда баён қилган:

﴿وَإِذَا كُنْتَ فِيهِمْ فَأَقَمْتَ لَهُمُ الصَّلَاةَ فَلْتَقُمْ طَآئِفَةٌ مِّنْهُمْ مَعَكَ وَلْيَأْخُذُوا أَسْلِحَتَهُمْ فَإِذَا سَجَدُوا فَلْيَكُونُوا مِن وَّرَائِكُمْ وَلَتَأْتِ طَآئِفَةٌ أُخْرَى لَمْ يُصَلُّوا فَلْيُصَلُّوا مَعَكَ وَلْيَأْخُذُوا حِذْرَهُمْ وَأَسْلِحَتَهُمْ ۗ وَذَ الَّذِينَ كَفَرُوا لَوْ تَغْفُلُونَ عَنْ أَسْلِحَتِكُمْ وَأَمْتِعَتِكُمْ فَيَمِيلُونَ عَلَيْكُمْ مَّيْلَةً وَاحِدَةً ۗ وَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ إِن كَانَ بِكُمْ أَذًى مِّن مَّطَرٍ أَوْ كُنْتُمْ مَّرْضَىٰ أَن تَضَعُوا أَسْلِحَتَكُمْ ۗ وَخُذُوا حِذْرَكُمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ أَعَدَّ لِلْكَافِرِينَ عَذَابًا مُّهِينًا﴾

«(Эй Муҳаммад), қачон сиз (жанг майдонида) мўминлар орасида бўлиб, уларга имом бўлган ҳолда намоз ўқиМОқчи бўлсангиз, улардан бир тоифаси қуролланган ҳолларида сиз билан намозга турсинлар. Бас, қачон сажда қилишгач (яҳни

⁽¹⁾ Тафсири Табарий: 2/570. Дуррул Мансур: 2/720. Насойи: 1220.

намознинг бир ракаатини ўқиб бўлишгач), орқаларингга бориб, (сизларни қўриқлаб) турсинлар ва ҳали намоз ўқимаган бошқа тоифа келиб сиз билан бирга намоз ўқисинлар. Улар ҳам эҳтиёт чораларини кўриб, қуролланиб олсинлар. Кофирлар сизлар қурол-яроғ ва асбоб-анжомларингиздан гафлатда бўлган пайтингизда устингизга бирданига ҳамла қилишни истайдилар. Агар ёгингарчиликдан азият чексангизлар ёки бемор бўлсангизлар, қуролларингизни ечиб қўйишингиз гуноҳ эмас. Аммо эҳтиёт чорангизни кўриб қўйинглар. Албатта Аллоҳ кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйгандир»

[Нисо 102]

Бу оят Зотур-риқоъ ғазотида тўртинчи ҳижрий сананинг жумодул-уло ойида нозил бўлганди. Ибн Исҳоқ ривоятида ва Ибн Хишомнинг «Сийрат»ида шундай дейилган.

Ибн Можадан бошқа муҳаддислар Зотур-риқоъда Пайғамбар ﷺ мана бундай намоз ўқиганларини ривоят қилганлар: «**Бир тоифа Пайғамбар ﷺ билан бирга саф тортиб, иккинчи тоифа душман билан жанг қилиб турган. Пайғамбар ﷺ саф тортган тоифа билан бир ракат ўқиб, жойларида туриб турганлар. Сафдагилар ўзларича намозларини тугатиб, душман билан жанг қилишга кетганлар. Кейин иккинчи тоифа келган. Улар билан намознинг қолган ракатини ўқиганлар. Улар ҳам ўзларича тугатганлар. Пайғамбар ﷺ улар билан бирга салом берганлар**».¹

Намознинг бошқа шакллари баён қилувчи бошқа ҳадислар ҳам бор. Модомики, ҳадис саҳиҳ экан, уларнинг ҳаммаси тўғри бўлаверади. Намозни ўша ҳадисларда баён қилинган шаклда адо этиш дуруст бўлаверади.

Учинчиси, душман билан уруш қилиниб турган ҳолат. Бу ҳолатнинг ўзи икки ҳолатга бўлинади.

а) Агар хавф қаттиқ бўлса, душман мусулмонларга қарши ҳужум қилиб турган бўлса, жанг давом этаётган бўлса ва айни пайтда оёқда туриб ёки отни минган ҳолда намоз ўқиш имкони бўлса, намоз ишора билан ўқилади. Бош саждада рукуъдагига нисбатан кўпроқ эгилади. Агар имкони бўлса, мана шу қаттиқ хавф намози ўқилади.

﴿فَإِنْ خِفْتُمْ فَرِجَالًا أَوْ رُكْبَانًا﴾

⁽¹⁾ Бухорий: 3817. Муслим: 1375. Абу Довуд: 1238. Насоий: 1537.

(Энди агар (душман ҳужумидан) хавфда қолсангиз, пиёда ёки отлик ҳолингизда (ибодат қилаверингиз!)).

Ибн Можа Ибн Умардан ривоят қилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ وَصَفَ صَلَاةَ الْخَوْفِ وَقَالَ: فَإِنْ كَانَ الْخَوْفُ أَشَدَّ مِنْ ذَلِكَ فَرَجُلًا أَوْ رُكْبَانًا»

«Пайғамбар ﷺ хавф намозини тавсифлаб туриб: **Агар хавф ундан ҳам қаттиқроқ бўлса, оёқда туриб ёки (от) минган ҳолда ўкилади**», дедилар. Яъни, Пайғамбар ﷺ Нисо сурасидаги хавф намозини тавсифлаганлар. Агар хавф ундан ҳам қаттиқроқ бўлса, деган гаплари Бақара сурасидаги оятга ишора.

Мана шу ҳадис Бухорийда Бақара сурасининг тафсирида мана бундай лафз билан келади:

«فَإِنْ كَانَ الْخَوْفُ أَشَدَّ مِنْ ذَلِكَ فَصَلُّوا رِجَالًا قِيَامًا عَلَى أَقْدَامِكُمْ أَوْ رُكْبَانًا مُسْتَقْبِلِي الْقِبْلَةِ وَعَيْرَ مُسْتَقْبِلِيهَا»

«Агар хавф ундан ҳам қаттиқроқ бўлса, қиблага юзланибми, юзланмайми оёқларингда туриб ёки (отга) минган ҳолингларда **намоз ўқинглар**». Шу ерда Бухорий Молик оркали Нофеънинг, Абдуллоҳ ибн Умар буни фақат Пайғамбар ﷺ дан олиб айтган, деб ўйлайман, деган гапни ҳам қўшиб қўйган.

б) Агар жанг жуда қаттиқ бўлса, намоз ўқилган тақдирда ҳалокат юз бериши хавфи туғилса, ҳатто бошни эгиб, ишора билан ўқишнинг ҳам иложи қолмаса, бундай ҳолатда намозни то вазият юмшагунига қадар кечиктириш мумкин. Аҳзоб ғазотида Пайғамбар ﷺ шундай қилгандилар. Шофеий саҳиҳ иснод билан Абу Саид Худрийдан ривоят қилади: «**Хандақ кунда кечанинг қисми ўтгунига қадар ушланиб қолдик. Кейин жангдан тўхтадик. Аллоҳ Таолонинг**

﴿وَكَفَى اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ الْقِتَالَ﴾

«**Аллоҳ мўминларга жанг тўғрисида кифоя қилди**» [Аҳзоб 25] деган гапи шу ҳақда. Шундан сўнг Пайғамбар ﷺ Билолни чақириб, пешинга такбир айтишни буюрдилар ва уни олдин қандай ўқиб юрган бўлсалар ўшандай ўкидилар. Кейин (Билол) асрга иқомат айтди. Уни ҳам олдингидек ўкидилар. Кейин шомга иқомат айтди. Шомни ҳам худди ўшандай ўкидилар. Кейин хуфтонга иқомат айтди. Уни ҳам худди ўшандай ўкидилар. Яна бир лафзда ҳар бир намозни ўз вақтида қандай ўқиган бўлсалар, ўшандай ўкидилар, дейилган».¹

⁽¹⁾ Умм: 1/106. Ибн Хузайма: 2/88. Дорамий: 1/430.

Бу ерда бу ҳолат Нисо сурасидаги хавф намози ҳақидаги оят нозил бўлишидан олдин юз берганди, дейилмайди. Чунки Хандақ жанги ҳижратнинг бешинчи йилида бўлган, Нисо сурасидаги оят эса Зотур-риқоъ ғазотида ҳижратнинг тўртинчи йилида нозил қилинган. Шунинг учун юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар бир ҳолатда ўша ҳолатга хос тарзда намоз ўқилади.

Форслар билан юз берган Тустар воқеасида ҳам шундай ҳолат юз берганди. Бухорий Анас ибн Молик رضي الله عنهдан ривоят қилади: **«Тустар қўрғони жангига тонг ёришаётган пайтида бордим. Уруш қизиб кетиб, мусулмонлар намоз ўқиёлмай қолдилар. Намозни кун чиққандан кейин ўқидик. Абу Мусо билан бирга эдик. Кейин биз ғалаба қилдик. (У бизга фатҳ сурасини ўқиб берди). Мени дунёдаги бор нарсалар ҳам ўша намозчалик хурсанд қила олмайди».**

(فَإِنْ خِفْتُمْ فَرِجَالًا أَوْ رُكْبَانًا) яъни, агар бир ерда туриб намоз ўқишдан кўрксангизлар, пиёда юрган ёки (отга) минган ҳолингларда намоз ўқинглар. Бу ердаги ҳазф (гапнинг бир қисмини олиб ташлаш) «إن خَيْرًا فخير إن شرا فشر» яхши бўлса, яхши, ёмон бўлса, ёмон» жумласидаги ҳазф кабидир. Яъни, «إن تفعل خيرا، إن تفعل شرا» яхшилик қилсангизлар... ва ёмонлик қилсангизлар маъносида.

﴿فَإِذَا أَمِنْتُمْ فَأَذْكُرُوا اللَّهَ كَمَا عَلَّمَكُم مَّا لَمْ تَكُونُوا تَعْلَمُونَ﴾

(Қачон хотиржам бўлганингизда, билмаган вақтингизда Аллоҳ қандай ўргатган бўлса, шундай ҳолда (яъни намознинг барча арконларини ўрнига қўйиб) Аллоҳни зикр қилингиз!). Яъни, душман хавфи ўтиб кетганидан кейин одатдаги тарзда намоз ўқинглар ҳамда сизларга берган неъматини учун, сизларга намоз борасида енгиллик бергани учун, сизларга билмаган нарсаларингизни билдиргани учун Аллоҳга шукр қилинглар. □

ҚИЁМУЛЛАЙЛ МЎМИННИНГ ШАРАФИДИР

Аллоҳ Таоло қиёмуллайлга туриб ва унда дуо қилишни энг буюк қурбат амалларидан қилди. Умнат ўтказаетган мана шундай оғир йилларда қиёмуллайлда туриб, Аллоҳдан бу қийинчиликларни кетказишини сўраб илтижо қилиш янада зарурдир. Шунингдек, Аллоҳнинг изни билан яқин кунларда еру осмон аҳли рози бўладиган Халифалик бошқарувини тиклаш билан сийлашини сўраб дуо қилиш зарурдир. Бу ишларни нафақат дуо қилиш, балки Аллоҳнинг динини севиш, калимасини олий қилиш, ҳидоятини ёйиш ҳамда куфр, кофирлар ва барча дин душманларини рад этиш билан амалга ошириш лозим.

Қиём ва ундаги дуонинг фазилатларини баён қилиб келган оят ва ҳадислар жуда кўп бўлиб, қуйида уларни ҳавола этамиз:

– Аллоҳ Таоло Исро сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿وَمِنَ اللَّيْلِ فَتَهَجَّدْ بِهِ ۖ نَافِلَةً لَّكَ عَسَىٰ أَن يَبْعَثَكَ رَبُّكَ مَقَامًا مَّحْمُودًا﴾

«Кечанинг (бир қисмида) уйғониб ўзингиз учун нафл (ибодат) бўлган намозни ўқинг! Шоядки, Парвардигорингиз сизни (Қиёмат кунда) мақтовли (яъни, гуноҳкор умматларингизни шафоат қилиб оқлайдиган) мақомда тирилтирур» [Исро 79]

– Пайғамбаримиз ﷺ Муоз ривоят қилган ҳадисда шундай дейди:

«أَلَا أَدُلُّكَ عَلَىٰ أَبْوَابِ الْخَيْرِ؟ الصَّوْمُ جَنَّةٌ، وَالصَّدَقَةُ تُطْفِئُ الْحَطِیْمَةَ كَمَا يُطْفِئُ الْمَاءُ النَّارَ، وَصَلَاةُ الرَّجُلِ فِي جَوْفِ اللَّيْلِ، ثُمَّ تَلَا: تَتَحَفَّى جُنُوبُهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ (حَتَّىٰ بَلَغَ): يَعْمَلُونَ»

«Яхшилик эшикларини кўрсатайми? Рўза қалқондир, Садақа худди сув ўтти ўчирганидек хатоларни ўчиради.

Бирор кишининг тун ўртасида ўқиган намози, дедилар.
Сўнг ушбу

﴿تَتَجَافَى جُنُوبُهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ خَوْفًا وَطَمَعًا وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ﴾ ﴿فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُم مِّن قُرَّةِ أَعْيُنٍ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Уларнинг ёнбошлари ўрин-жойларидан йироқ бўлур (яъни тунларини ибодат билан ўтказиб, оз ухлайдилар). Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик билан дуо-илтижо қилурлар ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилурлар. Бас уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини (яъни охират неъматларини) бирон жон билмас» [Сажда 16-17]

оятини ўқидилар». Бу ҳадисни Термизий ривоят қилган бўлиб, ҳасан, саҳиҳ деган.

– Оиша رضي الله عنها айтади: Пайғамбар ﷺ қиёмга турарди ва ҳатто товонлари ёрилиб кетар эди. Шунда мен: Эй Аллоҳнинг Росули нимага бундай қиласиз? Ахир сизнинг олдинги ва кейинги гуноҳларингиз кечирилган-ку? – десам, у киши:

«أَفَلَا أَكُونُ عَبْدًا شَكُورًا»

«Шукр қилувчи банда бўлмайинми?» – деб жавоб қилар эдилар. Муттафақун алайҳ ҳадис.

– Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб رضي الله عنه лар отасидан ривоят қилишича Росулulloҳ ﷺ:

«نِعْمَ الرَّجُلُ عَبْدُ اللَّهِ، لَوْ كَانَ يُصَلِّي مِنَ اللَّيْلِ»

«Агар Абдуллоҳ тунда туриб намоз ўқиса қандай ҳам яхши киши бўлар эди», деганларида Абдуллоҳ шундан сўнг тунда жуда кам ухлаган экан. Муттафақун алайҳ ҳадис.

– Росулulloҳ ﷺ Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда шундай дейди:

«يَعْقُدُ الشَّيْطَانُ عَلَى قَافِيَةِ رَأْسِ أَحَدِكُمْ، إِذَا هُوَ نَامَ، ثَلَاثَ عُقَدٍ، يَضْرِبُ كُلَّ عُقْدَةٍ: عَلَيْكَ لَيْلٌ طَوِيلٌ فَارْقُدْ؛ فَإِنِ اسْتَيْقَظَ فَذَكَرَ اللَّهَ انْحَلَّتْ عُقْدَةٌ، فَإِنِ تَوَضَّأَ انْحَلَّتْ عُقْدَةٌ،

فَإِنْ صَلَّى اخْتَلَتْ عُقْدُهُ، فَأَصْبَحَ نَشِيطًا طَيِّبَ النَّفْسِ، وَإِلَّا أَصْبَحَ حَبِيثَ النَّفْسِ
كَسَلَانَ»

«Шайтон сизлардан бирингиз ухлаётган пайтида бошининг орқа томонига учта тугунни тугиб, унга қаршингда узоқ тун, ухла дейди. Агар у уйғониб, Аллоҳни ёд олса, битта тугун ечилади. Агар таҳорат олса, иккинчи тугун ечилади. Агар намоз ўқиса, учинчи тугун ҳам ечилади. Натижада, ғайрат ва мусаффо қалб билан тонг оттиради. Агар ундай қилмаса, дангаса ва ифлос қалб билан тонг оттиради». Муттафақун алайҳ.

– Росулуллоҳ ﷺ Абдуллоҳ ибн Салом ривоят қилган ҳадисда шундай дейди:

«أَيُّهَا النَّاسُ أَفْشُوا السَّلَامَ، وَأَطْعِمُوا الطَّعَامَ، وَصَلُّوا بِاللَّيْلِ وَالنَّاسُ نِيَامٌ، تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ
بِسَلَامٍ»

«Эй инсонлар саломлашишни кенг ёйинг, (муҳтожлар)га таом беринг. Тунда одамлар ухлаётган пайт намоз ўқинг, шунда саломат ҳолда жаннатга кирасиз». Термизий ривоят қилган ва ҳасан саҳиҳ ҳадис деган.

– Росулуллоҳ ﷺ Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилган ҳадисда шундай дейди:

«إِنَّ فِي اللَّيْلِ لَسَاعَةً، لَا يُوَافِقُهَا رَجُلٌ مُسْلِمٌ، يَسْأَلُ اللَّهَ تَعَالَى خَيْرًا مِنْ أَمْرِ الدُّنْيَا
وَالْآخِرَةِ، إِلَّا أَعْطَاهُ إِيَّاهُ، وَذَلِكَ كُلُّ لَيْلَةٍ»

«Албатта тунда бир соат мавжудки, киши унда Аллоҳдан дунё ва охиратдаги яхшиликни сўраса, Аллоҳ уни беради. Бундай соат ҳар бир кечада мавжуд». Муслим ривояти.

– Абу Ҳурайра Абу Саиддан қилган ривоятда Росулуллоҳ ﷺ айтади:

«إِذَا أَيْقَطَ الرَّجُلُ أَهْلَهُ مِنَ اللَّيْلِ فَصَلِّيًا أَوْ صَلَّى رَكَعَتَيْنِ جَمِيعًا كُتِبَ فِي الذَّاكِرِينَ
وَالذَّاكِرَاتِ»

«Киши тунда ўз аёлини уйғотиб, икки ракат намоз ўқисалар, Аллоҳни ёдга олувчи эркаклар ва Аллоҳни ёдга олувчи аёллар тоифасига ёзилади». Абу Довуд саҳиҳ иснод билан ривоят қилган.

– Росулulloҳ ﷺ айтади:

«عَلَيْكُمْ بِقِيَامِ اللَّيْلِ، فَإِنَّهُ دَأْبُ الصَّالِحِينَ قَبْلَكُمْ، وَهُوَ قُرْبَةٌ إِلَى رَبِّكُمْ، وَمَكْفَرَةٌ
لِلسَّيِّئَاتِ، وَمَنْهَاجٌ لِلْإِثْمِ»

«Доим ўзингизга қиёмуллайлни лозим тутинг. Чунки у сизлардан олдинги солих кишиларнинг одатидир. У сизни Аллоҳга яқинлаштиради, гуноҳларингизга каффорат бўлади ва гуноҳлардан қайтаради». Термизий ривояти. Албоний Ирвоул Ғалил китобида ҳасан деган.

– Ҳоким Мустадрок китобида Пайғамбаримиз ﷺнинг шундай деганини ривоят қилади:

«يَا مُحَمَّدُ، عَشْ مَا شِئْتَ فَإِنَّكَ مَيِّتٌ، وَأَحِبَّ مَنْ شِئْتَ فَإِنَّكَ مُفَارِقُهُ، وَاعْمَلْ مَا شِئْتَ
فإِنَّكَ مُجَزِّيٌّ بِهِ، وَاعْلَمْ أَنَّ شَرَفَ الْمُؤْمِنِ قِيَامُهُ بِاللَّيْلِ، وَعِزَّهُ اسْتِغْنَاؤُهُ عَنِ النَّاسِ»

«Жаброил хузуримга келиб айтдики: Эй Муҳаммад хоҳлаганингча яша, лекин бир кун ўласан. Хоҳлаганингни яхши кўр, лекин бир кун ундан ажраласан. Хоҳлаган ишингни қил, лекин унга кўра ҳисоб-китоб қилинасан. Билгинки, мўминнинг шарафи тунда туриб ибодат қилишида ва унинг азизлиги одамлардан беҳожат бўлишидадир». Албоний Жомиуссаҳиҳ китобида ҳасан ҳадис деган.

– Росулulloҳ ﷺ Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейди:

«يَنْزِلُ رَبُّنَا تَبَارَكَ وَتَعَالَى كُلَّ لَيْلَةٍ إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا حِينَ يَنْقُضُ ثُلُثَ اللَّيْلِ الْآخِرِ
فَيَقُولُ: مَنْ يَدْعُونِي فَأَسْتَجِيبَ لَهُ؟ مَنْ يَسْأَلُنِي فَأُعْطِيَهُ؟ مَنْ يَسْتَغْفِرُنِي فَأَغْفِرَ لَهُ؟»


«Олий ва Буюк Роббимиз ҳар кечанинг учдан бирининг охирги қисмида дунё осмонига тушади. Сўнг: Ким менга дуо қилса, ижобат қиламан, сўраса бераман, гуноҳларини кечиришни сўраса кечираман», дейди. Муттафақун алайҳ ҳадис.

– Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос رضي الله عنهлар ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ шундай дейди:


«أَحَبُّ الصَّلَاةِ إِلَى اللَّهِ صَلَاةُ دَاوُدَ عَلَيْهِ السَّلَامُ، وَأَحَبُّ الصِّيَامِ إِلَى اللَّهِ صِيَامُ دَاوُدَ،

وَكَانَ يَنَامُ نِصْفَ اللَّيْلِ وَيَقُومُ ثُلُثَهُ وَيَنَامُ سُدُسَهُ، وَيَصُومُ يَوْمًا وَيُفْطِرُ يَوْمًا»

«Аллоҳ учун энг яхши намоз Довуд ﷺнинг намози, Аллоҳ учун энг яхши рўза Довуд ﷺ рўзасидир. Чунки Довуд ﷺ кечанинг биринчи ярмида ухлар ва иккинчи ярмида туриб намоз ўқир эди. Кечанинг олтидан бири қолганда эса ухларди ва бир кун рўза тутса, бир кун тутмас эди». Буюк Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари ﷺ тўғри сўзловчидир. □


**УЛАРНИНГ ХИДОЯТЛАРИГА ЭГРАШИНГ:
СОМИТ (ГАПИРМАЙДИГАН) ЛАҚАБЛИ МЎМИН, МУЖОҲИД ВА
ШАҲИД САҲОБА АБУ АБДУРРАҲМОН ЗАЙД ИБН ХАТТОБ **

У Форук Умар ибн Хаттобнинг бир туғишган акаси бўлиб, Умардан олдин Исломни қабул қилди. Шунинг учун у динга биринчи бўлиб кирганлардан ҳисобланади. Аллоҳ Таоло унга кенг илм ва жисмоний қувват берган эди. У ақлини ишга солиб Исломга кирди. Унинг бўйи узун ва буғдой ранг эди.




Зайд ибн Хаттоб укаси Умар билан Маккадан Мадинага ҳижрат қилди. Росулulloҳ  уни Муин ибн Адий Ансорий билан дўст қилди. Улар Ямомада шаҳид бўлгунларича бирга бўлишди. Унинг Аллоҳ ва Росулига бўлган иймони кучли эди. У бирор ғазотда ҳам Росулulloҳдан ортда қолмади. Бадр, Уҳуд ва Хандақ жангларида қатнашди, ҳатто Худайбияда ризвон байъатида иштирок этди. Зайд қачон Ислом душманларига йўлиқса, шаҳид бўлишга интилди. Шунинг учун Уҳуд жангида шижоат ва жасорат билан жанг қилар экан, ҳимоя қиладиган қалқонсиз кўксини мушрикларга тутди.

Укаси Умар ибн Хаттоб уни шу аҳволда кўриб, қалқонини ечиб унга берди ва унга: «Қалқонимни сенга кийгизаман деб қасам ичдим» деди. Шунда Зайд қалқонни олиб кийди, лекин қисқа вақт ўтгач, уни ечиб Умарга қайтарди. У Умарга: Сен ўзинг учун нимани истаётган бўлсанг мен ўзимга шуни истайман. Сен ўзингга шаҳидлик хоҳлаётганингдек мен ҳам ўзим учун шаҳидликни хоҳлайман, деди.



Зайднинг Ямома жангида шикастланиши ва шаҳид бўлиши

Зайд Пайғамбар  вафотидан кейин айрим араб қабилалари диндан қайтганидан қаттиқ таъсирланди. Шунинг учун Халид ибн Валид бошчилигидаги мусулмон кўшинлари билан ҳеч иккиланмай Мусайлама Каззоб етакчилигидаги муртадларга қарши урушга кетди.

Мусайлама каззоб билан бирга Ражжол ибн Анфава исмли киши бор эди. Бу кишининг Исломга кириши ва муртад бўлиши ҳақида алоҳида қисса бор.

Ражжол ибн Анфава Росул  даврида Исломга кирди. Ислом ҳақида Росулulloҳ  дан таълим олгач, ўз қавмига қайтиб кетди ва Мадинага Росулulloҳ  вафот этганидан кейин қайтди. Шу пайтга келиб Абу Бакр Сиддиқ мусулмонларга Халифа этиб сайланди. Абу Бакрга ямомаликлар хабари ва уларнинг Мусайлама атрофига йиғилаётгани етиб келди. Ражжол Абу Бакрга уни Ямомага унинг ақлини Исломда мустаҳкам қилиш учун элчи қилиб юборишини таклиф қилди. Халифа унинг элчи бўлиб боришига

рози бўлди. Ражжол Ямомага борди ва уларнинг сони кўплигини кўриб, уларни ғолиб чиқади деб гумон қилди. У алдоқчи нафс ҳавосига алданди ва ўзи тикланади, деб гумон қилган ёлғон давлатдан бирор мансабни эгаллашни хоҳлаб қолди. Сўнг Исломдан чиқиб, уни ваъдалар билан сийлаган Мусайлама сафига кўшилди.

Ражжолнинг Исломга бўлган хатари Мусайламаникидан каттиқроқ бўлди. Чунки у одамлар орасида юриб, Росулulloҳдан Мусайлама ибн Ҳабиб билан бу ишда шерикмиз деб айтганини эшитганман. Модомики, Росулulloҳ  вафот этган экан, пайғамбарлик байроғи ва ваҳига энг ҳақли инсон Мусайламадир деб гап тарқатди. Ражжолнинг ёлғон гаплари ҳамда Ислом ва Пайғамбар  билан бўлган муносабатини маккорона ишлатиши натижасида одамлар Мусайлама атрофида янада кўпроқ жипслаша бошлади.

Ражжол ҳақидаги хабарлар Мадинага етиб келди. Шунда мусулмонлар одамларни адаштираётган ва уруш доирасини кенгайтираётган ушбу хатарли муртаддан каттиқ ғазабланишди. Ражжолдан энг кўп ғазабланган киши Зайд ибн Хаттоб бўлди. У сийрат ва тарих китобларига мана шу исм билан кирган улуг саҳобадир. Зайд Мусайлама эмас, балки ундан ҳам хатарли ва жинойтчи бўлмиш Ражжол ибн Анфава фитнасини йўқ қилиш учун тайёрланди. Холид ибн Валид мусулмон кўшинни йиғди ва жанг майдонига тизди. Қўшин байроғини эса, Зайд ибн Хаттобга берди.

Мусайлама каззобга эргашган Бану Ҳанифа даҳшатли жанг қилди. Жанг бошланишида мусулмонлар зарарига бўлди ва улардан аксар кишилар шаҳид бўлди. Зайд айрим мусулмонлар қалбига кўрқув кирганини кўрди.

Шунда яқин жойдаги тепаликка чиқиб, биродарларига қарата: «Эй одамлар... тишни тишга қўйинг, душманингизни ўлдиринг ва олдинга қараб юринг... Аллоҳга қасамки, Аллоҳ уларни мағлуб қилмагунича гапирмайман, ёки Аллоҳга йўлиқиб хужжатим билан гапираман», деб қичқирди. Зайд Сомит (гапирмасдан жим турувчи) номли лақабни шу ерда олди.

Зайд тепаликдан тушди, тишни тишга қўйди, икки лабини юмиб, ҳатто тилини қимирлатмади. Зайд жанг тақдирини Ражжолни ўлдириш билан ҳал қилишни истади. Сўнг жанг майдонига ўқдек ёриб кирди ва Ражжолни излай бошлади ва уни топди. Сўнг гоҳ ўнг томон, гоҳ чап томондан унга яқинлашди. Лекин ҳар сафар жанг тўфони унинг рақибини ютиб юборар ва

яшириб кўяр эди. Зайд эса, тўлқин уни яна жанг сатхига олиб чиққунича ортидан шўнғир эди.

Зайд унга яқинлашиб қиличини тўғриласа, одамлар тўлқини Ражжолни ютиб юборар эди. Зайд эса, Ражжол кутилиб қолмаслиги учун ортидан яна шўнғир эди. Охири уни бўғзидан тутди ва кибр, ёлғон, разиллик тўла бошини қиличи билан кесиб ташлади...

Ёлғон қулаши ортидан унинг аҳли ҳам қулай бошлади. Мусайлама ва унинг яна бир ишонган кишиси бўлмиш Муҳкам ибн Туфайлнинг қалбига кўрқув кирди. Мусайламани кўшини қалбига ҳам кўрқув кирди. Чунки, Ражжолнинг ўлдирилгани шамолли кундаги ўт каби тарқалган эди...

Мусайлама уларга ғалабани ваъда қилган эди. Шунингдек ўзи, Ражжол ибн Анфава ва Муҳкам ибн Туфайл ғалаба қилиши, ўз динларини ёйиши ва давлатини тиклаши ҳақида айтган эди... Энди эса, Ражжол ўлди, демак Мусайламанинг пайғамбарлиги ёлғон экан... Зайд ибн Хаттобнинг зарбаси Мусайламанинг сафини пароканда қилиб юборди.

Аmmo мусулмонлар Ражжолнинг ўлгани ҳақидаги хабарни эшитиб, азму қарорлари тоғ каби мустаҳкамланди. Жароҳатланганлар жароҳатларига қарамай, қўлларига қилич олиб турдилар. Хатто ҳаётдаги охири нафасини олаётганларга бу хабар ширин тушдек туюлди. Қани энди кучлари етса-ю, жангга қайтсалар ва ажойиб хотимадаги ғалабани кўрсалар. Лекин уларни бундан ҳам ажойиб хотима кутмоқда. Уларни жаннат кутмоқда... Зайд икки кўлини осмонга кўтарди ва Роббисига илтижо қилди ва неъматига шукр айтди. Сўнг яна қилич яланғочлаб, жим ҳолда жангга қайтди. Чунки у бироз олдин ғалабага эришмагунча ёки шаҳид бўлмагунча гапирмасликка қасам ичган эди. Жанг мусулмонлар фойдасига юра бошлади. Уларга ҳал қилувчи ғалаба онлари яқинлашаётган эди...

Зайд ғалаба шамоли эсаётганини кўргач, ўз ҳаётига шу жойда хотима ясалишини хоҳлади. Аллоҳдан Ямома кунда уни шаҳидлик билан ризқлантиришини умид қилди... Шунда жаннат шамоли эсди, нафсини завқу шавққа, кўзини ёшга ва қарорини катъиятга тўлдирди.

Унга келиб тушган зарба унинг буюк тақдирини ҳал қилди... Шундай қилиб, қаҳрамон шаҳид ҳолида қулади... Йўқ асло, у шаҳид ҳолида юксалди.

Мусулмонлар кўшини зафар кучган ҳолда Мадинага қайтдилар. Умар Халифа Абу Бакр билан бирга зафар кучиб қайтган

мусулмонларни кутиб олар экан, икки кўзи акасини кўришга муштоқ эди. Зайд бўйи узун бўлгани учун, уни узоқдан таниб олиш осон эди. Лекин Умарнинг кўзи унга тушишидан олдин жангдан қайтган мусулмонлардан бири унга таъзия изҳор қилди. Шунда Умар: «Аллоҳ Зайдни ўз раҳматига олсин. У мендан икки яхшилик борасида ўзиб кетди. Мендан олдин Исломга кирди ва мендан олдин шаҳид бўлди», деди. Умар яна айтар эдики: «Қачон шамол эсса Зайднинг ҳидини топаман». Аллоҳ Зайдни ўз раҳматига олсин. У укаси Умар каби мунофиқлик ва ёлғондан жирканар эди.

Шундай қилиб, буюк саҳоба Зайд ибн Хаттоб Ямома жангида шаҳид бўлди. Ямома жанги мусулмонлар ва Мусайламага эргашган муртадлар ўртасида, Халифа Абу Бакр Сиддиқ даврида ва ҳижратнинг ўн иккинчи йили робиул-аввал ойида бўлган эди. □

ДЭВИД ХИРСТ: СҮНГГИ КРИСИСДА ИОРДАНИЯНИ САУДИЯ ЭМАС ҚАТАР ВА ҚУВАЙТ ҚУТҚАРДИ

Британиялик журналист Дэвид Хирст Middle East Eye веб-сайтида нашр қилган мақоласида Кўрфаз давлатларининг Иордания кризисига муносабати ҳақида шундай ёзади: «Қирол Салмон Иорданияга кўрсатилган ёрдам ўзи тарафидан келган бўлиб кўринишини жуда истаган бўлса-да, Саудия Арабистони қироллиги 2,5 миллиард доллар қийматидаги ёрдам пакетига ўз хиссасини қўшмади. Бу маблағни беришга Қувайт ваъда қилган бўлишига карамай, қирол Салмон афзаллик ўзи учун белгиланишига уринди. Бунинг натижасида келиб чиққан нарса шу бўлдики, бир-бирига рақобатчи бўлган Кўрфаз давлатлари Иорданияга ёрдам кўрсатиш устида мусобақалашиди».

У яна шундай ёзади: «Иордания қироллиги девонига яқин бир манба Middle East Eye веб-сайти учун берган интервьюсида айтишича, қирол Абдуллоҳ нарх-наво кўтариллиши ва даромад солиғи оширилишига қарши Иордания кўчаларида норозилик намойишлари бошланишидан олдин Қувайтга ўз вакилини юборган. Норозилик намойишлари пайтида Қувайт давлати вазири Иорданияда бўлган. Бунинг натижасида Қувайт Иордания марказий банкига 500 миллион доллар берган ва яна 500 миллион доллар миқдоридagi паст фоизли қарзларни беришга ваъда қилган». Журналист яна шундай қўшимча қилади: «Иордания эшигини қоққан бошқа тараф Қатар бўлди. Қатар амири Шайх Тамим Ҳамд Оли соний қирол Абдуллоҳга боғланиб, Қатарнинг молиявий ёрдамани таклиф қилган. Бу телефон сўзлашуви Иордания талабига биноан эълон қилинмаган. Чунки, Иордания Саудия тарафи бирор ташаббус билан чиқишидан ҳамон умид қилаётган эди... Қатар ташқи ишларининг билдиришича, Қатар 10 мингдан ортиқ иш ўринларини яратиш ва 500 миллион доллар миқдоридagi маблағни бериш орқали бевосита молиявий ёрдам кўрсатишга қарор қилган».

У яна шундай ёзади: «Саудиянинг макри орқали Қувайт ваъда қилган бир миллиард доллар умумий ёрдам пакети доирасига киритилди. Чунки Салмон гўёки йиғилиш пайтида шунга келишилгандек эълон қилди. Аслини олганда Саудия ва Амирликлар қувайтликлар берган маблағдан бир мунча оз маблағ беришди. Чунки берилиши керак бўлган қолган 1,5 миллиард долларни Саудия билан Амирликлар номидан берилди». Журналист яна шундай қўшимча қилади: «Бунинг натижасида Иордания қироллиги девони Салмоннинг ишидан умидсизликка тушиб қолди. Чунки, иорданияликлар Қувайтдан амалда бир миллиард доллар олишган бўлса, Саудия Арабистони қироллигидан бундан кўра кўпроқ берилишини кутишган эди. Бундан ташқари саудияликлар икки йил давомида Иорданияни молиялаштиришни тўхтатиб қўйишган эди».

Ал-Ваъй: Кўзғолонлар давомида мусулмонлар юртларидаги режимларнинг қанчалик мўртлиги ва малайликка мослашиб қолгани фош бўлди. Улар Умматнинг шавкати синди, деб ўйлашган эди. Энди эса, минтақадаги Американинг нуфузи ўзгаришидан кўркишмоқда. Бу режимлардан бирортаси, энг аввало Саудия Аллоҳ учун ва мусулмонлар фойдасига иш қилмайди. Аллоҳ ўз ишида ғолибдир, бироқ одамларнинг кўпчилиги бунини билмайдилар. □

ТРАМП ЎЗ МАСЛАГИГА ҚАРШИ ЧИҚҚАН ХОИНДИР, ҚЎШМА ШТАТЛАРДА КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИЛГАН КРИЗИС АМЕРИКАДА ТУЗАТИЛИШИ КЕРАК

2018 йил 16 июлда Хелсинкида Трамп ва Путин ўртасидаги саммит бўлиб ўтди. Америка ва Европа учун Трампнинг бу саммитда ўзини тутиши жуда ёмон бўлди. Саммит турларининг бирида икки президент ўртасидаги алоҳида учрашув бўлиб ўтди. Бу учрашувда икки президент ва таржимонлардан бошқа ҳеч ким иштирок этмади. Ушбу ёпиқ мажлисда икки президентнинг нима ҳақида суҳбатлашганини ҳеч ким билмайди. Энг яқин маслаҳатчилар, шу жумладан Оқ уй хизматчилари раҳбари Жон Келли ҳам бу мажлисга киритилмади. Афтидан, Россиянинг АҚШ сайловларига Трамп фойдаси учун аралашishi натижасида келиб чиққан кўнгилсиз аҳволни бартараф этиш йўллари мувофиқлаштириб олиш учун мана шундай учрашув керак бўлган кўринади.

Трамп уларга ва улар Трампга ҳужум қилган АҚШ ахборот воситалари, шунингдек Европа ахборот воситалари Трампнинг ушбу саммитдаги чиқишларини баъзи ўринда масхаралаган ва баъзи ўринда безовталиқни ифодалаган сарлавҳалар билан муҳокама қилишди. Трампни масхаралашни ифодалаган сарлавҳаларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: «Трамп, Путин ва Америкага хиёнат». АҚШ президенти Дональд Трампнинг Хелсинкидаги чиқишлари «шармандали» бўлди. Трампнинг Россия президенти Владимир Путин билан бирга берган матбуот конференцияси унинг президентлик давридаги асло унутилмас лаҳзалар бўлиб қолади. Трамп Путиннинг «2016 йилги АҚШ сайловларига Россиянинг аралашувиға ҳеч қандай асос йўқ», дея айтган гапларини тасдиқлаб АҚШ разведка бошқармасига қарши чиқди. Газета «чет давлат ерида бу турдаги баёнотларни бериш АҚШ миллий хавфсизлигига хиёнат ҳисобланади», деб ёзди. Газетага кўра, Трамп ўз мамлакатини обрўсизлантирди. Гўёки у хато қилиб қўйишдан ёки АҚШ президентлик сайловларини ўғирлагани исботланишидан ва одамларга ўзининг «ёлғончилиги» кўриниб қолишидан кўрққандай кўринди. Газета «Трамп ўз маслагига қарши чиққан хоиндир, Қўшма Штатларда келтириб чиқарилган кризис Америкада тузатилиши керак, чунки бутун дунё кузатиб турибди», дея хотима қилди.

Аммо безовталиқларга келсак, оммавий ахборот воситалари ушбу саммит АҚШ ташқи сиёсатига доир безовта қилувчи бир қатор саволларни пайдо қилганини билдирди. Уларга кўра, Трамп президент Путинга ва унинг агрессив ташқи сиёсатига «қонунийлик берадиган» халқаро иттифоқлар ролинини адо этишга уринмоқда. Чунки у, яъни Путин Грузияга бостириб кирганига, Крим ярим оролинини қўшиб олганига, Малайзия учоғини уриб туширганига, Америка ва Европа сиёсатига аралашганига ҳамда заҳарли «новичок» гази билан ҳужум қилганига қарамай, ўзи излаётган яқинлашувни қўлга киритди. АҚШ президенти ушбу хатти-ҳаракати билан кремлнинг ёвуз ишлари учун мукофотлади. Ушбу оммавий ахборот воситаларининг ишонишича, Трампнинг қўл бериб кўришиши Путин учун тактик мукофот бўлиб, шу орқали Москва бутун дунёга «Россиянинг иштирокисиз ҳеч қандай музокарани бошлаш ва иттифоқларга кириш мумкин эмас», дея нома йўллади.

Ал-Ваъй: Дунё давлатларинини бошқараётган Американи телба киши бошқармоқда. Ҳақиқат шуки, бугун дунё Трамп бошқаруви кризисини тузатилишинини кутмаяпти, балки ҳазорат қулашинини кутяпти. Трамп ўша ҳазорат қулашинининг белгиларидан биридир. □